

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**


Наманган Давлат Университети

Тарих факультети

Жаҳон тарихи кафедраси

**«Осиё ва Африка мамлакатларининг ўрта
асрлар тарихи»**

(фанидан маърузалар матни)



Наманган – 2006

Тузувчи : ўқитувчи З. Мадрахимов.

Маъруза матни:

Ватан тарихи кафедраси йиғилишида кўриб чиқилган ва тавсия этилган.

Баённома № _____ « _____ » _____ 2006 йил.

Кафедра мудири: _____ т.ф.н.М. Қаяумов.

Тарих факультети ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Баённома № _____ « _____ » _____ 2006 йил.

Факультет декани: _____ т.ф.н. Р. Жўраев.

НамДУ ўқув услубий кенгашида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Баённома № _____ « _____ » _____ 2006 йил.

Кенгаш раиси: _____.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги

Наманган Давлат Университети

«Тасдиқлайман»
ўқув ишлари бўйича ректор
ўринбосари

_____.

« ____ » _____ 2006 й.

5220200 - Тарих мутахассислиги учун

**Осиё ва Африка мамлакатларининг
ўрта асрлар тарихи**

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Наманган – 2006 йил.

Кириш. Осиё ва Африка мамлакатлари феодализмнинг вужудга келиши ва тараққиёти.

Осиё ва Африка мамлакатларининг ўрта асрлар тарихи жажон-тарихий жараёнинг ажаралмас қисмидир. Инсоният ўрта асрлар босқичидан анча узоқлашиб кетган бўлсада уни ўрганиш ахамияти сусайгани йўқ. Осиё ва Африкада феодал тузум Европага нисбатан анча мустахкамроқ бўлган ва узоқ давом этган. Лекин шунга қарамай ўрта аср хронологияси жажон миқёсида олинган.

1) илк ўрта асрлар (III-IX)

2) ривожланган ўрта асрлар (IX-XV)

3) сўнгги ўрта асрлар (XV-XVII 1-ярми)

(Англия буржуазия революцияси)

Ўрта асрлар рамкаси шартли равишда олинган ва бу масалада ханузгача медисвистлар ўртасида бахслар давом этмокда. Айниқса ўрта асрлар ва янги давр чегараси кескин тортишувларга сабаб бўлмокда. Баъзи фикрларга биноан Шарқда ўрта асрлар Буюк француз революцияси даврида (1789) тамом бўлган. Бу фикр 1970 йилга ЛДУ да чиккан *«История стран зарубежной Азии в средних века»* дарслигида уз ифодасини топган.

Баъзи фикрларга кўра ўрта асрлар якуни Константинопол кулаши (1453 й.) ва буюк географик кашфиётлар билан боғлиқ (1492 й.). *«Эволюция восточных обществ: Синтез традиционного и современного»* М. 1984

Осиё феодализи ўзига хос хусусиятларга эга:

А) Европадан олдин бошланган

Б) кўп шарқ мамлакатлар кўп сохадан Европадан устун:

а) Шарқ ва /арб турмуш тарзидаги ўзига хосликлар

б) Шарқ давлатларининг кўпчилиги аҳолиси кўчманчи чорвадор (феодализмга қадар бўлган муносабатлар)

В) шарқда доимий миграциялар тараққиётга ҳалал бериб, баъзан уни орқага ҳам суриб юборган

Г) Шарқ ижтимоий структурасида ҳарбий демократия ва кулдорлик элементлари узоқ сақланган. У сиёсий ҳаёт ва этник жараёнларда ҳам ўз аксини топган .

Д) улкан империялар (шарқ деспотияси шаклидаги) этник ягона жамиятлар ва миллий ўз-ўзини англаш вужудга келишига ҳалал берган .

«Осиёча ишлаб чиқариш усули». Маркс

Қадимги дунё ва Ўрта асрларда илмий билим соҳасида Шарқ /арбдан анча олдинда эди. (мисоллар..)

Янги эранинг дастлабки асрларида Шарқда йирик давлатлар мавжуд эди. Хан империяси, Сосонийлар давлати, Византия, Кушон империяси. Шу билан бирга кўпгина Осиё ва Африка халқларининг аجدодлари бу даврда ибтидоий тузум даражасида эдилар.

Шарқ мамлакатларида феодализмнинг вужудга келиши масаласи жуда яхши ўрганилмаган. Феодализм генезиси тарихчилар томонидан турлича белгиланмокда.

Масалан: Хитой. Европа тарихчилари-III асрдан Хитой тарихчилари-Эрамиз. Аввалги V хатто ХІдан.

Эрон Хитойда феодализм кулдорликдан ўсиб чиққан бўлса, Хиндистоннинг баъзи районларида ибтидоий тузумдан..(Европа ?)

Арабистон, Корея, Япония, Хиндихитойда феодализм ибтидоий жамоа тузумидан ўсиб чиққан.

Шарқ феодализмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - унинг кўп укладлиги, патриархарлиги ва кулчилик элементларининг узоқ сақланганлиги. Хитойда император фармони билан 1911 йил кулчилик «туғатилган». Эфиопияда расмий равишда 1942 йил, Саудия - Арабистонида 1962 йили. Бу ҳолат ҳам бахсларга сабаб бўлмокда. Баъзи Япон тарихчилари VII-IX асрлао кулдорлик тизими эди, деб ҳисобламокдалар. Йирик феодал мулк турли йўллар билан шаклланган.

Масалан: II-V асрлардаги Хиндистон ҳукукий ҳужжатларидага биноан, ердан 20 йил фойдаланган киши унинг эгасига айланган.

Арабистонда ўлик ерларни тирилтириб, уни уч йил ишлаган киши унинг эгасига айланган.

Совга, суюрго, бенефиций...

Хитой, Япония, Хиндистонда анча ер дин кўлида бўлган.

Шарқ мамлакатлари тарихида ўтроқ ва кўчманчи аҳоли муносабатлари масаласи анча муҳим, чунки айнан шу территорияда кўчманчи чорвадорлик асрлар мобайнидан сақланиб келган.

IV шимолий Хитойга ҳужум .

V аср эфталитларнинг Хиндистонга ҳужуми ..халқларнинг буюк кўчиши ..

Шарқда феодаллашув жараёни йирик давлат рамкасида амалга оширилган ва бюрократик апарат ер муносабатларига аралашмаган. (Европа?)

Араб халифалиги .

Хитой империялари.

Корея Силла давлати.

(Хиндистон, Индонезия, Африкада кичик давлатлар доирасида амалга оширилган нега?)

/оявий таъсир қуроли сифатида дин муҳим роль ўйнаган. VII-VIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда Шимолий Африкада ислом тез тарқалди. Узоқ шарқ, жануби-шарқий Осиёда хинд миссионерлари олиб келган буддизм асосий динга айланди. Эски анимистик динлар ҳам сақланиб қолаверган. Индуизм, Синтонизм, тотемизм, Фетишизм.

Варвар қабилалар, ёш давлатлар ҳужумлари қадимий маданият билан чамбарчас боғлиқликни узиб ташлай олмаган.

Хитой, Корея, Хиндистон, Кичик Осиё, Шимолий Африка ..

Пиллачилик, сабзавотчилик, шоликорлик.. Хунармандчилик тараққий этган .

Дамашқ, Боғдод, Чанъан, Нара

Шахарсозлик - Самарқанд, Бухоро.

VII аср бошларида Хитойда шлюз системасига эга булган буюк канал курилиши тугалланган.

Математика, астрономия, Химия, медецина, география, тарих.

Поэзия мисл кўрилмаган даражада ривожланди. Саводилик даражаси юқори бўлган. VII асрда /арбий Европада рухонийларни ҳисобга олмаганда кўпчилик феодаллар ўқиш, ёзишни мутлақо билмасдилар. Узоқ шарқда бундайлар бўлмаган. Феодаллар ва чиновниклар ҳаммаси саводли бўлган. Дехқонлар турмуш даражаси ҳам чидарли даражада бўлган- у ўз навбатида иқтисодиёт, маданиятга туртки берган.

Мавзу: Илк урта асрларда Хитой .

Режа:

1. **III асрда Хитой жамияти. Кўчманчилар ҳужуми.**
2. **Жанубий ва Шимолий давлатлар.**
3. **Суй ва Тан илк феодал империяларининг ташкил топиши.**
4. **VI-VII асрларда аграр муносабатлар.**
5. **Шаҳарлар, хунармандчилик савдо.**
6. **Ижтимоий ва давлат тузуми.**
7. **Ташқи сиёсат ва муносабатлар.**
8. **Дин ва мафкура. Маданият.**

III асрда Хитой жамияти.

Хитойда феодал муносабатлар Хан кулдорлик империяси ва шимолдаги қабилалар ибтидоий жамоа тузуми заифлашуви асосида таркиб топа бошлади. (Хитой тарихчилари - Эрамиздан аввал XI асргача даврдан).

Хан давлати буюк Хитой деворидан Жанубий Хитой денгизигача бўлган территорияда жойлашган эди. 50 млндан ортиқ аҳолиси бўлган. Қадимий пойтахтлари Чанъан (Сиан - ҳозирги номи), Лоян Халқ номи Ханлар Ипакчилик сопол буюмлар яшаш курул яшаш, қоғоз ишлаб чиқариш ривожланган.

184 йилги «Сарик пешонабоғлилар» қўзғолони мамлакатни хароб қилган, зайифлашув бошланган. Ўзаро урушлар ҳам давлатни кемирган. 189 йили пойтахт Лоян қўлдан кетган. Ички урушлар собиқ империяни 3 лашкарбоши томонидан бўлиб олинишини билан якунланган. Уч подшолик даври бошланган.

Мамлакат шимоли ва пойтахт районларида қўзғолон раҳбарларидан бири Цао Цао хукмронлик қила бошлади. Жанубий Шарқда ҳозирги Нанкин районида пойтахти бўлган. У давлати, ғарбда ШУ давлати пайдо бўлди. 265 йили Вей лашкарбошиси Сима Ян Цао Цао авлодини тугатиб Цзин сулоласига асос солди. Шимоликлар дастлаб ШУ, 280 йили У давлатини эгалладилар. Император Сима Ян хукмронлиги ўрнатилди.

100 йил мобайнида солиқ тўловчилар сони 56 млндан 17 млнга тушиб қолди. Иригация системаси бузилди!.

280 йил Сима Ян аграр система тўғрисида фармон чиқарди. Бунга биноан хазина фойдасига маълум шартларни бажарган меҳнатга лаёқатли ҳар бир киши ер олишга ҳуқуқли эди. 16-60 ёшли эркак ва аёл унга тўла ҳуқуқли бўлган. 13-15 ва 61-65 ёшлилар белгиланган ерларнинг ярмини олишга ҳаққи бўлган. Болалар ва қариялар ер ололмас ва солиқ тўламас эдилар. Ер олганлар хосилнинг 2/5 қисми миқдорида солиқ тўлардилар. Ҳар бир ховлидан, агар бошлиқ эркак бўлса уч дона шойи материал ва 3 ўлчов бирлигида ипак олинарди. Агар оила бошлиғи аёл, ўсмир ёки қария бўлса унинг ярми тўланарди. Давлат ишларида йилига 30 кун ишлаб берилган. Узоқ ва чегара районларида у камайтирилган.

Бу система кейинги асрлардаги аграр тадбирларнинг ҳам асоси бўлиб хизмат қилган. Давлат хизматидаги бойроқ одамларни жалб қилиш мақсадида эгаллаган лавозими ва даражасига қараб ер берилган. (помешчик).

Олий даражадаги чиновник мулкидаги давлат солиғидан озод бўлганлар сони 50 ховлидан ошмаслиги шарт эди. Реформа юқори табақа манфаатларига зарар келтирмаган.

Ерга давлат ва хусусий эгалик бирлашиб кетган, шу сабабли ўзаро рақобат заиф бўлган.

289 йил Сима Ян ўлиmidан сўнг тахт учун кураш бошланди. Унга кўчманчи Сянби, ухуан ва хуннлар аралашган.

Кўчманчилар ҳужуми.

III-IV асрларда Хитой шимолидан Римга қадар бўлган территорияда халқларнинг буюк кўчиши жараёни давом этган Жанубий Хунлар (нан сюнни), сянбилар, ди, цян, цзе ва бошқа қабилалар Шимолдан Ўрта Хитой текислигига кўчган - Қадимий Ханлар этник бешиги Шимолдаги Хунлар иттифоқи емирилгач, жанубий гуруҳ Шимолий Шанси ва ички Монголия районларида яшаб қолган. Асосий машғулоти чорвачилик. 5 Хунн қабиласи вакиллари бошлиқ **шаньюй** (тангри кули) сайланганлар, у секин меросга айланган.

Шаньюйлар қадимдан император оиласидан қиз келин олиб келганлар, уларнинг катта ўғиллари Хан саройида фахрий гаровда ва 5 аймоқ бошлиғи саройларида яшаб фаолият кўрсатганлар. Хунлар отрядлари баъзан императорга ёрдам берганлар. Кейинроқ хунлар империяси заифлашуви оқибатида шаньюйлар Хитой тахтига давогарли қила бошладилар. Цзин империяси армияси марказий районларда жойлашган хунлар етарли даражада қаршилик кўрсата олмасди. 311 йили Лоян, 316 йили Чанъан кулади. Хуннлар орқасидан империянинг қуруқлик чегараларидаги кўп қабилалар ҳаракатга келди. Уларнинг баъзиларида уруғ тузуми хукмрон, бошликлар сайланар, аёллар катта ҳуқуқларга эга эдилар. Баъзиларда аристократия ажралиб чиқа бошлади.

Шимолий шарқда энг кучлиси Сянби қабила иттифоқи эди. Хитой элчилари улардан хунларга қарши фойдаланишга уринганлар. III асрда Сянбинлар бир неча иттифокқа бўлинди. Муюнлар жанубий Манжурияда, Тобалар ички Монголияда хукмрон эдилар. Муюнлар хитойликлар кўмагида хукмрон Ян подшолигини ўрнатдилар.

Ўрта подшолик ерларига ғарбдан Тибет гуруҳи қабилалари келиб Гансу, Шенси, Нинся ерларини эгаллаб Цинь давлатини барпо этганлар.

Улар дастлаб Муюнлар сўнгра ханлар билан тўқнашганлар. Лекин кўчманчилар подшолиги парчаланиб ташланган. Шимолий Хитойда ташкил этилган подшоликлар мустақкам бўлмай, одатда тез парчаланиб кетарди. Қадимги Хитойнинг маданияти ўчоғи бўлган Шимол 100 йиллар мобайнида жанг майдонига айланди.

IV аср охирида ғарбий сябинларнинг тоба қабилиси ўзаро жангларга чек қўйди. Шимолий Хитой эгалланди, улар дохийси Тоба Гуй император деб эълон қилинди. Давлат тузумида хитой тажрибасидан фойдаланилди. 367 йили улар Хитойнинг ўзига бостириб кирдилар. Тоба Гуйнинг невараси Шимолий Хитойда Шимолий Вэйлар сулоласи хукмронлигини ўрнатди.

Жанубий ва Шимолий давлатлар.

Шимолий хитойга кўчманчиларнинг бостириб кириши традицион тарихшуносликда Жанубий ва Шимолий сулолар даври деб номланган босқични бошлаб берди. Қадимги Хитойда III-VI асрлардаги каби шимол ва жануб ўртасидаги қарама-қаршилик бўлмаган эди. Шимолдан миллионлаб аҳоли жанубга қочган.

317 йили Цзянда (Нанкин райони) тўпланган сарой ахли асима хонадони вакилларида бирини император деб эълон қилди. Расмий йилномачилар 317-419 йилларни Шарқий Цзин сулоласи хукмронлиги деб ҳисоблайдилар. Император ҳокимияти заиф, йирик сиёсий мансаблар Шимолий аристократия қўлида эди.

IV аср охири V аср бошларида «50 доу груч» сектаси бошчилигидаги деҳқонлар қўзғолони, хукмрон синф ўртасидаги зиддият Шарқий Цзин ҳокимиятининг қулашига олиб келди. Шундан сўнг 4 сулола алмашди. Император ҳокимияти пойтахт райони ташқарисида тан олинмасди. Алоҳида лашкарбоши томонидан Шимолга қилинган юришлар муваффақиятсиз тугаган. IV асрдан жанубда «варвар»лар хукмронлик қилиб ханлар уларга тобе бўлганлар.

Тоби хукмронлиги даврида Шимолий Вей давлати ҳам регрес бошланган. Ер «кучли хонадонлар» қўлига ўта бошлаган. Хунармандчилик деярли ўлган. 485 йили йирик ер эгалигини чеклашга қаратилган император фармони эълон қилинган. Тарихшуносликда у чек ер системаси деб ном олган. У III асрдаги Цзинь давлати ўтказган аграр ислохотларни давоми эди.

Ерга давлат эгалиги принципи ғолиб чиқди. Қонун барча деҳқонларга феодалга боғлиқ бўлмаган ерга эгалик қилиш ҳуқуқи берилди. 15-17 ёши эркак ва аёллар ҳайдаладиган ерга эгалик қила олардилар: Эркаклар - кўпроқ, аёллар-озроқ. Ердан донли экинлар етиштиришга мажбур этилган. Қарилик ёши меҳнатга лаёқатсизлик, ўлим туфайлигина ер бошқа киши қўлига ўтган. Сотиш ва ижарага бериш таъқиқланган. Чек ернинг иккинчи қисмида каноп, сабзовот етиришлар ва тут дарахти экиларди. Бу қисм амалда меросий ҳисобланар, уни баъзи ҳолларда сотиш мумкин эди уй қурилган ховли ҳам шундай характерда бўлган. Чек ер учун хазинага дон, ипак, каноп матоси ҳамда хом-ашёси тўланган. Бундан ташқари чек ер эгаси маълум муддат давлат фойдасига ишлаб берган.

Кишлоқда деталлаштирилган бошқарув системаси ўрнатилган. 5 ховли Линь деб номланган жамоага бирлашган, беш лин ўртача жамоа Лига бирлашган, 125 ховли бўлса кишлоқ ташкилоти Данни ташкил этган. Бу бирлашмалар кишлоқ оксоқоллари томонидан бошқарилган. Баъзи ер эгалари ва оксоқоллар мукофот тариқасида солиқлардан озод этилган. Ховли (Ху) ҳисоб-китоб асоси бўлиб хизмат қилолмасди, чунки унинг таркибига одатда бир неча қариндош оила кирарди. Фармон бўйи оиланинг уйланмаган аъзосига чек ернинг қулга 1/8 хўкиз ёки эшакка 1/10 қисми миқдорида ер бериларди. Бу ҳолат феодаллашаётган юқори табақа манфаатларига мос эди. (хўкиз ва қўли бўлса, ери кўп бўлади) натурал маош тариқасида чиновникларга ҳам ер ажратилган.

Тоби зодагонлари, «кучли хонадон»ларнинг будда монастирлари ерларида қул ва ярим қул (буцой-ерга боғланган) бошқа ердан келганлар (Кэху-келгинди) ишлаган. Бу тадбир илк феодал марказлашган империя кучайувига имконият яратди. Бошқарув системасида қадимги Хитой шаклидан фойдаланилди.

Хитойлашув жараёни бошланди. Вей хукмронлиги даврида Ханларнинг билим ва тажрибаларидан кенг фойдаланилди. Давлат аппаратида Хан чиновниклари асосий роль ўйнай бошлади. Тобилар Хитой этикети, кийими, урф-одатларини қабул қилиб Шомонизмдан воз кечдилар. Буддизмни қабул қилдилар. Фамилия Ханча бўладиган бўлди. VI асрда Шимолий Вей давлатида эллик мингга яқин моастирлар бор эди. Кейинроқ империя ғарбий ва шарқий давлатларга бўлинди. VI аср ўрталарида ҳокимият ханлар қўлига ўтди.

Суй ва Тан илк феодал империяларининг ташкил топиши.

VI асрнинг иккинчи ярмида Шимол ва Жануб муносабатлари юмшади. Кўчманчилар ханлар орасига сингиб кетди. Жанговар **тоби** вужудга келган кучини йўқотди. Унинг устига Марказий Осиёда вужудга келган кўчманчиларнинг Турк Ҳоконлиги хужум хавфи пайдо бўлди. Бундай шароитда шимол бутун мамлакатни бирлаштириш тарафдори эди.

Шимолдаги давлатлардан бири Чжоу консолидация (бирлашув) марказига айланди.

581 йили шимол лашкарбошиси Ян Цзян Суй сулоласининг императори деб эълон қилинди (581-618). Сиёсий ва иқтисодий вазият улкан мамлакатни харбий йўл билан бирлаштиришни тақазо этарди.

Янги сулоланинг ташкил топиши Хитой тарихи оқимини кескин буриб юборди. 4 асрлик қарама-қаршилик тугади. Бирлик ва марказлашув даври бошланди. Иқтисодий ва маданий ривожланиш бошланди.

Янги ҳокимият солиқларни ожайтириб, тартибга солди, туз ва вино монополиясини бекор қилди, янги танга зарб этди, ўлчов ва стандартни бир шаклга солди.

Конфуцийлик таълимоти тарафдан император олимларни давлат хизматида таклиф этди, чиновниклар имтиҳон топширадиган бўлди. Суй саройи Хан бюрократик системасини ўзлаштирди. Маданиятда шимол ва жануб синтези рўй берди.

Ян Цзян 604 йили ўз ўғли Ян Гуан томонидан ўлдирилди. Ян Гуан иқтисодий ва сиёсий марказлашув системасини давом эттирди, пойтахтни ва 10 минг бой оилани Лоянга кўчирди (Шаҳар эртақлардагидек).

Алоқани кучайтириш мақсадида Хуанхе, Янцзи, денгиз сув йўли вужудга келтирилди. Буюк канал шимол ва жануб иқтисодини боғлади.

Буюк Хитой девори мустаҳкамланди кушимча қурилди. Аҳолини руйхатга олди. Солиқ қўпайтирилди, баршчина муддати узайтирилди оқибатда 610 йили халқ қўзғолони кўтарилди.

Қўзғолончилар Доу Цзянэни (староста, воин) хукмдор деб эълон қилдилар. Бундан норози бўлган йирик феодаллар исён кўтарилди. Бу вақтда Кореяга қилинган юриш ҳам муваффақиятсиз чиққан эди. Жанубга қочган Ян Гуан ўлдирилди. Мамлакатда тартибсизлик бошланди. Шанси хукмдори Ли Юан Чанъанни эгаллаб, императорга айланди, янги Тан сулоласига асос солди (618-907).

Эски қарзлар бекор қилнди, давлат баршинаси муддати қисқартирилди, куликка сотилган деҳқонлар озод этилди, феодалларнинг деҳқонларни ўлдириши таъқиқланди. Очларга ёрдам берилди, сув босишга қарши курашилди. Савдогарларга хомийлик қилинди. Қўзғолончилар авф этилди, лекин қўзғолон марказлари йўқотилди, Доу Цзянэни қатл этилди.

Ли Юннинг ўғли Ли Шимин (627-649) даврида Тан империяси мустаҳкамланди, территорияси кенгайди.

VI-VII асрларда аграр муносабатлар.

Ян Цзян урушлари даврида феодал ва чиновниклар (бирлаштириш душманлари) ерлари давлатники бўлиб қолди. Чек ер системаси бутун мамлакатда тарқалди. Мамлакатда ягона ҳокимиятнинг ўрнатилиши яна қишлоқ ташкилотларини тузилиши ва деҳқонларни жилдовлаш имкониятини яратди. Ян Цзян даврида аввал хисобга кирмай қолган 1,5 миллион деҳқон аниқланди. Расмий жиҳатдан чек ер қисқартирилди, дон солиғи ошди, боршчина 30 кунга етказилди. Меҳнат мажбуриятлари ошди. Ян Гуан даврида давлат боршчинаси чекланмаган эди. Лоян шаҳри қурилишига 2 млн Буюк канал ва Буюк девор учун 1 млн, Кореяга юришга 1 млн киши жалб этилган.

Император оила вакиллари, ван (князь) лавомзимларидагилар 10 минг му (1/16 га) гача ерга эгалик қила оларди. Ян Гуан зодагонларига даражасини 9 дан 3 га қисқартирди (?) ограничить феодалов хизмати учун берилган ерлар даражага қараб 100 дан 500 мугача бўларди.

Тан императорлари чек ер системаси орқали қудратли феодалларни анча жиловлаб олдилар.

624 йилги эдиктга биноан меҳнатга лаёқатли эркак оиланики бўлган боғ-роғли ер ҳамда 80 му хайдаланадиган ерга эгалик ҳуқуқига эга бўлди. Чек ер тупроқ холати ва районлага қараб ўзгарарди. Боғ ерига мевали ва тут дарахти экиш мажбурий эди, уни сотиш мумкин. Хайдаладиган ерни сотишга рухсат берилмаган (иногда мумкин).

Аёллар чек ердан маҳрум этилган (кроме вдов). Қул учун ерни олиш мумкин бўлган давлат қулларининг ер олиши амалда уларни деҳқонларга айлантирган. Хусусий қуллар ер олиб, деҳқонга айлана олмаган.

Тан хукмдорлари фуқароларнинг деталлаштирган хисобини олганлар, уларнинг бирортаси ҳам солиқдан қочиб кутула олмади.

Аҳоли 5 даража бўйича хисобга олинган:

- (1) Туғилгандан - 4 ёшгача
- (2) 4-16 ёшгача
- (3) 16-21 ёшгача
- (4) 21-60 ёшгач
- (5) 20 дан юқори

Шу билан бирга хазина баъзи бир имтиёزلарни берган, мажбур бўлган агар хўжаликда 4 меҳнатга яроқли киши бўлиб уларнинг 2 таси мажбуриятлардан халос этилган, ягар 3 киши бўлса 1 таси меҳнат мажбуриятларини адо этган. Озод этилган чек ерга давогарлик қила олмади.

Солиқ шакллари: оброк баршчина, пул рентаси. Солиқлар Суй сулоласи давридагига нисбатан озроқ бўлган.

Боршчина - 20 кун. Оброк - дон, ипак ва пилла чорвадорлар - қўй. Боршчина кўпроқ ўтласа оброк қисми озайтирилган. Газлама тўқилмайдиган жойларда кумуш тўланган. Қўриқ очганлар ва аҳоли кам жойларга қўчганлар вақтинча солиқлардан озод этилганлар.

Тан сулоласи даврида феодаллашув жараёни тугаган. Барча ишлаб чиқарувчилар давлат ва феодал қўлида бўлган. Жамоа ерга бўлган ва ўз таркибидаги хўжаликларга нисбатан аввалги ҳуқуқини йўқотган. Жамоа фуқаролар йиғини давлат аппарати қўшимчасига айлантирилган. У маълум жойларда сакланиб, асосан давлат топшириқларини бажарган.

Илк феолизм даврида кичик индивидуал ишлаб чиқариш ижобий роль ўйнаган. Деҳқонларнинг турли категориялари турмуши бир-бирига яқин бўлган.

Йирик феодаллар ҳақида деярли маълумотлар йўқю.. энг йирик феодал 10 минг му энг кичикги 500 му ерга эгалик қилган.

Сарой аристорияси 6 мингдан 500 му гача. Чиновниклар хизматидан бўшагач ер яна давлат ихтиёрига ўтган. Феодалларнинг меросий ерлари, чиновникларга берилган ерлар солиқдан озод этилган.

Шаҳарлар, хунармандчилик савдо.

IV-V асрлардаги урушлар ва ҳужумлар даврида Хитойнинг деярли барча шаҳарлари таланган ва ёндирилган. Қадимий пойтахтлар Чанъан ва Лоян харобазорга айлантирилган. Хитой жанубидаги шаҳар ҳаёти қишлоқникидан фарқ қилмасди.

VI асрга келибгина шаҳар ҳаёти ва шахрсозлик қайта тикланди. Шаҳарлар чегара қасрлари савдо хунлар марказлари сифатида хом-ашё бор, жойларда дарё бўйлари, денгиз қирғоқларида пайдо бўлди.

Ўрта аср дунёсининг йирик шаҳри Чанъан жуда режали қурилганлиги билан ажралиб турарди. Унинг шарқий қисмида император саройи ва аристократия хонадонлари жойлашган. VIII аср бошларида даосизм, буддизм, несториан, зардуштийлик, маздакийлик, монийлик ибодатхоналари мавжуд эди. Бир неча бозор бўлган.

XII аср бошларида денгиз қирғои ва Буюк канал бўйича Ханчжоу қурилди, Шимолда кайфин пайдо бўлди. Чэнду, Ченгжоу, Сучжоу йирик савдо-хунар марказларига айланди. Гуанжоу, Цюанжоу, Учан каби порт шаҳарлар кенгайтирилди.

Шаҳарлар харбий-мудофаа, маъмурий, иқтисодий, маданий функцияларни бажарган. 3 юкори даражадаги чиновниклардан ташқари кишиларнинг кечаси кўчаларда юриши таъқиқланган. Отлиқ қоровуллар, шаҳарлар девори ва тўсиқлардан ошиб ўтганлар 70 дарра еганлар. Илк ўрта аср ҳуқуқида шаҳарликлар учун алоҳида нормалар бўлмаган.

Суй ва Тан империялари даврида тоғ саноати ва метал эритиш саноати пайдо бўлди. Цзянсида сопол ва чинни маркази, Янчжоуда кемасозлик маркази шаклланди. Ченду шойилари буюк ипак йўли орқали дунёга тарқалган.

Ханарманд буюртмага қараб ишлар, ортиқчасини бозорда сотарди. Монастирлар ҳузурида ҳам устахоналар бўлган. Бир соҳа хунармандлари бир кўча ёки маҳаллада яшаган. Бозҳорда бир жойда алоҳида қатор хонда маҳсулот сотишган. VI асрда унинг асосида савдо-хунар бирлашмалари таркиб топди - туан ва хан (Европада цех - XI-XII аср) баъзи ханларга 400 гача оила кирган. VI-VII асрларда ёзилган уставлари ҳам йўқ эди. Ханни оқсоқоллар бошқарган. Ханлар шогирд қабули, иш вақтини белгилаганлар, касб сирини сақлаганлар, лекин хазина назоратида бўлиб маҳсулот баҳосини белгилай олмаганлар.

VII-VIII асрларда давлат хунармандчилиги ҳам анча тараққий этди. Конлар, устахоналар, малака талаб қиладиган хунарлар меросий бўлган.

Катта шаҳарларда бозор чиновниклар назоратида бўлиб, кун ботиши билан бекитилган. Дўконлар, устахоналар ўрнашган ер учун.

VII асрнинг чой учун алоҳида солиқ солинган, (те-яшил барг) контрабанда чойини сотган савдогар 3 марта қўлга туширилса ўлдирилган.

Ижтимоий ва давлат тузуми.

Феодаллашув шароитида Хитойда қадимги деспозициялар шакладаги давлат ташкилоти вужудга келди. Жамиятнинг социал табақалашуви эса мураккаб иерархияни туғдирди.

Хамма давлат вассали эди (европа вассалининг вассали, менинг вассалим эмас) (император) (жуда кўп улар).

Ҳар бир табақа ўз урф-одатлари этикети, кийими, безаклари ва уйга эгадир. Баъзан энг юкори аристократия таркибига хизматига қараб аристократ бўлмаган ҳам киритиларди.

Хитойда майорат (мероснинг катта ўғлига қолиши) ҳукм сурмаган, шу сабабли ер тобора парчаланиб кетаверди, у олий табақадагилар ўзаро жанжалларига сабаб бўларди.

Давлат аппаратининг муҳим функцияларидан бири 3 босқичда имтиҳонларни ташкил этиши эди. Маҳаллий маъмурият бошлиқлари синовни бошлаб берганлар. Пойтахтдаги имтиҳонлар император саройида ўтказилган. Оқибатда барча хизматчилар саводчилиги таъминланган. Олий даражадаги олимлик белгичи дастлабки 3 даражадаги мансабни эгаллаш ҳуқуқини берган.

Имтиҳон системаси чиновникларнинг дунёқараши ва садоқатини аниқлаш имконин ҳам берган.

Унинг назарий асоси императорга барча ҳуқуқларни берган конфуцийлик империя бошқаруви ҳаддан ташқари деталлаштирилган (иерархия, субординация).

Сарой ва Сумо ўғлига қарши кичкинагина ҳаракат ҳам қаттиқ жазога дучор бўлган.

Кодекс давлат этикаси нормаларини оила этикасидан кўчириб олган. Энг оғир жиноят – падаркушлик.

Чиновниклар гуноҳ қилса калтак ейишни хохламаса, даражаси пасайтирилган. Чиновниклар билан қариндошлик баъзи имтиёزلарни берган.

Деҳқонлар харбий хизматга чақирилган, ўқитилган. Ҳар бир вилоят ва округ маълум сондаги кишиларни армияга берган. Император саройи ва пойтахт гвардиячилар томонидан қўриқланган. Чегара қўшинлари хизмат билан бирга зироат билан машғул бўлган. Кўчманчи отлиқларидан кенг фойдаланилган.

Офицерлар граждaн чиновниклардан пастроқ даражада бўлишган.

Ташқи сиёсат ва муносабатлар.

Хукмрон табақа ташқи марказлашувини мамлакатда ички позицияларни мустаҳкамлаш манбаи деб ҳисоблаган. дипломатия ҳам шу мақсад учун хизмат қилган: қабилаларни бир-бирига қарши гиж-гижлаш, қабила ичида жанжал чиқариш, қабила дохийларига унвон ва мсукофотлар бериш, сулолавий никоҳ, хукмрон уруғлар ўғилларини фахрий гаровда тутиш (саройда).

Бу усуллар Турк хоқонлиги билан муноабатларда яққол намоён бўлган. Дастлабки Тан императорлари хоқонликқа ўлпон тўлаб турганлар. 628-630 йилларда туркларга қарши юриш уюштирилган, ундaн сўнг уйғурларга қарши кўп йиллик уруш бошланган. 657 йили улра ёрдамида, 679 йили бўлса Шарқий хоқонлик кўмагида /арбий Турк хоқонлигига хал қилувчи зарба берилган.

Хан гарнизонлари Буюк ипак йўли бўйлаб Урумчигача жойлашган эди. Шу йўл орқали қарвонлари ва элчилари келарди. 648 йили қирғизларнинг элчилари келган. Хонларнинг марказий (ўрта) осийга кириб бошига Сосонийлар империяси парчаланиши яхши имконият яратган. Сўнги Сосонийлар шоҳи Ёздигар II Хитойдан кўмак сўраган.

Суй империяси мақсадларидан бири Корея я.о. шимоли ва жан-ғарбий қисмидаги Когурё ва Пэкче давлатларини эгаллаш эди. Бу ишда ханлар тарафида корейснинг Силла давлати турган.

612-614 йилларда ханлар Кореяга 3 марта муваффақиятсиз юриш қилдилар. Бу нарса Суй империяси қулашига туртки берган сабабларнинг биридир.

Танлар даврида ҳам Кореяга юриш тўхтамаган. 645 йили Пхенянни олишга уринилган. 650 йили 130 минг кишилиқ армия Пэкчени мажақлади. 663 йили хонлар Силла давлати билан иттифокда Пэкчега кўмакка келган Япон флотини енгиб ҳаракатга сўнги нукта қўйидилар.

Когурё ва Пэкче территорияси 9 губернияга бўлиниб, расмий жихатдан Хитойга қўшиб олинган. Шундан сўнг корейс халқи Силла давлати бошчилигида дорлик ҳаракати бошаган, хонлар чекинган.

Айнан шундай тадбир Кидан ва мохеларга нисбатан қўлланган (разделяй и властвуй). 698 йили янги Бохай давлати эълон қилигач, хон дипломатиялари уни Кореяга қарши гиж-гижлаганлар. 705 ва 713 йил Бахой ва Тан савдо алоқалари ўрнатилган.

607 йили Япония билан расмий муносабатлар ўрнатилган. Хитой флоти Тайвань ва Рюкю ороллариغا юриш қилган. Бу оролларга кейинроқ элчилар юборилган.

VII аср бошларида сянбилар қариндоши тогон қабилиси мажақланган, ерлари қўшиб олинган (кинхай вилояти. 634 йили Чанъанга Тибетдан элчилар келган. Тогонлар масаласида бир неча йил Хитой - Тибет уруши бўлган. 647 йили сулх тузилган. Сронцагадебо Хитой маликаси Вэн Чэн га уйланган. Лахасга қўплаб хон ва чиновниклари, харбийлар, савдогарлар қўчиб келган.

Хиндистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар бошланувчи VII асрга тўғри келади. 641 йили Чанъанга Харша давлати элчилари келган. Ўзаро элчи айрибошлаш Харша давлати парчаланувидан кейин тўхтаган. Хитой элчилари Ван Яюанцэ ва Цзян Шижэн 645 йили Лхасадан Хиндистонга қараб йўлга чиққанлар. Уларга хужум бўлган Ван Сюэнце Тибетга қочишга муваффақ бўлган. У ердан кейин Ганг водийсига юриш қилган. VII-VIII асрларда Хитойга Кашмир, Магадхи, Ганхар, Цейлон элчилари келишган.

Хитойнинг босқинчилик юриши жанубга ҳам қаратилган. 602-603 йилларда шимолий Ветьнам ва Тямпа давлатига юриш уюштирилган, суриб чиқарилган. 679 йили Шимолий Вьетнамда Хитойга тобе Аннань ери ташкил этилган.

Дипломатия асоси - Китаецентризм. Хитой дунёнинг асосий бош давлати ҳисобланган. Императорга дунё бўйсунуши лозим деб ҳисобланган.

Элчилар совғасини (Клавихо - Темур. Саройига Хитой элчилари ўлпон талаб қилиб келганлар) ўлпон деб ҳисоблаганлар. У давлат эса Хитой вассаллари деб эълон қилинган. Лекин у давлатлар ўзларини Хитой билан тенг ҳуқуқли деб ҳисоблаганлар.

Элчиларга Хитой кийимини берилган уни кийиш бўйсунуши рамзи деб ҳисобланган. Византия императори, араб халифаси элчилари келган. Ипак йўли. Денгиз йўли Гуанчажоу - Боғдод мусулмонлик (дунган), христианлик кириб келган (несториан).

Дин ва мафкура.

Ўрта аср мафкурасининг муҳим белгиси: - синкретизм «3 илм» синтези - конфуцийлик, даосизм, буддизм. Қадимда хукмрон бўлган ахлоқий-сиёсий таълимот - конфуцийлик ўрта асрларда ҳам ўз кучини йўқотмади. Бу соҳа олимлари давлат, ахлоқий, ижтимоий принциплар қўриқчилари ва ўқитувчилари, ҳуқуқий нормалар ва таълим тизими яратувчилари бўлиб қолавердилар. Ўрта аср ҳуқуқи асосида конфуцийлик таълимоти ётади. «Давлат ҳам оила» ота-бола. Умуман мамлакатни бошқаришга доир барча масалаларда конфуцийлик таъсири сезилиб турган. Фалсафий даосизм асосийда диний даосизм туғилган. Нариги дунё образи жаннат ва дўзахнинг сифатида намоён лекин у ерда ҳам иерархия бор.

Даосизм жамиятнинг барча табақаларини «мангу ҳаёт» таълимоти орқали ўзига жалб этади. Мангу ҳаёт тизимига биринчи навбатда «рухий озикланиш» орқали эришилади. Инсон танаси даослар томонидан рухлар (яхши, ёмон, ёвуз рухлар) макони сифатида талқин этилади.

Мангуликни шартларидан бири - диета (пархез), нафас олиш гимнастикаси. Даослар дуо, тумор, жисмоний машқларга қаттиқ ишонадилар.

Даосизмда 2 халқ ва аристократия оқимлари сезилиб туради. Сехргарлик ва физиономистика билан боғлиқ даосизм кенг халқ оммасини ўзига жалб этади. Лекин унинг бу томони давлат томонидан исёнлар рамзи сифатида таъкиб қилинган. /арбий жаннат ҳақидаги таълимотга кўра у ерда Сиванму маъбудаси яшайди у биров томонидан туғилмаган она, у барча оналар онаси. Ҳамманинг онаси бир демак ижтимоий тенглик ғоялари тарғиб қилинган. Бу ғояни табиблар, фолбинлар тарғиб қилинганлар. Аристократия даосизмнинг фалсафий томони хусусан, қадимги оддийлик ва табиийлик култини ўзига жалб этган. Улар мангулик мақсадида алхимия, нафас олиш машқлари, медитация билан машғул бўлганлар.

Ибтидоий диалектика элементларини сақлаб қолган даослар мафкураси алхимия ва медицина тараққиётига таъсир қилган. Мистик ва диний китобларда жуда кўп дорилар рецепти, металл ва минераллар хоссалари тасвирланган.

Даосизм пантеони синкретизмнинг яққол камайишидир. Даослар худолар таркибига афсонавий император ва қахрамонларни, доноларни (биринчи навбатда Хуан-ди, Лао-цзи) киритганлар. Пантеон иерархияга эга. Худолар инсоний хусусиятларга эга, инсонга яқин, шу сабабли бу дин тез тарқалган. Даосизм пантеонига конфуцийлик асосчилари, тарихий арбоблар, 8 ўлмас доно (одам ва сехргар) кирган. Даосизм давлат динига айланиши ҳаракатида бўлган. Яхши одам фазилатлари кодекси ишлаб чиқилган. Энг оғир жазо давлатга хиёнат ва исён ҳисобланган. Тан императорлари ўз шажарасини Лао-цзи (илохийлаштирилган)дан келтириб чиқарганлар. Узоқ Шарққа Хиндистондан кириб келган буддизм Ўрта аср Хитой ҳаётининг барча жабҳаларига улкан таъсир ўтказган. Ўрта Осиёдан келган монах ва миссионерлар дастлаб Гансу, Шеньси ва Хенанда ўрнашганлар. V асрда жанубий подшоликка кўзга кўринган дин тарғиботчилари Бирма орқали келиб, саройда анча имтиёзларга эга бўлганлар.

Узоқ Шарқда «Махаяна» («болшая колесница» ёки «Халос бўлишнинг кенг йўли») номи билан тарқалган буддизм қадимгисидан диндорларга нисбатан енгилроқ талаблар билан ажралиб туради. Жиддий аскетизм фақат монахлардан талаб қилинган. Дунёвий аҳоли 10 талабдан 5 тасини бажарса кифоя эди.

Диний идеалистик таълимот сифатида буддизм дунёнинг асосида номоддий кўриб бўлмайдиган қисмчалар - дхарм ҳаракати ётади деб ҳисоблайди. Бирлашиб ёки ажралиб улар ҳаёт туғдиради ёки тўхтатади, дхарм ҳаёт давомийлигини занжирларини ташкил этади (одам, сигир, дарахт, одам, тош).

Фазилатли рух кейинги ҳаётда янада мукамалроқ шаклга кириб, ҳаётда янада баландроқ даражани эгаллайди. Гунохкор эса аксинча, инсон жамиятнинг куйроқ вакили паст даражадаги хайвонга айланади.

Рухнинг кўтарилиши ва кулаши фазилат ва ўз-ўзини такомиллаштирув билан боғлиқ.

Дунёни қасос қонуни - Карма бошқаради.

Бу таълимот асосчиси Будда - Сиддархта Гуатама (Шакия Муни) фикрича азоб-уқубатларни ҳаётдан ажратиб бўлмайди. Ундан қайта туғилиши жараёни тўхтатиши билан қутилиш мумкин. Будда «8 тармоқли йўл» кўрсатган. Фазилатли ҳаёт кечириш қайта туғилишни тўхта ва рух нирванада эриб кетади.

Махаянада такомиллашув жараёни рухни жаннатга олиб келади. (Нирваднада эмас) бу таълимот сугувчи ёлғиз эмас, унга худо бодистватлар кўмаклашади.

Буддизм мавжуд тизим муаммоларини рад этиб, ҳамма нарсани инсоннинг аввалги гуноҳи натижаси деб ҳисоблайди. Мавжуд дунё иллюзия. Инсон рухий такомиллашувни мақсад қилмоғи керак. Шунда жаннатга тушади. Гунохкор руҳи дўзахга тушади (совуқ ёки қайноқ).

Буддизм кенг тарқалувчи, оммалашув сабабларидан бири

- Преспективани кўрсатган.
- Алоҳида шахс қадрини билган.

Конфуцийликда шахс оила ва давлат рамкасида кўрилади.

Буддизм тенглик этикасини тарғиб этган, шу билан бирга мавжуд тизим сақланувига объектив равишда ёрдам берган.

III-IV асрлардаги таназул, ўзаро урушлар, турмуш қийинчиликлари буддизм позициялари кучайувига кўмаклашган. Монастир деворлари кўп ғамлардан реал қутилиш имконини берган. III-VI асрларда Лоян ва Чанъан атрофида 18 будда монастыри, V аср охирида Шаркий Цзинь давлатида 1800 монастыр, 24 минг монах бўлган.

Янги дин вазиятга тез мослашди, маҳаллий тартибни ўзига сингирди, аждодлар рузғига сиғинишни тан олди, авлиёлар пантioneга қадимги афсонавий Хитой донолари ва қахрамонлари киритилди.

Буддизм анча хитойлашган ва дастлаб даосизм секталаридан бири деб ҳисобланган IV асрда Хитой буддистлари Будда дао принципларининг мужассалиги деб исботлашга уринган.

Умуман олганда Даосизм Ханлар маданий ўз-ўзини англаш давомийлигини таъминлаб, чет эл таълимотларини ўзлаштириб олишга ёрдам берган, буддизм халқ эътиқодлари ўртасида кўприк вазифасини бажарган. Шу сабабли ҳам муҳим Хинд-будда тушунчаларини англашти дастлаб ҳаммага таниш диний даосизм белгилари ишлатилган. V асрдан кейингина Будда терминлари тарнрисициясига ўтилган.

Дастлаб чет эл таълимоти сифатида буддизм ёмон кўз билан қаралган, опологик адабиёт кенг тарқалган. Конфуцийлик нуқтаи-назаридан англаб бўлмас, тасаввур этиб бўлмас: дунёдан қочиш будда ахлоқи ва Хитой маънавияти традициялари тўла мос келувчи моддий борлиқдан қочиш заруриятини туғдирган (суъра).

Хитой буддизм - кўп юзакиликни тармоқлик. Будда сутралари таржимонлари ва патриархлар жуда кўп секталар туғилишига туртки берганлар. Секталар турли ҳудудлар, табакаларга хизмат қилганлар. Хитой буддизмнинг ҳар бир мактаби табиий равишда ўзини Будда таълимотининг энг тўғри тарғиботчиси ҳисобланган.

Вақт ўтиши билан Хинд тарғиботчилари «ғарбий ўлка» урнини Ханлар эгаллаганлар 402 йили Чанъанга келган монах Кумаражива будда таълимотини хитойча таржима қилган (хиндча вариантнинг харфма-харф таржимаси). Кумараживанинг шогирди Дао-Шен (434 йили ўлган) миҳаяна оқимидан нирвана-сутрага асосланиб, ҳар қандай тирик жонзоддаги Будда табиатини тасвирлаб, ҳар бир киши учун тўсатдан ёруғлик келishi ва халос бўлиш тезисини ёқлаган.

Буддизмнинг хитойлашувига биринчи Хитой патриархи ва дастлабки сутралар таржимони Дао-ань (312-384) катта ҳисса қўшган. Хубзада монастыр ташкил этган, намунали монастыр устави ишлаб чиққан ягона фамилиявий белги Шини (Шакия уруғидан ундан будда келиб чиққан) киритган. Буддизм фалсафасини ривожлантирган, келажак буддаси - Майтрея култига асос солган (У узоқ шарқдаги энг машҳур худолардан бири).

Катта кориндор юзида бироз тентакнамороқ табассумли Майтрея образи маълум вақтгача ўзида доно Буддани яшириб туради (у ерга қайтгач умум фаровон давр бошланади).

Жуда кўп деҳқон кўзғолонлари раҳбарлари ўзларини қайта туғилган Майтрея деб эълон қилганлар. Культнинг қайта туғилган махфий жамиятлар мафқурасида марказий ўрин тутди.

2-Хитой патриархи ва ажойиб тарғиботчиси Хуэй Юань (337-417) эди. У будда култини /арбий Жаннат ҳукмдори Амитабадан келтириб чиқарган. Амитаба жаннатмакон «Соф ер» подшолиги ва нурли келажак билан боғлиқ Цзянсида монастыр ташкил этиб Хуэй жанубий Хитой «Амидизма»га асос солган. Амитабани дуо қилиб унинг номини ёдга олиш жаннатда қайта туғилиш имконини беради. Амидизм тарафдорлари «соф ер» сектасини аъзолари эди. Улар ғоялари кўплаб махфий жамият ва кузғолонларга илҳом берган.

Маълумотли кишилага буддизм ўз фалсафаси ва метрофизикасини таклиф этган. Буддизм фалсафаси традицион Хитой илмий фикри, конфуцийлик прагматизми синтези асосида чань-буддизм (Японияда Цзян) номли интеллектуал туйдирилган диний дунёқараш илм вужудга келди.

Чань сектаси (санскритча - «дхьяна», медитация) Хитойда ўзига хос роль ўйнаган, ривоятларга кўра VI асрдаги Хинд тарғиботчиси Бодхитхарма томонидан асос солинган. Сутраларни ўрганиш буддага сиғинишни рад этган (в принципи).

Медитация мақсади тарнс ҳолатига эришув. У инсон кўра агнлай олмайдиган нарсаларни тушуниш имконини беради.

Чань таълимотида хақиқатчи тўсатдан кўра билиш мумкинлиги тўғрисида тезис ҳам бор (озарение внезапное).

Секта доктринаси бўйича интеллектуал анализ масаланинг, воқеанинг фақат ташқи томонини кўра олади, унинг моҳиятини тушунтира олмайди. Хақиқатни ангаш учун барча қанон ва авторитетларни рад этмоқ зарур.

Чан таълимотида Ханларнинг инда буддизмнинг жуда теран мистикаси билан тасвирланган расионизм кўзга ташланиб туради.

Чан амалиётида тўсатдан кўра билиш (озарение) ни кучайтиришнинг турли усуллари кўзда тутган (парадоксал фикрлаш қобилиятини яратиш мақсадида, унга кўмаклашувчини устоз шогирди суҳбати топишмоқлар топиш, турли жисмоний машқлар системаси). Чань мураббийлари жисмоний меҳнатни юқори баҳолаганлар ва уни медитацияга тенглаштирганлар, мулкка қарши чиққанлар. Чанх мактаби рухий озодлик ва бевоситаликка асосланган тарғиботи билан Хитой санъати ва поэзиясига катта таъсир қилган.

Буддизм мафкураси тараққиёти айниқса VI аср ўрталаридан VIII асргача даврда самарали бўлган.

Фалсафий синтез мактаби - Тяньтай мактаби (Чзецзян вилоятида тоғ номидан. Монастир шу ерда жойлашган эди) таъкидлашча дунё - ягона бирлик, Будда ҳар бир кум зарраси ва ҳар бир одамда бу дунёда барча тирик жонзод учун ҳолос бўлиш имкони мавжуд. Шимолий ва Жанубий Суй ҳокимияти бу ғоядан консолидация мақсадида фойдаланиб, сектага хомийлик қилган.

Фашунь (557-640) асос солган деб ҳисобланадиган Хуаянь мактаби таълимотига биноан барча дхармалар бир вақтда вужудга келган ва 2 аспектга эга:

1. Сататик (қўйилган) ном билан боғлиқ
2. Динамик (воқеа) билан боғлиқ.

Барча дунёда ягона бир марказга интилади: динда Буддага, империяда императорга, ҳукмдорга. Тан сулоласи ҳукмдорлари айнан шу тезис учун тянтай сектасига хомийлик қилганлар. Хуаян таълимоти Хитой фалсафаси тараққиётига таъсир ўтказган: ундаги тушунчалардан бири - Ли (қонун, принцип, идеал) неоконфуцийлик томонидан ўзлаштириб даосизмининг бошқачароқ кўриниши сифатида қабул қилган.

Будда тушунчаси бўйича Бодисат ва Авлокашвира (Хитой Гуанб-Инь) меҳр шафқат ва фазилятлар маъбудаси марказий фигурага айланган. Унинг шарафига турли ерларда ибодатхоналар қурилган.

VII асрдан бошлаб аёл киёфасидаги Гуань-инь (Хитой ва Хиндистонда дастлаб эркак киёфасида) болалар яратиш, денгиз, денгизчилар хомийси маъбудасига айланган. У Будда Алибата яшайдиган жаннатга ўлганлар руҳини бошлаб боровчи ҳам ҳисобланган. Халқ оммаси Буддизмга ҳозирги ҳаётдаги азоб-уқубатларни енгиллаштирувчи келажакка умид бағишловчи барча нарсаларни қабул қилган. Бундан ташқари монахлар даволаш, гуноҳдан фориш этиш, дуо ўқиш орқали ҳам буддизмни оммага сингдирганлар. Будда культлари ҳаётидаги қомулал бошланувни ёритганлар. Ибодат байрамлари дуолар кўпинча умумхалқ байрамларига айланиб, диний экзальтация руҳида ўтарди. Бунда қўшимча тарзда монахлар эпидемия даврида аҳолига кўмаклашар, қудуқ қазир, кўприклар қуриш, ахлатларни тозалар эдилар.

Буддизм доғмаси ривожини будда монастирларининг ижтимоий институт сифатида кучайиши билан боғланиб кетган. Монастир хўжаликлари, ери йирик иқтисодий ташкилот эди: унда хунарамандчилик устахоналари, савдо ва судхўрлик дўконлари, меҳмонхоналар, кўрикчилар бўларди. Давлат турган гулки бу мафкурани ўзига хизмат қилдиришга, монастирларни назорат этишга ҳаракат қилган.

Будда черкови дунёвий ҳокимият мустақамлашувига кўмаклашиб, ўзи доим ҳам унга бўйсунмаган, оқибатда тўкнашувлар бўларди.

М: VI асрда Тоба Тоа монастирлар ва монахларга қарши юриш уюштирган, Яе Цзянь конфуцийликни давлат динига айлантиришга уринган, Ли Юань буддистларни ҳазина мажбуриятларидан бош тортишга айланган.

VII аср 2-ярмидан монастирларнинг бир қисми давлат таъминотида айланган, ҳукумат Сангхага қабул қилиш қоидалари ва кватасини ўрнатган.

Монастирлар ички ҳаёти билан маҳсул маъмурий органлар шўғулланган. Баъзн монастирлар мол-мулки конфикация қилинарди.

Вақтлар ўтиши билан ҳукмдорлар монастирларга имтиёлар ва катта ерлар беришди. Мақсад бирлиги уларни бирлашувга мажбур этарди.

Маданият.

Ижтимоий конфитлар ва кўманчилар ҳужуми маданиятининг бироз заифлашувига олиб келди. Лекин қадимий узвийликни буза олмади. Пойтахтдаги ўқув юртлари, бой кутубхоналар талон-тарож қилинган, кўчманчилар қадимги асарларда ёхишган шойи матолардан кийимлар, хуржунлар тикканлар. Харбий шароитга қарамай интеллектуал фаолият давом этаверган.

Шарқий Цзинь пойтахти Цзяньканда машҳур олим ва ёзувчилар яшаган. Цзу Чунжи математика соҳасида машҳур бўлган. Файласуф Фан Чжень идеализм ва мистикани танқид қилган. У 507 йили ёзган «руҳнинг ўлиши» трактида руҳнинг ўлмаслиги тўғрисидаги тезисини рад этган.

Тарихий ҳужжатлар асосида йилномалар ёзиб боришган. Бу соҳанинг кўзга кўринган вакили «ханнинг кейинги давр тарихи»ни тузган. Фан Ё эди.

Шоир ва танқидчилар ўз номларини қолдирганлар. Улар орасида талантли «Шафтоли булоғи» утопияси муаллифи Тао Юань Мин (365-427) ажралиб туради. Жанубий давлат Хиндихиой ва Хиндистон билан кенг алоқада бўлган. Будда миссиялари билан бирга савдогарлар келар, будда саждагохларига (Хиндистон) Хитой монахлари борарди. Ташқи алоқалар кемасозлик ва денгизчиликка ижобий таъсир қилган. V асрда металл эритиш кашф этилган.

Мамлакат бирлашуви оқибатида илмий билимлар, санъат, адабиёт ривожини тезлашган. Алхимиклар мангулик элексири кидириб кўпгина метал ва минераллар хоссаларини аниқлаганлар. Табиблар ҳам сеҳиргарлик гиёҳ,

медицина синтезида катта ютуқларга эришганлар. Инженер ва математиклар шаҳарлар, каналлар, қасрлар қурилишида ўз илмларини намоиш этганлар.

Астрологлар гороскоплар тузиб, келажакни олдиндан айтганлар. Будда монахи И Хан (VIII аср) астрономия ривожига ҳисса қўшган.

Жуғрофия билимлар ривожига будда саждаҳоҳларига бориш билан боғлиқ бўлган. 399-415 йилларда Хиндистонга саёҳат қилган Хитой роҳибиди Фа Сань «Будда подшоликларига ҳақида номлар» тузган.

VII асрда роҳиб Сюан цизан Ўрта Осиё ва Хиндистонга борган (Хинд куши орқали). «Буюк Тан сулоласи даврида /арб мамлакатлари ҳақида номлар» ёзган. У Ўрта Осиё ва Хиндистон тарихини ўрганиши муҳим манба Муаллиф дунёвий мансаб ва имтиёзлардан воз кечиб монастырда санскритча ҳужжатлар таржимаси билан машғул бўлган.

Роҳиб И Цизан «Ички қонунлар ва Жанубий денгизлардаги саёҳат ҳақида» китобида Гуанчжоу Суматра, Бенгалия, Хиндистонга саёҳатини тасвирлаган. VII асрда тарихшунослик кенг ривожланган. Ли Шимин даврида тарих ёзиш бўйича давлат монополияси ўрнатилган. Чиновник тарихчилар «Сима Цян тарихий номлари»га таклидан ўтган даврлар тарихини тайёрлаганлар. I-VI асрларни ўзига жамлаган 13 китоб тайёрлаган. Тарихчи - архившунослар ўз даврида ва арбоблари ҳақида материаллар ёзганлар. Манба: император фармонлари, бошқармалари, ҳисоботлар, жойлардан доклаб ва хатлар, бошқа ҳужжатлар. Улар тузган тўпламлар сулола ҳукмронлиги охиригача сақланган. Янги сулола уни қайта ишлаб, ўзига мослаштирган. Тарихий китобларда-иқтисодиёт, бошқарув, маданият, келандар, этика, уруш, кўзғолон, табиий фалокат, самовий ходисалар, қўшинлар, узоқ мамлакатлар ҳақида ёзилган.

Лю Чжици тарихий китобларнинг биринчи танқидчиси, у 710 йили «Тарихга кириш» китобини ёзган. («Проникновение в историю»).

Қадимги китоблар таъмирланган. Каллиграфия санъати тарақий этган. Бу соҳада Ван Сичжи жуда моҳир бўлган.

Ўқувчиларни имтиҳонларга тайёрлаш мақсадида қадимий конфуцийлик таълимоти асосида «Чор китоб» умумий номи остида тўпламлар тайёрланган.

VIII асрда император саройида олимларнинг олий мажлиси ташкил этилган, у кейинроқ Ханлинь академияси номини олган.

Ўзига ҳос ҳукумат хабарлари нашр этиб турилган. Олим Ду Ю (755-812) «Тундянь» номли энциклопедик қомусий тўплаб муаллифи бўлган.

Поэзия юзаси чўққига кўтарилган. Ажойиб талентлар плеядаси етишиб чиққан. Тао Юаньмин традицияларини буюк шоирлар Ли Бо (699-762), Ду Фу (712-770) давом эттирганлар.

Ван Вей рассомчиликда ўзига ҳос мактаб яратган. Ипак ва қоғозга сурат чизиш кенг тарқалган. Санъат ва архитектурада буддизм таъсири кучли. Кўп қаватли тошдан қурилган ибодатхоналар, будда хайкаллари, храмлардаги суръатлар маданияти ҳам кириб келган.

Санъатда билимларда, санъатнинг баъзи турларида Ўрта Осиё, Хиндистон таъсири кучли.

Чой. Хитой.

Чой кўпгина халқларнинг миллий ичимлиги ҳисобланади. Қадимий Хитойда қамарий ойида янги йил арафаси куни ўтган аждодларнинг расмларини хонадондаги оилавий меҳроб ёнига осиб, булар олдида ҳар куни 5 хил овқат ва 5 пиёла чой қўйилган. Чиэнцзиянда санамларга атаб кўпинча 3 пиёла чой, бунинг ёнидаги қурбонлик курсига эса янги чой барглари қўйилган. Хитой жанубида қамарий барчага Янги йилнинг 1 ва 5 куни чой ичиш, 1 пиёла чой билан бир жуфт зайтун мевасини совға қилиш одат бўлган.

Бай Хоа (оқ киприкчалар) деган Хитойча сўз олий нав чойларнинг умумий номига айланган. Тахталанмаган сочилувчи чойлар «байховўй» деб аталади.

Чой ҳақидаги маълумотлар эр аввалги 2700 йилга доир Хитой қўлёзмаларида мавжуд.

770 йилга доир манбаларда чой ризқ рўз неъматлари жумласига қирадиган масаллиқдир, деган ҳужжатли далил учрайди.

Эрамиздан аввалги IV-III асрларда чой ичиш одати Шу давлати (ҳозирги Сичуан вилояти) аҳолиси ўртасида расм бўлган.

Хань сулоласи (эр аввалги II-I аср)да чой тижорат моли тарикасида майдонга чиққан.

VII-X асрларда Тан империяси даврида Шимолий-/арбий ва Тибетга тарқалган.

231-263 йилларга оид тарихий маълумотларда роҳиб Цзяан Хиндистондан Сичуанга 7 туп чой кўчати олиб келган дейилади. Хитой олимлари ҳам чойни будда миссионерлари олиб келган дейишади. 350 йилдан кўпайтиришга киришилган.

Дамланадиган барг етиштирган дастлабки марказ Сичуаннинг Уян деган жойи бўлган.

V асрда императорга берилган солиқ чой билан тўланарди. 732 йилнинг етиштирилган чойининг ўз қисмини давлат фойдасига олинган.

780 йили жаҳонда биринчи марта «Чой тўғрисида Трактат» («Чацзин») яратилди.

Чой ишлаб чиқаришга давлат монополияси 835 йилни чойни майда хўжаликларга экиш таъқиқланган, кейин рухсат берилган. Алоҳида солиқ-«чой пули».

Тан даврида энг катта кўзғолонларни чойкорлар бошлаган. 1171 йили Хунан ва Хубей вилоятларида.

1318 йил «қизил белбоғлилар» кўзғолонида чойкорлар фаол иштирок этган.

Чой ишлаб чиқариш - ипак, порох, қоғоз, чинни, компас сингари ғоят сир тутилган. Чой қаерда ўсиши чет элликлардан пинхон тутилган.

Жанубда кўк чой-люйча.

Шимолда қизил чой-Хуанча машҳур бўлган.

Пойтахтда гулли чой хуанча
Қадим замонда дагал сариқ чойларни думалоқ ғўлаларга босиб олинали, отга ортиб узокка олиб боришга кулай.

У Туркистонда «от боши» номи билан машхур бўлган.

Чой Тан сулоласи (618-907) даврида 1-марта ташқарига чиққан. Совға сифатида Силла давлатига Ямато Японияда Японияда 5 аср илм ва тиббиёт мақсадада IX асрдан чой етиштирилган (таркибида 130 хил модда бор).

Хитойча «Тиа». Илмий тилда «thea»-«яшил барг».

Хитой музейида 300 йил умр кўрган чой дарахти хозир ҳам кўкариб хосил бермоқда.

Инглиз-4,55 кг..? лавия 4,6кг! канада -1,2 кг, фрисландия - 3 кг Нигерия-23 гр (ойига 1 чойнак) энг оз ичарди.

Чой Япония.

Чой тан сулоласи (618-907) даврида Ямато салтанатига кириб келди. Бу ерда IX асрдан чой етиштирила бошланди. 5 асрдан кўпроқ вақт мобайнида фақат илм ва тиббиёт чой ичиш маросимини ўтказа бошлаган. Чой халқнинг турмуш тарзига сингиб борди.

Шимолий вилоятларда чойни қишда совуқ урмаслиги учун унинг устига чипта ёпардилар. 19 асрдан ташқи бозорга чиққан, 15-асрдан бошлаб чой табаррув неъмат даражсига кўтарилди. Какудзо Окукура «чой фалсафасини» изохлаб «ўзи арзанда бўлса ҳам рохатижон, хосияти зўр, одамни одобли самимий ва меҳрибон қиладиган, лаззату-манфаат, эзгулигу-чирой бахш эттирадиган нарсадир. Боғда қурилган алоҳида бинодан иборат бўлган. Чойхўрлик маросими «танхою» қарор топган. Бу маросим ханлардан олинган. XVI асрда маърифатли Рикю (Сэрико) томонидан сайқалланган. У «Чой устаси» деган энг биринчи ва энг машхур фахрий унвон эгаси бўлган. Унинг душманлари тўхмат қилиб, ўлимга машкум эттирганлар. «Уста» эканлиги хисобга олинган. Самурайга муносиб ўз қўли билан ўзини ўлдиришга изн берилган.

Японияда ҳар бир бадавлат оилада «чой ичиладиган хона» бўлган, у «хаёт ғўшаси» деб аталган. Бу хона хонадоннинг энг азиз жойи бўлиб, кўпинча чиройли дарахтлар экилган. Чой ичиладиган уйнинг эшиги, токи бунга қадам кўядиган ҳар бир инсон, хоҳ у императорнинг ўзи бўлса ҳам, бошини эгсин деб, атайин паст қилиб қурилган. Унга киришдан аввал қўлини ювилиб, пояфзал ечилади, қурол-аслаҳалар олиб қўйилар, қирилгандан кейин уйнинг қоқ ўртасидаги меҳроб ёнига келиб, тиз чўкиб ўтирилар эди. «Хаёт ғўшасининг» ашёлари оддийлиги билан ажралиб туради.

Унинг бирдан-бир зийнати гулдондаги бир дона гул бўларди. Бу ерга, қордек оппоқ дастурхон ёнига кўп деганда 5 нафар меҳмон келиб ўтирарди.

Дастлаб чойни ғаров, чилпул билан қориштиришар ва ғаров (бамбук)дан ишланган оқ чўмич билан авайлаб қуйиб беришар эди.

Ким қанча чой ичади?

1. Тибет	6000 гр
2. Ливия	4055 гр
3. Англия, Ирландия	4002 гр
4. Ўзбеклар	3650 гр
5. Канада	1250 гр
6. Голландия	770 гр
7. Миср, Япония	680 гр
8. АҚШ	430 гр
9. МДХ	311 гр
10. Хиндистон	290 гр
11. Покистон	160 гр
12. Хитой	130 гр

Парагвай халқи сира чой ичмайди. Мате ичимлиги.

«ча-ийе» - яшил барг

Хиндистонда чой 5 минг йилдан бери маълум. Будда дини рохиблари беморларни чой билан даволаганлар. Европада чой XVI асрдан маълум.

1617 Венеция

1598 Англия

1600 Португалия

1610 Голландия

1636 Франция

1667 Германия

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М., 1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. История среднўх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вўсшая школа, 1991.
5. Средновековўй восток. М., 1980.

6. Васильев.Л.С. Аграрные отношения и община в Древнем Китае. М., 1961.
7. Вельгус.В.А. Средневековый Китай. М., 1987.
8. Лапина.З.Г. Учение об управлении государством в средневековом Китае.М.. 1985.
9. История Китая. М., Изд. Восточ. Лит. 1989

Таянч иборалар.

- 1.Суй сулоласи
- 2.Тан сулоласи
- 3.Сун сулоласи
- 4.Урта асрларда хитой маданияти
5. Кузголонлар
- 6.Мин сулоласи

Мавзуга доир саволлар

- 1.Тан сулоласини ташки сиёсати қандай эди?
- 2.Мин сулоласига Карши қандай кузголонлар қутарилган?
- 3.Хитой нима учун мугилларга осон таслим бўлди?

МавзуИлк ўрта асрларда Хиндистон.

Режа:

- 1. Гупта давлати.**
- 2. Гупта даврида Хиндистоннинг ижтимоий тузуми.**
- 3. Маданиятнинг раванқ топиши.**
- 4. Ҳинд динининг эволюцияси.**
- 5. Гупта давлатининг тугаши. Харши давлати.**
- 6. Феодал муносабатларнинг янада ривожланиши.**
- 7. Ҳиндистонга араб ва туркларнинг кириб келиши. Дехли султонлигининг тузилиши.**

IV асрнинг бошларида Хиндистон бир неча ўнлаб майда ва йирикроқ давлатлардан иборат бўлиб, бу давлатлар тепасида кичик-кичик подшолар-рожалар турар эди, улар ҳукмрон табақаларга-брахманлар табақасига (кохинларга) ва кшатрийлар табақасига (ҳарбий зодагонларга) суянар эдилар. 320 йилда шимолий Хиндистоннинг шундай рожаларидан бири Чандрагупта I (320-340) теваарак-атрофидаги подшоларни ўзига бўйсундириб, Ганг дарёси хавзасида ҳийла катта бир давлат тузди, бу далаат Гупта давлати деб аталиб, VI асрнинг бошларида яшади. Чандрагупта I нинг ворислари замонида,-улардан айниқса Самудрагупта (340-380) ва Чандрагупта II (380-414) ўзларининг истилолари билан маххур эдилар,- Гупта давлати Ганг дарёсининг қуйи оқимида ҳам, то унинг денгизига қуйиладиган жойигача, шунингдек, Декан ясси тоғларининг бир қисмида то Нарбат дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олар эди. Гупта давлатининг пойтахти Паталипутра шаҳри эди.

Гупта подшолари Сосонийлар Эрони билан қизғин қизғин савдо-сотиқ олиб борди ва маданий алоқа қилди. Улар Хиндистоннинг шимолий чегараларини Ўрта Осиёлик қабилаларнинг ҳужум ҳавфидан узоқ вақтгача сақлади. Гупта даврида Хиндистон иқтисодий ва маданий жихатидан жуда юксалди. Ҳозирги Хиндистонда энг кенг тарқалган Ҳиндуизм динининг вужудга келиши ҳам ўша давр билан боғланганди.

Гупта даврида Хиндистоннинг ижтимоий тузуми асосан хали қулдорлик характерида сақлаб қолган эди. Қуллар турли ирригация ва қурилиш ишларида, қишлоқ хўжалигида ҳамда қўпдан-қўп хизматкор ва малай сифатида уй-рўзғор ишларида кенг фойдаланилар эди. Қуллар Осиёдангина эмас, ҳаттоки Африкадан ҳам келтирилар эди. Ҳинд жамиятида қулдорликка хос аломатларнинг мавжудлиги аҳолининг касталарга (табақаларга) қараб бўлинишида ҳам намоён бўлган эди. Бу бўлиниш Гупта даврида ҳам сақланиб, янада ривожланмокда эди. Қадимий касталарнинг тўрта асосий тури-брахманлар (кохинлар), кшатрийлар (жангчилар), вайшиялар (деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар) ва шудралар (собиқ қулларнинг ва ҳар тоифадаги қарам кишиларнинг энг паст табақаси бўлиб, булар киши ҳазар қиладиган ишларни бажарувчи кишилар эди)қхали жуда қадим замонларда таркиб топган Ҳинд жамияти социал структурасининг турли босқичларни ифода этади. Ўрта асрнинг бошларида ҳинд касталари анча эволюционлашди, Брахманлар ва кшатриялар кохин ва ҳарбий табақаларга айланиб кетдилар, давлат ҳокимияти уларнинг қўлида эди, шу билан бирга улар жуда қўп қуллари бўлган энг йирик ер эгалари эдилар. Иккинчи бир ўртача ва паст даражадаги касталар вақт ўтиши билан майдалашиб бордилар. Гупта даврида касталарнинг миқдори бир неча ўн турдан ошди. Жамиятнинг шудрага оид энг тубан кастаси «ҳазарли кишилар» деб аталар эди, чунки улар олий каста вакиллариға яқинлашса, бу олий зотларнинг гўё ҳаром қиладидеб ҳисобланар эди.

Энг паст касталарнинг ҳақ-ҳуқуқсизлиги, ҳўрланиши, қулдорлик тузумининг идеологиясини энг ёрқин ифодаси эди, қулдорлик тузуми даврида кишилар бир томондан, тўла ҳуқуқли, эркин қулдор ҳукмронларга, иккинчи

томондан, бутунлай ҳақ-ҳуқусиз, ҳўрланган, задаланган кулларга ёки шуларга ўхшаб кетадиган кишиларга бўлинар эди.

Аммо Ҳиндистондаги кулдорлик тузумининг яна бир характерли хусусияти шу эдики, ривожланган кулдорчилик ва эксплуатациянинг кулдорлик системаси билан бир қаторда ғоят катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жамоа ҳеҳқончилиги ҳам доим мавжуд бўлиб, яшаб келмокда эди. Қишлоқ жамоаси кулдорлик тузуми даврида ҳам, кейинчалик бориб, феодализм даврида ҳам ҳинд жамиятининг -уйи социал-иқтисодий ячейкаси бўлиб хизмат қилди, бу жамият шу ячейка устига қурилган эди. Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётида қишлоқ жамоасининг аҳамиятини кичкина-кичкина марказлари ташкил қилиб, шу марказлар саноат билан қишлоқ ҳўжалиги ўртасидаги хонаки алоқа асосида яшайди. Ҳар бир қишлоқнинг маълум миқдорда экинзор ери ва яйлови бор эди. Ҳар бир қишлоқнинг тепасида оксоқол ва яна бир неча мансабдор кишилар турар эди. Қишлоқ жамоаси бир неча ёки бир неча юз оиладан иборат бўлиб, хунаромандликнинг қишлоқ ҳўлиги билан қўшилишига асосланган бошланғич ишлаб чиқариш ячейкасини ташкил қилар эди. Бу оилада жамоалар хонаки саноатга асосланган бўлиб, унда қўлда тўқиш, қўлда йигириш, қўл кучи билан ер ишлаш усулига алоҳида бир тарзда бир-бирига қўшилиб кетган эди, -бундай қўшилиш бу жамоаларнинг ҳар қайсисини ўзига мустақил тусга киритиб қўйган эди. Гупта подшоларнинг иқтисодий қудрати биринчи навбатда худди анашу беҳисоб деҳқон жамоаларини эксплуатация қилишга асосланган эди.

Бироқ Гупта даври кулдорлик системасининг тушқунликка юз тутта бошлаганлиги билан тавсифланади. Кулдорлик тузуми элементлари ташкил топаётган эди. /арбий Европа ва Араб ҳалифалиги мамлакатларида кўрганимиздек, феодализмнинг негизи бўлган жуда кўп сонли жамоа деҳқончилигининг мавжудлиги ҳинд жамиятига кулдорлик тузмидан феодализм тузумига ўтишни енгилаштирди. Гупта даврида кулчилик тугатилиб, феодализм туғила бошлаганлигини бир қанча фактларда кўриш мумкин. Куллар тезктез эркин қўйиб юбориладиган ва муайян хизматларни ўташ шарти билан уларга унча катта бўлмаган ер участкалари ажратиб бериладиган бўлди. Подшо ҳўжалигидаги ерларнинг ҳаммасида ҳам куллар ишламас эди, бу ерларнинг талай қисми ҳосилнинг бир қисмини подшо ҳўжалигига топшириш шарти билан ижарага берилар эди. Майда ижарачиликка ўтилишига сабаб манбаларнинг кўрсатишича, кулларнинг етишмаслиги эди. Шу билан бир вақтда қишлоқ жамоасининг ўз ичида муҳим процесслар юз бермокда эди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашиши натижасида кичикроқ оиланинг кучи билан ҳам ҳўжалик юритиш мумкин бўлиб қолди. Катта оилалар майда-майда оилаларга бўлиниб кетди, катта оилага қарашли чек ерлар ҳам парчаланиб кетди, бунда тўнғич ўғилга укаларига қараганда ер кўпроқ ажратиб берилар эди. Оддий жамоачиларнинг бир қисми ҳонавайрон бўлиб, жамоанинг анча бойроқ аъзоларига қарам ҳолига тушиб қолар эди, буларнинг жуда кўп мол ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари бўлиб, ҳонавайрон бўлган жамоачиларни эксплуатация қилар эди. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада феодализмнинг муносабатларининг ўрнатилишига олиб келар эди.

Гупта давлати даврида маданият аввало, классик монументал архитектуранинг ривожланиши билан тавсифланади, бу даврда жуда кўп ибодатхона ва саройлар қурилган эди. гупта даврида қурилган биноларнинг кўпи кейинчалик хорижий истилочиларнинг Ҳиндистонга қилган ҳужумлари натижасида вайрон қилиб ташланган эди. лекин ҳар ҳолда ўша даврдан сақланиб, қолган баъзи бир биноларга қараб, уларни жуда моҳирлик билан қурилганлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан, баҳайбат яхлит тошларнинг ичини ғор қилиб ўйиб ишланган Эллага ва Ажанта ибодатхоналари ичида қадимий ҳинд ва будда афсоналаридан олиб ишланган ҳайкаллар бениҳоя кўп бўлиб, буларда кишиларнинг фигуралари ифода этилган. Бу фигуралар ўзининг гўзаллиги ва улғўворлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Ибодатхона деворлари хилма-хил суратлар билан безатилган. Гупта давридаги рассомлар ва усталар, металлга пардоз беришда юксак санъат чўққиларини эгалладилар. Бизнинг эрамиздан аввалги IV асрнинг охири ва V асрнинг бошларида қуйма темирдан ишланган устун ҳозирга қадар Деҳлида сақланиб келмокда, у қарийб бир ярим минг йил давомида очиқликда жазирама қуёш ва ёмғирлар остида қолиб кетганлигига қарамай, уни ҳатто занг ҳам босмаган.

Гупта даврида ҳинд фани катта муваффақиятларга эришди. Бир қанча ҳинд мунажжим (астроном)ининг номи Ҳиндистондагина эмас, унинг ташқарисидаям машҳур эди. Булар орасида V-VI асрларда яшаган, грек фани ва астрономияси билан таниш бўлган Арьяхата, Варахамхира ва Брахмагупта айниқса ажралиб туради. Ҳиндистонда бу даврда тиббиёт, айниқса ўтқиёхлар билан даволаш жуда ривож топган эди.

Адабиёт, поэзия ва драма соҳасида Гупта даври ўзидан кейинги кўпгина авлодлар учун тақлиф бўлиб хизмат қиладиган жуда юксак намуналарини қолдирди. IV аср охири ва V асрнинг биринчи ярмида ўтган гениал ҳинд ноири Калидасанинг асарлари айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Калидаса қаҳрамонлик темаларидан бир неча дoston ҳамда мифологик ва тарихий мавзуларда кўп драмалар ёзди. «Олқишланган Шакунтала» драмаси айниқса катта донг қозонди, бу асарда ниҳоятда назокатли ва шу билан бир вақтда ўз йўлида жуда оғир машақатли тўсиқларни енга олган жўшқин жасоратли оддий ҳинд аёлининг ажойиб образи берилган. Бу асар /арбий Европага 1789 йилда маълум бўлиши биланоқ қадимий ҳинд адабиётига жуда катта қизиқиш уйғотди. Калидаса ўз кашрамонларини қисман классик китоб тилида-санскритда, қисман турли маҳаллий лаҳжаларда гапиртиради, бу эса ўша даврдаги Ҳиндистон аҳолисининг этник жиҳатидан хилма-хил бўлганини кўрсатади. Калидасанининг асарлари ҳозирги вақтда дунёдаги асосий тилларнинг ҳаммаси таржима қилинган.

Гупта замонида ҳиндларнинг ҳукмрон дини брахманизм бўлиб, бу дин учта асосий худо-Брахма, Вишну ва Шива бор деб таълим бериш билан бирга жуда кўп бошқа худолар ҳам бор эди; бу худолар табиат кучларининг барча турли-туман форма ва кўринишларининг ифодаси эди, одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, ҳар хил жонсиз нарсалар-санамлар ва ҳаказолар илоҳийлаштирилар эди. Брахманизмнинг дабдабали маросимлари ва укчли кохинлари бўлиб, бу кохинлар наслдан-наслга ўтадиган алоҳида бир табақа эди. Бироқ брахманизм билан бир қаторда унинг ўз ичида бошқа бир дин-буддизм ҳам пайдо бўлиб, кўп тарафдор ортирди (бу дин эрамиздан олдинги V асрдаёқ пайдо бўлган эди). Бир вақтлар буддизм энг қадимги дин бўлмиш брахманлар динини ҳатто енгаётгандек ҳам бўлиб кўринар эди.

Гупта подшоларининг кўпи буддизмга хомийлик қилди. Бироқ, пировардига, брахманизм енгиб чиқди, лекин шу билан бирга у янги тус-хиндуизм тусини олди. VI ва VII асрларда узил-кесил ташкил топган хиндуизм ўзининг кўпдан-кўп эски мажусий худоларини батамом сақлаб қолди. Лекин шу билан бирга у, буддизмдаги диний диний фалсафасининг баъзи элементларини, унинг ёмонликка қаршилик қилмаслик, тарки дунё қилиш, киши ўлгандан кейин жоннинг бошқа нарсага ўтишига ишониш ва х.зола тўғрисидаги таълимотини ҳам ўзига сингдириб олди. Буддизм дини Ҳиндистон ташқарисида- Хитой, Ҳинди-Хитойда, Индонезия, шунингдек Мўғилистонда, Тибетда ва қисман Ўрта Осиёда (Туркистонда) кенг тарқалди. Ҳиндистоннинг ўзида буддистлар ҳийла оз қолди.

Гупта давлати VI асрнинг бошларига келиб тугади. У V асрдаёқ тушқунликка учрай бошлаган бўлиб, бунинг асосий сабаби меҳнаткаш омма аҳолининг оғирлиги эди. Ҳукмрон сифнлар ҳаддан ташқари зеб-зийнат ичида яшади; деҳқонларга оғир солиқлар солинди, улар ўзлари етиштирган ҳосилнинг кўп қисмини солиққа тўлашга мажбур эди; аҳоли давлат фойдасига узлуксиз равишда турли хил ишларни бажаришга мажбур қилинди. мана шуларнинг ҳаммаси ҳинд деҳқонларининг ҳолдан кетказди ва қишлоқ жамоалари экономикасини вайрон қилди. Меҳнаткашлар ўртасида норозилик туғилагнлиги аломатлари Гупта замонидан қолган адабий ёдгорликларда кўп учрайди. Гупта подшолигига узил-кесил зарба берган нарса кўчманчи эфталитлар, яъни оқ гуннларнинг бостириб кириши бўлди, улар V асрнинг охири VI асрнинг бошларида Шимолий чегарани ёриб ўтиб, Шимолий Ҳиндистоннинг кўпига шаҳар ва қишлоқларнинг ниҳоятда вайрон ва ҳароб қилиб ташланди. 530 йилда оқ гуннлар подшо Гуптанинг вассали рожа Ясодҳарма томонидан тор-мор қилинди.

Гуннларни енгандан кейин, Ясодҳарма Гупта династиясига итоат қилишдан бош тортиб, ўзи маҳарожа унвонини олди. Лекин унга Гупта давлати территориясининг фақат бир қисмигина бўйсунди.

VII асрнинг бошларида Харша (606-647) давлати бирмунча вақтгача юксалиб борди. Харша Канаужа князлигининг рожаси эди, чўнгра у бутун Шимолий Ҳиндистонни ўзига бўйсундирди. Харша давлати ганг дарёси водийси бўйлаб Шарқий Панжобдан то Бенгалия қўлтиғигача бўлган территорияни ўз ичига олди. Марказий Ҳиндистоннинг князлари ҳам Харшага вассал қарамликда эди. ҳаммаси бўлиб, 40 тача князь унга қарам эди. Харша империяси узоқ умр кўрмади. Унинг ҳокимияти феодаллашув процессининг кучайиши, ўз вассаллари-рожалар қудратининг тобора бориши натижасида заифлашди. Бу рожалар пировардида бутунлай мустақил бўлиб, марказга итоат қилмай қўйдилар. Харша вафотидан кейин унинг давлати парчаланиб кетди, узоқ вақтгача Ҳиндистон чет эл босқинчиларига қаршилик кўрсатолмайдиган тарқоқ бир мамлакат бўлиб келди. Канауж шаҳри-хали VIII-X асрларда ҳам Шимолий Ҳиндистоннинг пойтахтлиги аҳамиятини сақлаб қолган эди, аммо унинг маҳаражлари мана шу юз йилликлар давомида Ҳиндистонга доимий равишда ҳужум қилиб келаётган ташқи душманларнинг шимолда яшовчи турли хилдаги қабилаларнинг босқинини қайтариш ўрнига, кўпроқ Ҳиндистоннинг ичидаги ўз рақобатчиларига қарши кураш олиб бориш билан овора бўлдилар.

VI-VII асрларда Ҳиндистонда феодал муносабатлар янада ривожланди. Феодаллашув процессининг тезлашувида Шимолий Ҳиндистоннинг (Гупта подшолари давлати қулагандан кейин ва иккинчи марта Харша давлати тугагандан кейин) сиёсий жиҳатдан парчаланиб кетиши катта роль ўйнади, ўнлаб майда князликлар вужудга келди, бу князликларнинг князлари йирик ер эгалари эди. улар қишлоқ жамоаларини ўзларига бўйсундириб олиб, қаттиқ эксплуатация қилдилар. Буюк князлар-маҳаражлар ва вассал князлар, уларга қарам князлар-рожалар бўлар эди. унисиди ҳам бунисиди ҳам уларга қарам профессионал жангчилар бўлиб, уларга ҳарбий хизмат ўтаганликлари учун ер участкалари инъом қилинар эди. Жамна билан Гнанг дарёлари ўртасида бу хилдаги ҳинд рицарлари айниқса кўп эди, шимолдан ҳужум қилиб бостириб кириш хавфи бу ерда анча кучли эди. бу ерларда вужудга келган жуда кўп сонли рицарлилар табақаси ражпутлар (айнан таржимаси «шоҳ фарзандлари») деган ном олдилар. Бориб-бориб ражпутлар қадимий ҳарбий табақа бўлган кшатрийлар билан аразлашиб кетди.

Феодаллар ер эгаллигининг ривожланишида ҳинд ибодатхоналари анча катта роль ўйнади. Ҳинд кохинлари жуда катта ерларга эга эдилар, уларнинг қўллаб-қувватлашига мухтож бўлган князлар жуда кўллаб ер улашиб берганлиги учун бу ерлар кейинги юз йилликларда янада кўпайиб борди. баъзи ибодатхоналарнинг 1000, ҳатто 1500 қишлоғи бўлар эди. Жамоачи деҳқонлар ҳосилнинг катта қисмини ибодатхоналарга тўлар эдилар ва ибодатхона уларни суд қилиш ҳуқуқига эга эди.

Ҳиндистонга VII асрнинг охирида Эрон ва Афғонистонни босиб олганларидан кейин, араблар Ҳиндистонга бевосита қўшни бўлиб қолди. Бундан ташқари, Ҳиндистонга араблар денгиз билан, яъни Форс қўлтиғи билан бориб Ҳинд океанидан ҳам ҳужум қила олар эди. 712 йилда Умавийларнинг саркардаларидан бири Мухаммад ибн Қосим, Басрадан сузиб бориб. Ҳиндистондаги Синд мамлакатини босиб олди. Лекин орадан бир неча ўн йил ўтгач, араблар Ҳиндистондан бутунлай сиқиб чиқарилди. Ислом динининг тарғиб қилинишига ҳиндлар душманлик назари билан қаради, чунки ислом динини улар чет эллик босқинчи ва талончилар дини деб ҳисоблади, хиндуизм эса ислом динига қарши «миллий» дин эди.

Мусулмонлар ҳужуми фақат XI асрнинг иккинчи ярмидагина қайтадан бошланди, бу сафарги ҳужум илгариги ҳужумдан қаттиқ бўлди. бу ҳужум учун энг асосий замин туғдириб берган нарса шу бўлдики, кучли ва урушқоқ турк-эрон давлати-/азнавийлар давлати вужудга келган эди. (бу давлатнинг номи пойтахт бўлмиш /азна шаҳрининг номидан олинган эди). Султон Мухаммад /азнавий (998-1030) шарқий Эрон ва Афғонистон ерларини, 101 йилдан эътиборан эса Амударёнинг бери томонидаги ерларни, яъни Бухорони ҳам ўз қўл остига киритиб олди.

Подшолик даври мобайнида у, шимолий Ҳиндистонга ўн етти марта юриш қилди. Ҳиндистон шаҳарлари мусулмонлар томонидан ниҳоят даражада қаттиқ таланди. Мухаммад /азнавий бу юришлардан шимолга ўн минглаб эркак ва аёлларни асир қилиб ҳайдаб кетди, мамлакатни, айниқса ҳинд ибодатхоналарини талаб, қарвон-қарвон олтин, қумуш, қимматбаҳо тошлар олиб кетди. /азна шаҳри мухташам бинолар билан безалди, бу биноларнинг кўпини Ҳиндистон устиворлари солган эди. 1030 йилда Махмуд /азнавий ўлган вақтда унинг империяси амударё қирғоқларидан тортиб, то Ганга дарёсигача борган, бутун Ҳинд дарёси ҳавзасини ҳам ўз ичига олган эди. Лекин унинг

пойтахти Ҳиндистондан ташқарида эди. Ҳиндистон Маҳмуд /азнавий учун бўйсундирилган бир вилоятгина эди. Шундай бўлса-да, Ҳиндистоннинг шимолига жуда кўп мусулмонлар - хуросонликлар, турк ва афғонлар бориб ўрнашди. Шимолий - Шарқий Ҳиндистон (ҳозирги Покистон) аҳолисининг бир қисми ислом динини қабул қилиб, бора-бора истилочилар билан аралашиб кетди.

XII аср охириларида Ҳиндистонга /азна истилочилари иккинчи марта ҳужум қилди. 1175 йилга /азна ҳокими Муҳаммад Гурий Панжобга бостириб кириб, уни эгаллагач, шарққа қараб силжишни давом эттирди. 90 йилларда у Жамна билан Ганг дарёлари ўртасидаги бутун ерларни, сўнгра эса Бенгалияни босиб олди, Гурий вафотидан (1206 йилдан) кейин унинг ноиб Кутбиддин Ойбек /азнадан ажралиб чиқиб, Ҳиндистоннинг шимолида (ҳозирги Ҳиндистон республикасининг пойтахти Дехлини марказ қилиб) мустақил давлат тузди. Янги давлат пойтахт шаҳарнинг номи билан Дехли султонлиги деб юритиладиган бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М.,1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. История среднўх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вўсшая школа, 1991.
5. Ашрафян.К.З. Средневековўй город Индии. М., 1983.
6. Медведев.Е.Н. Очерки истории Индии. М., 1990.
7. Паникар. Очерки по истории Индии. М., 1961.
8. Лас Касас Бартоломе де. История Индии. Л., 1968.
9. Можейко И. В. В Индийском океане. Очерки истории пиратства в Индийском океане в южнўх морях (XV_XX вв). 2-е изд. М., 1980.

Таянч иборалар

- 1.Гупта давлати.
- 2.Дехли султонлиги.
3. Маҳмуд Газнавий
- 4.Иброҳим Лодий
5. Бобурийлар давлати.

Мавзуга доир саволлар

- 1.Гупта давлатини парчаланиш сабалари?
- 2.Маҳмуд Газнавийни истилосини оқибатлари.
- 3.Нима учун Бобурийлар давлати узок яшади?

Мавзу:Илк ўрта асрларда Япония.

Режа:

1. V-VII асрларда Япония.
2. Аграр муносабатлар.
3. Ижтимоий ва давлат тузуми.
4. Регентлар ва канцлерлар бошқаруви.

5. Маданият.

V-VII асрларда Япония.

Япониянинг энг қадимий аҳолиси ҳозирги айнуларнинг аجدоди Эбису ҳисобланади. Эра бошларида улар Хонсю оролининг шимоли шарқида яшаганлар. Уларнинг этник келиб чиқиши узил-кесил аниқланмаган баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра улар Малайя, Хиндихитой ва Индонезия билан боғлиқ.

Япон орлларига бир неча бор Корейслар, Ханлар, турли манжур тунгус қабилалари кириб келиб Эбисуларни шимолга суриб чиқарганлар. Аралашув жараёни юз берган. қабилалар ичида энг кучлиси Ямато III асри охирида IV аср ўрталарида кўшнилари буйсундириб Хонсю ороли марказий қисмида Ямато қабилалар иттифоқини тузди. (Бу суздан дастлабки мамлакат келиб чиққан. Ҳозирги "Нихон" (Кун чиқар мамлакат) номи VII асрда пайдо бўлган Япония номи XIII асрда Хитойга саёхат келган Мархо Поло билан боғлиқ.)

Японлар аждодлари дехқончилик учун қулай жойларга ўрнашганлар. III-VI асрларда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулоти шолди эди. Сугориш каналлари қурилган Кабила дорхийлари бу ишларга мажбурият сифатида барчани жалб этганлар. V асрдан пиллачилик ривожлана бошлаган III асрдан кўчиб кела бошлаган Хитой ва Корейслар мохир хунармандлар ҳисобланган.

V асрда Хитойнинг гарбий районлари кўчманчилар ҳужумига дучор бўлгач Корейс-Хитой иммиграцияси одатий ҳолга айланган, Кучиб келганлар аҳолининг "бэ" деб аталган қисми таркибига кирган. "Бэ" таркибига мағлуб этилган жамоа бошликлари авлоди, рухонийлар, "Маълумотлилар", кўриқчилар ҳам киради. (жиноят учун қулга айлантирилган жамоа аъзолари, Хитойга ўқиш ва ёза биладиганлар, дастлабки чиновниклар ҳам...)

"Бэ" категорияси кейинроқ табақалаша бошлаган Уч асосий қисми қадимги Рим колонлари аҳолига тушган. Улар ер ва хунарга бириктирилган (подшо ёки феодал мулкида) уларни сотиб ўлдириб бўлмасди.

Факат уй хўжалигидаги қул меҳнатидан фойдаланилган. (қул меҳнати самарасиз уларнинг тўлдиришининг асосий воситаси қабилавий урушлар қамайдиган) Товар хўжалиги ривожини оқибатида V аср бошларида бозорлар пайдо бўлган. Уларнинг дастлабкиси "Хитой бозори эди." (Хонсю марказида Осака шаҳри.) Савдо асосан кузда ҳосил йиғилгандан сўнг бўларди. (Япон қургонларидан Хитой тангалари топилган.)

IV-VI асрларда қабила иттифоқи бошлиғи амалда подшо функциясини бажара бошлаган. Зодагонлар давлат ва сарой амалдорлиги лавозимларини эгаллаганлар (диний ва ҳарбий мансаблар) исрорхия пайдо бўлган. 598 йили узаро қурашаётган аристократия гуруҳларидан бири Сога бошчилигида подшоҳ ўлдирилган. Сога группаси уз таъсирини корейс ва хонлар олиб келган буддизм орқали мустаҳкамлаган шу билан японларнинг қадимий дини Синто (худодлар йули) (табиий кучларга аждодлар руҳига сизиниш) зарба еган буддизм ташкил топаётган мафкуравий қуролига айланган.

Ағдарилган подшоҳ оиласи вакили Сиётоку-Тайси ҳокимият учун қурашда Хитой маданиятини маъқул қурадиган сарой ахлига таянган. Улар Япон тузимида Корея ва Хитой элементларини киритиш тарафдорлари эдилар. Сиётоку Тайси фаолияти 604 йили эълон қилинган "17 моддали қонун"да қуринади ҳозир бу қонунлар туплами VIII асрда тўлдирилган деб фикрлар билдирилади.

Бу қонунда буддизм ва конфуцийлик таъсири кучли. Лекин қонун кучга кирмаган, чунки реал ҳокимият Сога группаси қулида бўлган "қонун" подшо ҳокимияти кучайди ва учун шароит таёрлаган.

Сётаку-Тайси чет элдан сиёсий қўмак кидириб 607 йили Хитойга элчилар жунатган. унинг даврида кўп содагонлар болаларини ўқишга юборган.

Корея давлатлари билан муносабатлар ўзгарган. VI асрга қадар Японлар узаро урушларга аралашганлар. Силла кучаюви оқибатида аралашув заифлашган. 2 ла тараф элчилари айрибошган. Японияга Корейс роҳиблари, меъморлари, хайкалтарош қурувчилари келишган.

Сога роҳиблари уйишиб, фитна қуздаганлар. 645 йили Корея элчиларини қабул маросимида Сога вакиллари кириб ташлаганлар, сарой ёндирилган.

Авалги подшоҳ авлоди тахтга чиққан. Бу давр "Буюк ўзгаришлар даври" ("Тайка") деб номланган. 645 йилги фитна булса "Тайка тунтариши" номини олган. Шу вақтдан Японияда Хитойга ҳар бир император ҳукмдорлигини алоҳида белгилаш системаси қабул қилинган. Хитойга чек ер системаси ҳам кириб келган.

Аграр муносабатлар.

Илк ўрта асрларда ер эгалиги 2 шаклда ривожланган.

1) давлат чек ер системаси.

2) йирик феодал ватчинаси. (Сёэн)

702 йилги Япон қонунлари туплами "Тайхорё" кодекси бундан далолат беради. Унга биноан барча ер давлатники деб эълон қилинган. Ҳар бир дехқон хўжалиги оила сонига қараб (6 ёшдан ҳисобланган) вақтинча фойдаланиш учун хайдаладиган ер олган. Эрақ 2 тан (1 тан-0,12га), аёл 2(3 қисми миқдорида ер олган. Ҳар 6 йилда оила аъзолари сони ўзгаришига қараб ер миқдори ҳам ўзгартирган. Уй қурилган ер ва бог дехқон мулки ҳисобланган.

Давлатга дон, хунар маҳсулотлари, асосан Материал билан солиқ туланган Баршина 100 ва ундан ортиқ қун давом этарди. Дехқоннинг чек ердан бош тортиши ё ундан кетиб қолиши каттик жазоланган.

"Тайхорёнинг" кодексига биноан биноан содагонлар ери уларнинг унвони ва мансабига боғлиқ бўлган. "Имтиёзли ерлар" "Давлат олдидagi хизмат учун" чек ер (Тайка тунтаришидаги иштироки учун), император томонидан совға қилинган ерлар...

Инъом қилинган ер умрбодлик. Хизмати учун ер 1,2,3. авлод даври ёки мангулик (хусусий ерга айланган) Деярли барча ер шакллари формал равишда қандайдир муддатга берилган. Лекин аристократия доими равишда давлат хизматида бўлганлиги сабабли унинг хусусийлаштириш кийин эмасди.

Зодагонлар чек ерларига дехқон хўжаликлари бириктирилган. Ранг бўйича 100 дан 800 гача, мансаб бўйича 300 дан 3000 гача дехқон хўжалиги. давлат олдидagi хизмат учун бириктирилган дехқон хўжалиги қанчалиги

белгиланмаган. Бириктирилган дехқонлар солигнинг ярмини давлатга ярмини феодалга берганлар. меҳнат мажбуриятлари феодалга.

Аввал мансаблар меъросий эди. 645 йилдан сўнг улар император номидан тайинланадиган бўлган, меъросийлик ҳам маълум манога сақланган.

Феодал вотчинаси (Сёэн) ҳам чек ер системаси билан бир даврда шаклланган. Дастлабки сёэн янги ер очиш ботқоқликларни қуритиш натижасида пайдо бўлган. (аристократия ёш черков томонидан) 859 йили хужжатларда биринчи марта "Тато" атамаси ишлатилган. (янги ер очиш ўраб олиш) Тато хозирги ёзувда ҳам шуни исботлайди.

1-иероглиф - шолিপояни. 2-чиси забор изгород.

Кейинроқ манбаларда Тато атамаси уралган ерда ишловчи дехқонни англата бошлаган.

(Ур.Осиё - дехқон - дастлаб бойни англатган. Хозир эса меҳнаткашни)

Ўраб олинган ерни ишлашнинг энг тарқалган шакли пудрат эди (одатда бир йилга). "Тато" уни уз хусусий ерига айлантиришга уринарди (кейинги йили шартнома бекор қилиниши мумкин эди). Кейинроқ Тато хусусий пудратчига ер унинг шахсий ерига ер эгаси унинг шайсий хужайинига айланган. VIII аср мобайнида чек ер тузулиши заифлашган дехқон табақалашган. (қулоқ камбагал ўрта хол).

Иш кучи ва қуроли кўп оилалар бойиган. Камбағаллашгани уникуда батраклик қилган, ёки бошқа вилоятга қочиб кетган. Судхурлик кенг тарқалган Вилоят ва уезд бошқармаларида дон фондлари буларди. (давлатга тулангандан кейин колгани). Давлат фонддан дехқонга суда беришга ижозат берган. 30-50% маҳаллий маъмурлар норасмий равишда суда бериб, фойдани узлаштира бошлаганлар. Улар керак, нокерак дехқонларга ссуда бера бошлаганлар, бунинг устига расмий фоизни оширганлар.

Хонавайрон бўлган дехқонлар ерни ташлаб тоғ ва урмонларга қочганлар, отрядлар тузганлар. Йилномаларда улар "карокчилар тудаси", денгиздагилар "пиратлар" сифатида тилга олинади. IX асрда йирик қўзғолонлар кутарилган IX аср ўрталарида Кюсю ороли губернатори ўлдирилган, ҳукумат идоралари таланган.

Давлатга қарши қурашнинг янги шакли топилган. Дехқонлар мхфий равишда хусусий вотчиналарга қочиб ута бошлаганлар. Феодал уларни ҳимоя қилган. Бу нарса дехқонни давлатдан ҳолос қилиб Сюж қулига топширган.

Ижтимоий ва давлат тузуми.

Тайка тунтаришидан сўнг ҳукукий жихатдан янги феодаллар ҳукмронлиги урнатилди. Улар асосан бой оилалар авлоди эди. Деярли барча иқтисодий ва сиёсий имтиёзлар уларга теғди.

Тунтариш давлат томонидан дехқонларни қарама қарши имконини берди. Илгариги "Бэ" ерга боғланган дехқонга айланди. Энди "Бэ" деб саройда хизмат қиладиган ҳунармандлар айтиладиган булинди. "Тайхорё" га биноан чек ер эгаси "Яхши одам" қулар "Паст одам" эди. қонун қулчиликни тан олган.

Қулга эғалик қилиш қўшимча ер олиш имконини берган. Хар бир давлат қули учун эркин одам оладиган ер, шахсий қул учун 1/3 қисмига белгиланган. (Зодагон сарой манистир). қуларни кўпайтиришга интилган. Уруш йуклиги сабабли дехқонларни угурлаш, болаларни, айникса энг кичигини сотиб олиш кенг тарқалган. Жиноят ва қарз туламанганлик учун ҳам қулга айлантирилган. Уз-узини қулликга сотиш ҳоллари бўлган. Лекин бу бандалар чекланган бўлиб оммавий тус олмаган VII асрда Япония аҳолиси - 6 млн, 10-15 % ни қул, қул меҳнатидан кўпроқ қурилишда фойдаланилган.

Улар Нара шаҳрининг қурганлар, Будданинг улкан хайкалини қуйганлар IX аср ўрталарида қул меҳнатидан жуда кам фойдаланган, дехқончиликда эса умуман тухтаган.

Узоқ вақт мобайнида ҳукум сурган маъмурий тартиб "Тайхорё"да ҳукукийлаштирилган Давлат ҳукумдорига император (ТЭННО-осмон угли) унвони берилган, унинг илохийлиги ҳақида афсона яратилган. Император ҳузуридаги олий ҳукумат органи-давлат кенгаши.

Марказий ҳукумат таркибида 8 та бошқарма (сарой, культ, омбор ва молия, умум давлат ишлари, фуқаролик маъмурияти, маросимлар ва мансаблар, харбий, жамоат ишлари).

Мамлакат вилоят ва уездларга булинди.

Маъмурий - сиёсий, ҳунар, савдо ва диний марказлар пайдо бўлди. 320 йили Корейс-Хитой иммигрантлари Нанива (ҳозирги Осака) шаҳрига асос солганлар. 593 йили пайдо бўлган Асука шаҳри Когурё (Корейс) маданияти таъсирида бўлган. Кейинги шаҳар созиш Хитой таъсирида бўлган. 710-784 йил Нара, 792-1192 Хэйан пойтахт бўлган.

Пойтахтлар планировкаси Чанъан (Сиан)ники каби. Бу шаҳарлар дарвозалари жанубга қараган. Нарада марказда Хэйанда шимолда улкан Сарой квартали бўлган. Сарой айвонлари жанубга қараган (буддизм бўйича Будда жанубда яшайди, унинг нури келади). Сарой кварталининг бир неча дарвозаси бўлган. Энг марказдаги "Қизил қуш дарвозаси". (у Хитой мифологияси бўйича дунё турт томони худоларида бири. Жан созвездие номи.)

Бу дарвозадан шаҳар бўйлаб жанубга "қизил қуш шох қучаси" утган. унинг охирида шаҳарга қириладиган бош дарвоза бўлган.

Регентлар ва канцлерлар бошқаруви.

Илк феодал Япониясининг характерли белгиларидан бири ички сиёсий вазиятнинг настибиллиги эди. Юкори ва қойидорлиги қураш унга сабаб бўлган.

Ҳукумрон синф уч гурппа вужудга келган.

1. пойтахт сарой амалдорлари.

2. провинциал давлат аппарати чиновниклар.

3. провинциядаги қуйизодагонлар (доимий яшайдиган)

Сарой аристократи орасидақадимдан симтозим билан боғлиқ ката таъсирга эга накатоми гурппаси бринчи оринда турган гурппа бошлиги Каматари Тайка тунтаришида иштирок этган, мамлакатдаги энг таъсирли обрўли шах. 669-йили унга Фудзивара фамилияси берилган. Унинг авлодлари барча таъсирлари мансабларини эгаллаганлар. 729 йилига келиб Фудзиваралар императорларга факат улар оиласидан уйланиш мажбуриятини юкладилар.

Император уйини заифлаштириш мақсадида улар император тан кўриқчиларини енгиб, унинг шимолдаги Ямасиро вилоятига олиб кетганлар, 784 йили буерда янги тинчлик ва осойишталик пойтахти Хэйан қурилиши бошланган.

858 йили Фудзиваралар ёш император регенти, 887 йил эса улгайган император хузурида эса канцлерга айландилар.

Регент - канцлерлар бошқаруви ўрнатилди (қискача СЭККАН) дастлабки 40 йил император нисбаттан мустаккил сиёса юритган, чунки фудзиваралар мансаб орқасида қувиб, масалани икитидий томонига унча эътибор бермаганлар. улар кўпроқ СЕЭН эмас, чек ер системасига таянган эдилар.

режимнинг сиёсий ва иқтисодий заифлиги муносабати билан 895 йили Япония Хитой ва Корея билан алоқаларни узди. Мамлакакга кириш ва ундан чиқиш фақат ўлим билан жазоланадиган бўлди.

Маданият.

"Тайхорёнинг" тузилиши Японлар онгига мавжуд тузумнинг қонунийлиги гоёсини синдирган.

Император ҳокимияти мустақамланувига дастлабки йилномалар ёрдам берган.

"қадимги ишлар ҳақида ёзувлар" - "Кодзика"-712йил.

"Япония анналари"- "Нихонги"-720йил. (қадимги мифлар, афсоналар, ривоятлар, хронологик ёзувлар.)

Йилномаларда император қуш маъбудаси Аматаэрасу (синтоизм пантеонидаги бош худо) авлоди сифатида тасвирланган. Император сулоласи илдизи эрамиздан аввал 660йилгча чуқурлаштирилган. Бундай генеология (Шажара) учун етарли далил ва материаллар булмаганлиги сабабли, йилномачилар хитойликлардан анча факт ва афсоналарни қучириб олганлар. Йилномаларда V-VII асрларга доир ишонса буладиган фактлар мавжуд (Кўпроқ сарой ҳаёти тасвирланган).

VIII аср бошида провинциялар Тўғрисида тула маълумот берадиган "урф-одат ва ерлар Тўғрисида номалар"- "Фудоки" пайдо бўлган, маъмурий булиниш географик номлар, иқтисодий, флора, фауна, маҳаллий ривоят ва афсоналар, диққатга сазовор жойлар...

VIII иккинчи ярмида I-Япон поэзияси антологияси тузилган. "Собрание мириад листьев" "Манъёсю" табиат, инсон, ижтимои масалалар- Ямоноэ Окура, Сатира-Отомо табито. Рекрут хизмати оғирликлари, оила никоҳ муносибатлари.

Синтоизм ва буддизм байрамларида муқаддас рақслар ижро этилган. (Лузика-пение). Схергарлик маросимларига ухшаш. "Умиротварения дини" байрамида раққоса ағдарилган, тоғора устида бамбук шохи ва найза ушлаган ҳолда рақсга тушган. "Имитация мифа Аматаэрасу" Самовий горта кириб келиши ва яна пайдо булиши.

Сарой телохранителлари қилич билан харбий рақсга тушганлар. Сайёр масҳарабозлар.

Буддизм қучайтирилган. 624 йили 46 ибодатхона ва 1385 роҳиб бор эди. Роҳиблар энг маълумотли табақа бўлиб бошқа мамлакатларга (Хитой) бориб келадилар.

Дастлабки шаҳарлар монастырлар атрофига вужудга келган. Нара шаҳрида 7та будда монастыри бор эди. Уларнинг энг асосийси 608 йил ташкил этилган (Японияда биринчи) "қонун ғалабаси ибодатхонаси" "Хорюдзи" эди. Монастир Япон миллий санъатихайкалига айланган.

"Шахрнинг улуг ибодатхонаси"- "Тогайдзи" қурилиши 759 йили тугалланган. Ибодатхона асосчилари уни буддизмнинг шарқдаги таянчига айлантирмоқчи бўлганлар. Шу сабабли монастырнинг асосий храми буддизм пантеонидаги муҳим худолардан бири-Вайрочанга (Будда-дунъёни нурга тўлдирувчи) бағишланган бу ибодатхонада ҳозиргача бронзадан ишланган, олтин суви юритилган Вайрочаннинг утирган ҳолдаги хайкали сақланиб қолган.

Хайкал баландлиги 16 метр, пседотал билан бирга 23 метр. (бош баландлиги 3.1 метр кенглиги 2.87 метр). Уша давр хайкал қуйиш техникаси, мужизаси муаллиф Дайбацу 2 йил қуйилган.

Илк Япон буддизмнинг асосий принципи "давлатга хизмат" унинг шартли равишда "Сарой буддизми" деб аташ мумкин. Сарой сиёсий таъсирий заифлашган сари буддизмнинг бу тарафи замон талабига жавоб бермай қўйди. Ислохот зарурияти тугилган. Янги секталар пайдо бўлган. Улар мақсади Эътикодга хизмат қилиш"

Бу секталардан кейинроқ вужудга келаётган ижтимоий қарама-қаршиликлар қурашида фойдаланилган.

Фойдаланилган дабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М., 1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. История среднѐх веков (под ред. З.В. Удальцовой и С.П. Карпова. 1-2 ч.). М., Вўсшая школа, 1991.
5. Кузнецов. Ю.Д. История Японии.
6. Песков. С.С. Япония в раннее средневековье. М., 1987.
7. Сила-Новицкая. Т.Г. Культ императора в Японии-мифѐ, история, доктринѐ, политика. М., 1990.

Таянч иборалар.

1. Синтоизм
2. Мугилларни Японияга юриши.
3. Сиёгунлик
4. Япония маданияти.

Мавзуга доир саволлар

1. Сиёгунлиكنинг ташкил топиш сабаблари?
2. Японияни ёпилиш сабаблари?
3. Япониянинг истилочилиқ юришлари.

Мавзу: Илк ўрта асрларда Корея.

Режа:

- 1. Илк Корейс давлатларининг вужудга келиши.**
- 2. Корейс давлатлари ўртасидаги кураш, уларнинг Хитой ва Япония билан муносабатлари, урушлари.**
- 3. Мамлакатнинг Сила бошчилигида бирлашгандан кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти.**
- 4. Маданият.**

Илк Корейс давлатларининг вужудга келиши. Илк ўрта асрларда Корейс давлатларининг вужудга келиши, унинг ижтимоий иқтисоди моҳияти масаласи тарихда ханузгача баҳсли. Кореяда кулдорлик даври булганми? деган саволга узил-кесил жавоб йук бази корейс тарихчилари илк феодал давлатларини кулдорлик давлатлари деб хисобланадилар.

Манбаларда ярим оролда яшаган турли кабилалар хақида малумотлар мавжуд. Шимолда когурё, емэк, очко кабилалари, Ханган дарёсидан жануброкда хан кабиласи яшаган. У 3 та шохчага булинган: Махан (хан), чинхан, пёнхан. Ахоли чорвачилик, баликчилик, овчилик билан машгул булган. Лекин асосий машгулотлари дехкончилик. Асосан "беш-нон" деб аталган экинлар экилган. Кийим буз ва шойидан. Синфий муносабатлар шимолда Амнокан дарёси хавзасида яшовчи когрио кабиласида аввалрок боршланган. Дастлаб-харбий демократия. Окчо ва емэк кабилалари когурёга буйсундирилган. Дон, материал, балик, канизаклар билан улпон туланган. Жанубда синфлар ташкил топиш жараёни кечрок бошланган булса керак. Хан кабиласи 78 урукга булинган. У Хитой манбааларида тилга олинган (лекин уруглар "давлат" деб номланган). Когурёларда харбий дохий Ван (король) унвонини олган. Аристократия харбий-чиновникларга айланган. Чиновниклар апарати 12 рязрядга бўлинган. Корея йилномаларида хусусий мулкни химоя килиш максатида конунлар яратилганлиги хақида ёзилган: Угри угурланган молни 12 баравари даражасида тўланган, биров хайвонига зарар етказган киши хатто кулга айлантирилган.

Когурё давлати қачон пайдо булганлиги хусусида тарихчиларда ягона фикр йук, лекин у IV-аср охири V-аср бошларида ярим орол шимоли ҳамда кушни Ляодун ярим ороли тереториясини эгаллаган кучли давлат булган. Ярим орол жанубида давлат пайдо булиш жараёни пэкче, саро, кая, кабилалри томонидан заифрок кушинларни буйсиндириш оркали юз берган. Буйсундирилган ерлар аристократияси табиий равишда боскинчи зодагонлар билан кушилиб кетган. Пэкче жамоаси III-IV чи асрларда кушма жамоа ва кабилалрни буйсундирган. Корея жанубий гарбида Ханган ва Кимган даёрлари хавзаларида анча кучли Пэкче давлати пайдо булган. V-VI асрларда ярим оролнинг жанубий шарқий қисмида Силла давлати пайдо булган. Унинг ядросининг сарос (собол) кабиласи ташкил

этган. Янги давлатда маъмурий булинишнинг территориал принципига асосланган. Турли даражадаги махсус чиновниклар апарати вужудга келган. Силла давлати энг жанубидаги Кая кабилалар иттифоки ва узок Усам оролининг узига кушиб олган. шундай килиб, 6-асрга келиб Корея ярим ороли хукмронлик учун узаро курашаё Когурё Пэкче ва Силла давлатлари бор эди. Бу давлатлардаги социал иктисоди муносабатлар характери масаласи корейс тарихшунослигида узок вақт дискуссия ва бахсларга сабаб булиб келди. Баъзи тарихчилар бу кулдорлик давлатлари эди, деб хисобласаларда, улар феодал характериға характериға эға булган. Дехкон жамоалари давлат фукаролари сифатида солиқ тулардилар турли мажбуриятлари утардилар (сарой йул кальалар курилиши). Ернинг олий эгаси-давлат. Феодаллар ҳам давлатнинг ер олганлар. Когурё ва Силла давлатларида илк феодализм учун характерили системаси кенг таркалган. Куллар ишлаб чикаришда катта роль уйнамаган булсалар керак. Бу даврда улар хукукий ахволи узгарган. Масалан: 6-чи аср бошида Силла давлатида ван улганда 10 та кулни улдириб кумиш одати таъкикланган.

558 йили лашкарбоши садахам кай кабиласи буйсундирилган кейин мукофотга олган 200 асирни кул килмай эркин дехконларга айлантирган унихоли маъкуллаган. Хитойдан давлат бошқаруви тизими билан бирга мафкура ҳам узлаштириб олинган. Корейс давлати хукмдорлариға конфуцийлик купрок ёкарди. Давлат хизмати учун чиновниклар махсус конфуцийлик мактабларида тайёрланган.

Феодал тузум шакланувида муҳим роль уйнаган буддизм ҳам Хитойдан кириб келган. Когурёда дастлабки будда роҳиблари 372 йили пайдо булганлар. Пхенян Яқинида 2та будда монастри курилган. 384 йили Пэкче вани илтимосиға биноан Жан хитойдан роҳиблар келишган. Уларға катта ерлар инёом этилган. Силла давлатиға когурёдан кириб келган буддизм 6 чи аср 1чи ярмида кенг таркалди. Силлада ҳам маъмурий булиниш Хитойдаги каби эди. вилоят округ уезд. Бошликлари пойтахтдан тайинланарди Давлат пойтахти Кимсон йирик шаҳарға айланган. Доимий почта хизмати мавжуд эди. (ката йуллар ва сув оркали)

Корейс давлатлари ўртасидаги кураш, уларнинг Хитой ва Япония билан муносабатлари, урушлари.

Когурё бир неча марта Хитой хужумиға дучор дучор булган 245 йили Хитойда 3 подшолик даврида Шим, Вэй кушинлари Когурё пойтахтини эгаллаганлар хукмдор узига тоъбе очко кабиласи ериға кочиб кетган. Уларнинг ёрдамида хонлар мамлакатдан кувилган 4чи асрда когурёға Шим. Хитойда Янь давлатини тузган санбилар хужум килган. 342 йили пойтахт эгалланган, 342 йили пойтахт эгаллаган ван Когуквон кочган. Сянбилар хукмдори Муюн Хван ван оиласини асирға олган, хатто каршиликни синдириш максатида отаси хокими ҳам кабрдан олиб кетган. Муюн Хван хазинани талаган, пойтахт Хвандони бузган, 50 минг асарни олиб кайтган. Шундан сунг Кочувон урини вассал деб тан олган. Кейинрок узини тиклаган Когурё Сянбийлардан холос булган. 6чи аср охири-5чи аср бошларида Ван Кванчэтхо даврида Когурё тереторияси кенгайган (ляодундан ярим оролдаги хитой мулклари). Пхенян пойтахтға айлантисилган. Пэкче давлати тереторияси хисобига кенгайган. Корей давлатлари ва хитой уртасида маданий ва иктисодий муносабатлар ҳам ривожланган шимолий сулолаларға карши курашаётган Корейс давлатлари купрок Жан сулола билан алоқа килганлар. Диний ва сиёсий гоьлар ҳам жанубдан олинган (буддизм конфуцийлик бошқарув системаси) Кореяда Хитой адабиёти ва юзуви таркалган Хитой игрофлигида Корейс тилида ёзилган. Корейс давлатларининг Японлар билан муносабатлари турлича булган. Дастлаб Японлар билан Нактонкан даръёси хавзасидаги каяск давлатлари (ёки пюн-хан кабилалари) савдо муносабатларини урнатганлар. улар Японларға Темир, олтин, кумуш, дон материаллари сотганлар улар ерларида япон кароргохлари вужудға келган японлар у ердан туриб, талончилик килганлар каясклар булса улардан Силла давлатиға карши фойдаланмокчи булганлар. Силла ва когурё давлатлари яионларни кувуб чикариб, Каясилар ерини кушиб олганлар (6чи аср 2-ярми). Кураш давомида Силла хукдорлари японлар билан сулх тузиб уларға гаров тарикасида уз одамлари ва совгалар юборганлар (талончиликнинг олдини олиш максатида). Пэкче хукмдорлари кушинларига карши курашда Япон отрядларидан фойдаланганлар 5чи асрда Когурё ярим оролининг шимолий кисмини эгалаб пэкчени киса бошлагач, у 6-чи асрдан кучайган Силла билан Яқинлашган. 551 йили Пэкче ва Силла Кочурёни Хинган даръёси хавзасидан сиқиб чикарганлар. Қайтарилган ерни Пэкчедан Силла олиб куйган, итифок бузилган. Шундан сунг Пэкче Когурё ва Япония билан итфок тузган. Бунга жавобан Сиаса-Хитой иттифоки вужудға келган.

VI аср охирида (598й) Суй сулоласи асосчиси Янь Цзянь Когурёға карши катта армия ва флот жунатган. 612 йили ҳам Суй императори Ян Гуан катта армия жунатган. Когурё лашкарбошиси Илчи Мундок Хитой армиясини мажакланган. 613 ва 614 йиллардаги хужумлар ҳам галаба келтирмаган. Шундан сунг когурё Пэкче билан иттифокда янги Тан сулоласи иттифокчиси (Корея ишларига аралашаётган) Силлаган карши уруш бошлаганлар. 645 йили Тан кушинлари Когурёға кириб келган Ляодундаги Аньши кальаси ва Пхенян атрофидаги корейслар голиб чиккан. 660 йил Пэкчега Силланинг 50минг кишилик, Танларнинг 130 минг кишилик армияси хужум килган. Пойтахт Саби кулаган. Сарой ва ван таслим булган. Пэкче тереторияси Тан вилоятиға айланган (5 округға булинган) 663 йили Хитойларға карши кузголон бостирилган. Шундан сунг асосий зарба Когурёға берилган.(Тан-Сила). Когурё огир ахволда эди. Давлатнинг амалдаги хукмдори (1 министр Макниджи) Ён Кюсомун ўлиmidан сунг феодаллар узаро кураши янада кучайган. Уч хафа булган угиллардан бири Танлар томонига кочиб утган. 668 йили Когурё пойтахтини Пхенян эгалаган. Теретория Танлар қўлиға утган.

Мамлакатнинг Сила бошчилигида бирлашгандан кейинги ижтимоий-иктисодий таракқиёти.

Чет элликлар хукмронлиги тез орада халқ кузголонларини келтириб чикарди. Танлар Когурё ва Пэкчеда мустахкам урнаша омадилар. Бу ердаги кузголонар силла давлати томонидан кулланди. Бу нарса уз навбатида Тан Силла низосиға олиб келди. 670-676 йили жанглардан сунг Тэданган

даръёсидан жанубидаги Корея ярим орол барча тереторияси Силла таркибига кирди. Тагнлар унинг тан олишға мажбур булганлар. Силла бошчилигида мамлакатнинг бирлашуви Кореяда феодал муносабатлар карор топишида.

мухим боскичдир. Узаро урушларнинг тухташи кушнилар билан тинч муносабатлар урнатилиши мамлакат ишлаб чиқариш кучлари ривожига ижобий таъсир килди. 681 йил Силла вани Мунму уз васиятномасида шундай ёзган: "оддий халкка тинчлик бердим солдат найзалари дехкончилик кулолига айлантирдим солик ва мажбуриятларни қисқартирдим енгиллаштирдим мамлакатда тартиб урнатдим тоғ қаби галла захиралари яраттим" бу ерда узининг макташ элементлари билан бирга реал фактлар тилга олинган. Давлат томонидан ирригация тизими қурилган. Оқибатда ҳосилдорлик ортиган Ҳазина бойиган. Феодал муносабатлар ривожига ерга давлат мулкчилиги асосида юз берган. Ер фондининг асосий қисми дехконлар қулидаги кичик чек ерлар эди (баъзан уни солдат далалари деб аталади).

722 йил расми равишда барча ер давлатники деб эълон қилинди. Чек ер системаси дехконни ерга боғлаб қуйди у марказлашган давлат дехкони эди бусистема мавжуд даврда дехкон ерининг феодаллар томонидан тортиб олиш имконияти йукотилди кейинроқ давлат таркибида, феодал чиновниклар ер эгаллиги қучайтирилган (бенефиций имунети) (боқув округлари пайдо бўлди). Асосий ер Силла Зодагонлар ва будда рухонийлари қулига ўтди. Бир неча марта таъқиқланишига қарамай бу жараён тезлашиб марказий ҳокимиятни заифлаштирди. Хизмат учун берилган ерлар амалда хусусий мулкка айлантирилган.

VIII- асрда давлат мулкчилиги қучли эди. Аср урталарида территория маъмурий жиҳатдан 9-та вилоятга бўлинган (3-силла.3-қоғурё. 3-та Пэкче территорияси) У уз навбатида округ ва уездларга бўлинган ва 5 наиметсчества (кичик пойтахт). Чиновниклар тайёрлаш мақсадида олий давлат мактаби ташкил этилган. Давлат имтиҳонидан ўтган киши мансабга ўтирар эди. Давлат пойтахтида 170 минг ховли мавжуд бўлган.Бойларнинг черепицали уйлари томи ҳам олтин билан безатилган.Хунармандчиликнинг давлат шакли қучайган Силла хунармандлари маҳсулотлари экспорт қилинган (Хитой Япония).

Маданият.

3 давлат даврида урта аср умумкорейс маданиятига асос солинган. Бу давр мафқурасида ибтидоий этикод ва тасаввурлар сакланиб қолган. Конфуцийлик ва буддизм қириб қелиши билан (расмий дин ва мафкура сифатида) Маданиятга хитой адабиёти ва ёзуви таъсир қилган. Дастлабки тарихий асарлар хитой тилида ёзилган. Шим корейда (кансо анака) сакланиб қолган макбаралар архитектура ва тасвирий санъат ривожидан далолат беради. Тасвирий санъатнинг фреска тури билан (буртма сурат .) Макбара девори ва потолокни безатган ё(руҳлар фантастик ҳайвон ва қушлар...) Кёнджу районидаги археологик ёдгорликлар силла давлати хунармандчилиги юксак бўлганлигидан далолат беради . "Олтин тоғ қуруни" (V-аср) соф олтиндан ишланган тоғ , узук, билағузук, сирга қуруллар ...

7-аср урталарида Кёнджуга астрономик расадхона қурилган. (Улугбек расадхонаси). Умумхалқ тили тили шаклланган 7-аср охирида олим Сольхон хитой иероглифлари асосида корейс тили фонетикаси ва грамматик тузилишига мос ёзув системасини яратган. Конфуцийлик буддизм асосидаги урта аср мафқураси бирлиги корейнинг тан суллоласи билан мустақкам маданий алоқада бўлишига ёрдам берган. Қуччилиги Чанъанда (Хитой) уқиб қелган Улар орасида будда роҳияби Хе Чхо (8-аср) ҳам бор эди. У хитойдан хиндистонга урта осийга саёҳат қилган ."Хиндистон подшоҳликлари ҳақида хикоялар " (Сакланган манба) Хитойда таълим олганлардан бири олим ва ёзувчи Чхве Чхуван (858-951) Поэзия ва хикоячилик жанрлари ривожланган .

Соккуран сунъий горидаги ажайиб будда ҳайкали .

Пульгукс ибодатхонаси .

Пандокс ибодатхонасидаги рельеф суратли бронза қунгироти .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М.,1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вѐсшая школа, 1988.
4. История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вѐсшая школа, 1991.
5. Ванин.Ю.В. Аграрнѐй строй феодальной Кореи. М., 1981.
6. История Кореи. М., 1974.

Мавзу: VI-XI асрларда араблар.

Режа:

- 1. Арабалар тарихидаги уч давр.**
- 2. Ислом дини пайдо бўлмасдан илгариги Арабистон.**
- 3. Ислом динининг пайдо бўлиши. Мухаммад ва унинг жамоаси.**
- 4. Дастлабки халифалар замонида арабларнинг истилолари.**
- 5. Нифоқнинг бошланиши.**
- 6. Уммавийлар халифалиги. Аббосийлар халифалиги.**
- 7. Халифаликнинг иқтисодий юксалиши.**
- 8. Араб феодализми. Халқ қўзғалонлари.**
- 9. Халифаликнинг парчаланиб кетиши.**
- 10. Араб маданияти.**

Араблар тарихи одатда уч даврга:

1. Макка-Мадина-Ислом дини пайдо бўлмасдан илгариги Арабистон ва Ислом динининг пайдо бўлиш даврига (VI-VII асрлар):

2. Дамашқ (Сурия) даврига -Уммавийлар сулоласининг идора қилиш даврига (661-750).

3. Боғдод (Эрон-Месопатамия) даврига-Аббосийлар сулоласининг идора қилиш даври халифаликларнинг турклар томонидан босиб олиниши билан тугади.

Араб халифалигининг турли сиёсий марказлари билан боғлиқ бўлган бу учта хронологик даврга араб феодализмининг ривожланиши ҳам асосан мувофиқ келади. 1-даврда араб жамиятида феодализм шу процесси энди бошланаётганлиги намоён бўлди. иккинчи ва хусусан, учинчи даврда Европа феодализмидан Жиддий фарқ қилувчи бир қанча томонлари бўлган араб феодализмининг характерли хусусиятлари таркиб топди.

Ислом дини пайдо бўлмасдан илгариги Арабистон.

Территория жиҳатидан Европанинг тўртдан бир қисмига тенг келадиган жуда катта ярим орол бўлмиш Арабистон Ярим оролининг кўп қисми сувсиз чўл ва саҳролардан иборатдир, аммо деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ери озгинадир. Шунинг учун Арабистон аҳолисининг озчилик қисмигина ўтроқ ҳаёт кечирар ва деҳқончилик билан шуғулланар эди. арабларнинг кўпчилиги эса кўчманчи-бадавийлардан иборат бўлиб, қўй эчки ва бия боқар эдилар Арабистоннинг деҳқончилик учун энг қулай бўлган ўлкаси Жанубий-ғарбий област-Яман ёки «Бахтли Арабистон» бўлиб, бу ерда қадим замонлардаёқ мутассил равишда бирининг ўрнини иккинчиси олиб келган, бир неча йирик қулдорлик давлати бор эди. Хижознинг эса фақат айрим воҳалардагина деҳқончилик қилиш мумкин эди. Ярим оролнинг энг катта қисми-Нажид-суғориладиган ерлари жуда кам бўлган ғоят катта ясси тоғлиедан иборат бир жой бўлиб, фақат чорвачилик учунгина яраб эди.

VI асрнинг охири -VII асрнинг бошларида араблар каттик иқтисодий ва социал кризисга учради. Ярим оролнинг аҳолиси кўпайиб ер етишмай қолди. Оддий араблар учун ҳам катта мадад бўлиб келган карвон савдоси ҳам тушкунликка учради. VI асрда Эронлар билан Ҳабашлар ўртасида бўлган ва узоқ-узоқ вақт давом этган урушлар натижасида Яман деярли бутунлай хароб ва вайрон бўлди. Шимолдан жанубга ва жанубдан шимолга товар олиб бориш жуда ҳам камайиб кетди.

Эронийлар Ҳиндистонга борадиган ўзлари учун фойдали бўлган бошқа бир йўлга, яъни Тигр (Дажла) ва Ефрат (Фрот) дарёлари бўйлаб Форс қўлтиғига борадиган йўлга ҳомийлик қиладилар.

Ислом динининг пайдо бўлиши. Мухаммад ва унинг жамоаси.

Араб халқ оммасининг ижтимоий норозилиги идеология тарзида, яъни дин-ислом дининг вужудга келишида ифодаланди.

Мухаммад (570-632) Курай кабиласига мансуб бўлган ва камбағаллашган хонадонлардан чиққан эди, бу қабила Маккада ҳукмрон қабила эди. Мухаммад дастлаб чўпон бўлиб, кейин бадавлат бир хотинга уйланиш орқасида савдогар бўлиб олган, лекин унинг судхўрликка илгаридан ёмон кўз билан қараб келиши унинг демократик элементлар билан яқинлашувига сабаб бўлди. Мухаммад дин тарғибчиси («Пайғамбар») сифатида 610 йилларидан майдонга чиқди судхўрликни қоралашдан ташқари у ҳар бир кишидан камбағалларга ёрдам беришни, ўз даромадининг ўндан бир қисмини камбағалларни боқиш учун ажратишни талаб қилди. Шу билан бирга уруғлар ўртасидаги ўзаро уруш-жанжалларни тўхтатишни ҳам талаб қилди, уруғларнинг бир-биридан қасос олишига, уруғ ва қабилаларнинг тор қон-қариндошлик доирасида бикиниб ётишига қарши чиқди. Араб жамиятининг бундан ривожланишига ғов бўлиб қолган уруғчилик тузумининг тор доирасига қарши олиб борилган бу кураш Мухаммаднинг кўп худоликдан қайтиб, битта худога-Оллоҳга сиғиниш керак, деган асосий диний талабида ифодаланди. Оллоҳ-Курайш кабиласидаги бош худонинг номи бўлиб, Мухаммад унга бутун олам худоси тусини берди. Мўмин мусулмонлар «Оллоҳнинг ҳақиқий пайғамбарига» (Мухаммад ўзини шундай деб эълон қилган эди) сўзсиз итоат қилишлари керак эди. Яхудий ва христиан дини (бу диндагилар ўша вақтда Макканинг ўзида ҳам кўп эди) янги динга таъсир этган бўлиб, бу таъсир Мухаммаднинг таълимотида жуда равшан акс этди. Ислом дини Мусо билан Исони Мухаммаддан олдинги пайғамбарлар деб таниди. Яхудийлар ва христианлар сингари мусулмонлар ҳам Қуддасни муқаддас шаҳар деб ҳисоблар эдилар. Доимо жума кунлари байрам қилишни яхудийлар ва христианлардаги шанба ва якшанба кунларига мувофиқ келар эди.

Мухаммад вужудга келтирган янги диннинг бешта асосий қондасида, яъни: 1) Битта худога-Оллоҳга ишониш. 2) Ҳар куни беш вақт намозни тарқ қилмаслик. 3) Йилда бир марта рамазон ойида рўза тутиш. 4) Закот (камбағалларга ушур) бериш ва 5) Хаж қилишдан иборат беш фарзида ҳеч қандай социал реформа йўқ эди. Мухаммад қулликни қонуний деб ҳисоблади, кўп хотин олишга фатво берди, савдога ва хусусий мулкчиликка ҳомийлик қилди. Шу билан бирга янги дин дастлабки вақтларда халқ оммасининг кайфияти билан ҳисоблашишга ҳар ҳолда мажбур бўлди. Закотнинг фарз қилиб қўйилиши ва судхўрликнинг бирмунча чекланиши бунинг ёрқин далилидир. Мухаммаднинг Ятрибга қочиши (арабчасига «хижрат») ислом тарихида бир эра бўлиб, мусулмонлар ўз йил ҳисобини мана шу эрадан бошлади. Шундан кейин Ятриб шаҳри Мадина-ун-Наби, яъни «пайғамбар шаҳри» деб атала бошлади. Мадинада Мухаммад Мўминлар -«Оллоҳ бандалари» нинг катта жамоасини тузди («ислом» деган сўз «банда» демасдир). Мадиналик даврида ҳам Мухаммад билан Макка ўртасида низоҳатда душманлик муносабати давом этди. Мадинага ҳамда иттифоқчи бадавий қабилаларга суяниб туриб, пайғамбар Мухаммад қурол кучи билан маккаликларни ўз ҳокимиятига бўйсундирди. Макка аристократияси ислом дини ва Мухаммаднинг эътиборини тан олди. Мухаммад ҳам Макканинг диний устунлигини, Каъбанинг ва ундаги қора тошнинг муқаддаслигини эътироф этиб, ҳар бир мусулмон Маккага хаж қилиши шарт, деб эълон қилишга мажбур бўлди. бу билан Мухаммаднинг янги диний кураши зодагонларнинг сиёсий таъсирини ҳам тан олди. Ҳақиқатда, арабларда турли араб қабилаларини битта қилиб бирлаштирган давлат дини теократик формада ташкил топа бошлади. Макка зодагонлари ва бадавий қабилаларнинг бошлиқлари бу янги давлатда ўзларининг ҳукмронлик мавқеини кенгроқ, умум Арабистон доирасида мустаҳкамлаб олиш имконига эга бўлди. Мухаммад вафот этгандан кейин, орадан кўп ўтмай, ислом байроғи остига бирлашган араб қабилалари Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиб, Византия, Эрон ерларини истило қила бошлади.

Дастлабки халифалар замонида арабларнинг истилолари.

Мухаммаднинг энг яқин ворислари-халифалар-араб ҳарбий жамоасининг сайлаб қайтадиган бошлиқлари бўлиб, улар диний, ҳарбий фуқаро ҳокимиятини ўз қўлларига олган эдилар. уларнинг қароргоҳи Мадина шаҳри эди.

Бу халифалар чиқиб келишлари жиҳатидан Мухаммаднинг ё қариндошлари ёки яқин дўстлари эди. 632-661 йиллар даврида бирин-кетин Абубакр, Умар, Усмон ва Али идора қилди. Булар ичида иккинчи халифанинг-Умарнинг (634-644) идора даври жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Худди шу Умар замонида араблар Сурияни, Фаластинни Мисрни Эронни босиб олдилар. Араблар бу даврда бир қанча ажойиб ғалабаларни қўлга киритди. Улар Сурияда (636й). Ёрмиқ дарёси бўйида Қуддус ёнида (638) византияликларни. Қадисия (637) ва Нехаван (642) ҳаҳарлари ёнида, қадимий Экбатанлар яқинида эронликларни тор-мор келтирди. Арабларнинг ғалаба қозонишига шу нарса катта ёрдам бердики, ўша вақтда ҳар иккала катта давлат Византия ҳам, Эрон ҳам бир-бири билан ўзоқ уруш қилиб, холдан кетган эди. бу иккала мамлакатнинг ҳам ўз ичида кескин социал зиддиятлар ҳукм сураб эди. Араблар эса ҳарбий ишда катта афзалликларга эга эди. уларнинг асосий оммаси эркин кишилардан иборат бўлиб, булар уруғчилик алоқаларини маълум даражада сақлаб қолганди, аммо шу билан бирга улар жуда катта умуараб сиёсий ташкилотларига бирлашган эди. Кўчманчи бадавий қабилалар биринчи даражали енгил суворийлар билан донг чиқарди, улар ўзларининг шиддатлиги билан душманининг пиёда аскарини даҳшатга солар ва унинг бесўнақай отлик қисмлари зўр муваффақият билан бостириб келар эди. Араблар бирлаштирувчи мафкураларини байроқ қилиб чиқардилар. Ер ва бошқа хил ўлжалар учун олиб борилаётган урушга «Оллоҳ йўлида» муқаддас уруш туси берар, бунга араблар жуда кизикарди.

Араблар истило қилган мамлакатларида маҳаллий аҳолига аралашмай, алоҳида ҳарбий колонияларга бўлиниб яшади. Уларнинг ҳаётида ҳарбий-патриархал соддалик бирмунча вақтгача сақланиб қолди.

Месопатамиядаги Куфа, Басра ва бошқалар, шунингдек, мисрдаги Фустат (кейинчалик Коҳира) араблар томонидан бунёд этилган ҳарбий поселенияларнинг энг йирикларидан эди.

Бироқ араблар томонидан босиб олинган мамлакатларнинг иқтисодий ва социал жиҳатидан энг тараққий топган қисмида яшаган араб зодагонлари орадан кўп кўп вақт ўтмай маҳаллий аристократия таъсирига берилиб кетди. Бу таъсир савдо ривож топган бой мамлакат бўлмиш Сурияда айниқса кучли бўлди. Арабларнинг ҳарбий бошлиқлари бу ерда яшаб туриб, Суриядаги юқори синфнинг зеб-зийнатли ҳаётини тез ўзлаштириб олди. Суриядаги

энг катта ер эгаларидан ва кулдорлардан ўрнак олиб, уларнинг ўзи ҳам ерларни батамом хусусий мулк қилиб тортиб ола бошлади, куллар асрай бошлади, боғ-роғлар ва поместьелар барпо қила, саройлар кура бошлади. Бундай араблар учун «мадина қарилари» нинг оддий патриархал ҳаёти мароксиз ва эскириб қолгандай кўринар эди.

Мухаммаднинг ворисларидан учинчиси-халифа Усмон (644-656) куч-ғувват кетиб, букчайиб қолган иродасиз бир чол эди. У Макка зодагонларнинг одами бўлиб, шу билан бир вақтда уни Сурия араблари ҳам қаллаб-қувватлар эди. Сурия ноиб амир Муовия Усмоннинг яқин қариндоши эди. Мадинада эътибори тушиб кетган Усмон фитначилар томонидан ўлдирилди. Унинг ўрнини Али эгаллади. Али Мухаммаднинг куёви бўлиб, унинг қизи-Фотимага уйланган эди. Муовия ва уни қуршаб турган сурия-раб зодагонлари бу янги халифага қарши бош кўтарди. 661 йилда Али бир хорижит томонидан ўлдирилгандан кейин, Муовия ўзини халифа деб эълон қилди, лекин у Маккага ҳам, Мадинага ҳам бормай, Дамашқда қолди. Ана шу тарзда халифалик тарихининг янги даври бошланди.

Дамашқ халифалиги 90 йилча (661-750)давом этди. Шу вақт ичида халифалик ўз ерларини ниҳоят даражада кенгайтди. VIII асрнинг бошларида Шимолий Африканинг бутун қирғоқи босиб олинди. 711-714 йилларда араблар Пирения ярим оролини истило қилдилар. Муовияни ўзи Константиноплга икки марта, 669 ва 680 йилларда юриш қилди. 717-718 йилларда араблар учинчи марта Константинопль остонасига келиб, уни бутун бир йил қамал қилиб турди. Шарқда эса араб лашкарбошилари Ўрта Осиёнинг ичкарасигача кириб бориб, Хивани, Бухорони ишғол қилди, Афғонистонни ва Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмини то Ҳинд дарёсига қадар бўлган ерларни истило қилди. Арманистон билан Грузия ҳам уммавийлар халифалиги таркибига кирар эди. Халифаликнинг чегаралари ғарбда Атлантика океанигача, шарқда Хитой билан Ҳиндистон чегараларигача бориб етди ва шундай қилиб, қадимги буюк монархияларнинг-Александр Македонский монархияси ёки Август ва Траян замонларидаги Рим империяси монархиясининг территориясидан ҳам ошиб кетди.

Умавийлар замонида идора қилиш аппарати анча мураккаблашди. Алоҳида ер ва жон солиғи оладиган жуда кенг тармоқли, молия амалдорлари аппарати ташкил қилинди. Шу нарса характерлики, энди фақат «кофирлар» эмас, балки мусулмонлар ҳам солиқ тўлайдиган бўлди. Уч хил солиқ асосий солиқ ҳисобланар эди; 1) зараж-ер солиғи; 2) жузья-жон боши солиғи 3) закот- мажбурий тўланадиган ушур, бу солиқ ҳам халқ учун айниқса оғир солиқлар эди-хараж билан жузья.

Суд ва бошқа маъмурий ишлар араб тилида олиб бориладиган бўлди. Араб қонунлари кодекси вужудга келтирилди.

Хукмрон синфларининг манфаатлари нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам уммавийларнинг социал базаси анча мукамал эмас эди. Асосан Сурия-Араб зодагонлари билан боғланган уммавийларнинг манфаатлари шарқий вилоятларга ёт эди. Месопатамия араблари Дамашқга доим қарши қайфиятда бўлиб келди. 747 йилда шарқий Эрон ва Хуросон деҳқонлари ҳаракатига Абу-Муслим бошчилик қилди, у ерли жамоачи деҳқонларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида уммавийларга қарши қўзғалон кўтарди. Қўзғалон кенг тус олди ва каттагина исёсий оқибатларга олиб келди. Эрон Месопатамия феодаллари бирлашиб туриб, 750 йилда уммавийларни ағдарди, бундан улар Аб-Муслим бошлиқ халқ деҳқон ҳаракатларидан фойдаланадилар. Халифалик тахтини Абул-Аббос Конхур эгаллади, у Мухаммаднинг ўзига Месопатамиядаги ҳарбий-араб оиласига мансуб бўлган бу халифа Мухаммадга қариндошман деб даъво қилди. Бу шахзодалардан Абдурахмон исмли биттасигина ўлимдан қутилиб қолди. У узоқ Испанияга қочиб бориб, у ерда орадан кўп ўтмай ўзини мутақил амир деб эълон қилди (756).

Абу-Муслимни ҳам Аббос қўлга тушириб, турмага ташлади, бир неча йилдан кейин у ҳалок бўлди.

Аббос янги династияга-Аббосийлар династиясига асос солди, бу династия 750-йилдан 1055 йилгача идора қилди. Халифаликнинг пойтахти Аббосдан кейинги халифа Мансур даврида-762 йилда қурилган Боғдод шаҳри бўлди. Шундай қилиб, араблар сиёсий ҳаётининг маркази Суриядан Месопатамияга кўчирилди.

Аббосийлар замонида араб давлати жуда ҳам таракқий топибди. Боғдод халифалиги VIII-IX асрларда айниқса кучли эди. Бу вақтда-Боғдодни барпо этган Мансур (754-775), Карл Буюкка замондош бўлиб, у билан дўстона дипломатик алоқа қилган Харунал Рашид (786-809), араб илм-фанига зўр бериб ҳомийлик қилган Ал-Маъмун (813-833) каби қудратли халифалар идора қилди. Аббосийларнинг «олтин даври» Мутаидид замонида (892-902) тугади. Халифалик ана шу вақтдан бошлаб тушқунликка юз тутди. Аббосийларнинг пойтахти-Боғдод жуда катта бир шаҳар бўлиб, унда халифаги ва унинг яқин одамларига қарашли жуда кўп сарой ва боғлар бор эди. Шаҳар доира шаклида бўлиб, унинг атрофи икки қатор девор билан ўралган эди. Бу шаҳар зодагонлар шаҳри, халифанинг қароргоҳи ва унинг маъмурий пойтахти бўлиши билан бирга жуда катта бир хунармандчилик, айниқса савдо маркази ҳам эди. Боғдод бозорларига узоқ-узоқ мамлакатлардан савдогарлар келар эди-бу ерда византияликлар, хитойлар, ҳиндлар, малаяликлар, Шимолий, /арбий ва ҳатто Марказий Африкада яшовчи кишиларни ҳам учратиш мумкин эди.

Аббосийлар даврида Олд ва Ўрта Осиёнинг, шунингдек, Шимолий Африканинг жуда кенг территориясида маълум вақтгача тинчлик ва ҳавфсизлик қарор топиши натижасида халифалик иқтисодий жиҳатдан ғоят таракқий топди. Марказий ҳукумат. Ирригация системасига муттасил эътибор бериши натижасида, бу даврда деҳқончилик соҳасида катта ютуқларга эришилади. Шоли, пахта ва фафрон кенг тарқалган кишлок хўжалик экинлари эди. бу ерда юнг, ипак ва ип газламалар ҳам катта шуҳарт қозонди. Шиша ва ойнадан ясалган буюмлар, заргарлик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариладди. IX-X асрларда халифаликнинг иқтисодиётида кенг қўлам олган ички савдо ва айниқса ташки халқаро савдо жуда катта ўрин тутарди. Араб савдогарлари йироқ шимолгача-юқори Волгагача ва ҳатто Балтика денгизи қирғоқларигача бориб савдо қилавердилар.

Боғдод халифалиги даврида арабларда феодал муносабатлар узил-кесил қарор топди. Халифаликка қарашли мамлакатларда эксплуатация қилинувчи асосий синф жамоачи деҳқонлар эди. Бироқ араблардаги феодализмнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Жамоачи деҳқонларнинг кўпчилиги халифанинг ерларида яшаб, феодал рентани бевосита давлатнинг ўзига тўлар эди. Араб қонунларига мувофиқ бутун ер халифага қарашли бўлиб, халифа бу ернинг бирор қисмини ўз хизматкорларига вақтинчагина берар эди. шу туфайли халифаликда катта ер эгаллигининг наслдан-

наслга ўтиши ўрта аср Европасидаги каби қатъий эмас эди. Бирор аён ўлгандан кейин, унинг мол-мулки одатда халифа ҳазинасига ўтар эди.

Шунга қарамасдан, Боғдод халифалиги замонида феодал мулкчилиги сезиларли даражада ривожланиб борди. иккита-ҳарбий хизмат ўтаганлиги учун бериладиган чекер бўлиб, /арбий Европа бенефицияларига ўхшаб кетди, мулк-инъом қилинган ва аста-секин наслдан-наслага мерос бўлиб қоладиган ер-мулклари, ҳисса ва бошқа имтиёзи ерлар газнага солиқ тўлашдан озод қилинган бўлиб, булар ўсиб келаётган феодал ҳусусий ер эгалигининг формалари эди. Ерларнинг маълум қисми вакиф ерлар-мачитларга берилар эди. Халифанинг давлат феодал мулкчилигини қисқартириш ҳисобидан йирик ва ўрта даражадаги ҳусусий ер эгалигининг ўсиши араб феодаллизи ривожланишининг характерли ҳодисаларидан бири бўлиб, бу ҳол халифаликка қарашли жуда катта территорияни ташкил этган турли хил мамлакат ва ўлкалардаги ерли феодалларнинг ажралиб чиқиши ва сепаратистик қайфиятларнинг табора авж олишида анча катта роль ўйнади.

Араблар ҳукмронлигининг илк даврида анча енгил торган халифалик меҳнаткаш аҳолисининг аҳволи кейинчалик оғирлаша бошлади. Деҳқонлар қисман натура шаклида (маҳсулот билан) ва қисман пул шаклида катта-катта соқилинишига жавобан феодалларга ва уларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи халифага қарши бир неча марта қўзғалон кўтарилди.

Боғдод халифалиги давридаги халқ қўзғалонлари кишини ҳайратда қолдирадиган даражада катта -ўзғалонлар бўлиб, баъзан бутун-бутун округларни ва ҳатто вилоятларни ўз ичига оларди. Бу қўзғалонлар одатдан ташқари узок давом этарди ва жуда ҳам қаттиқ бўларди. Чунончи, Мансур халифа ўлгандан кейин, орадан кўп вақт ўтмай, Ўрта Осиё деҳқонларининг катта қўзғалони кўтарилди. У 776 йилда бошланиб, 783 йилда тамом бўлди. бу қўзғалонга Марв шаҳри атрофидан чиққан Муқанна лақабли Хошим ибн Хақим деган бир қирчи бошчилик қилди. IX асрнинг бошида Озарбайжонда ҳам деҳқонларнинг иккинчи бир катта қўзғалони кўтарилди, у кейин Эронга ва Закавказьенинг бошқа жойларига ҳам тарқалди. Бу қўзғалонга Бабек деган бир киши бош бўлиб, у ҳам эркин жамоа тартибларининг тикланишини талаб қилди. Бу қўзғалон 20 йилдан ортиқроқ давом этди (815-837).

Кенг кўлам олган халқ ҳаракатлари халифаликни ларзага келтириб, кўп вақтгача унинг бирлигини бузиб қўйди. Бироқ халифаликнинг парчаланишига бошқа сабаблар ҳам бор эди. Халифалик турли мамлакатларни ўз ичига олган бўлиб, турли-туман халқларнинг муоаккаб бир конгломератидан иборат эдики, булардан бўъзилари ўтмишда ўзининг ёркин тарихига эга эди. Шунинг учун ҳам бу халқ ўз мустақиллигини тиклашга интилар эдилар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида маҳаллий алоқалар мустаҳкамланиб борган сари бу интилиш кучайиб боради. Шу билан бирга халифалик ҳокимияти тобора заифлашиб бормоқда эди. феодаллашув процесси Шарқда ўзига хос ҳусусиятларига эга бўлишига қарамасдан, феодализм тараққиётининг илк даврида /арбда қандай натижаларга олиб келган бўлса, бу ерда ҳам худди шундай натижаларга олиб келади. маҳаллий ердор зодагонлар марказий ҳукумат зарарига кучайиб борди ва ажралишга интилди. Амирлар, яъни вилоятларнинг губернаторлари маҳаллий феодал-ер эгаларига суяекниб туриб, ўзларининг маҳаллий династияларини вужудга келтира бошладилар. Халифалик амалдорлари томонидан марказлаштрилган ер рентаси солиғининг тўпланишига қарши кўтарилган деҳқон қўзғалонларидан маҳаллий зодагонлар ўзларининг сепаратистик мақсадларини амалга ошириш учун ликлар тўларди, бу эса майда ишлаб чиқарувчи-деҳқон ёки ҳунармандларнинг деярли ҳамма қўшимча маҳсулотини ямлаб кетар эдида, натижада уларнинг ўзлари жуда ҳам ачинарли ҳолда кун кечирар эдилар. амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва жабр зулми, деҳқонларнинг ҳуқуқсизлиги ва ҳимоясизлиги, уларни ҳақиқатда ярим қул ҳолига солиб қўйган эди. Халифаликда кулларнинг аҳволи эса ниҳоят даражада оғир эди. уларнинг ҳаддан ташқари, ваҳшиёна суратда эксплуатация қилардилар. Меҳнаткашлар оммасининг деҳқонлар, шаҳар камбағаллари ва кулларнинг қаттиқ эксплуатация қилинишига жавобан феодалларга ва уларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи халифага қарши бир неча марта қўзғалон кўтарилди.

Боғдод халифалиги давридаги халқ қўзғалонлари кишини ҳайратда қолдирадиган даражада катта -ўзғалонлар бўлиб, баъзан бутун-бутун округларни ва ҳатто вилоятларни ўз ичига оларди. Бу қўзғалонлар одатдан ташқари узок давом этарди ва жуда ҳам қаттиқ бўларди. Чунончи, Мансур халифа ўлгандан кейин, орадан кўп вақт ўтмай, Ўрта Осиё деҳқонларининг катта қўзғалони кўтарилди. У 776 йилда бошланиб, 783 йилда тамом бўлди. бу қўзғалонга Марв шаҳри атрофидан чиққан Муқанна лақабли Хошим ибн Хақим деган бир қирчи бошчилик қилди. IX асрнинг бошида Озарбайжонда ҳам деҳқонларнинг иккинчи бир катта қўзғалони кўтарилди, у кейин Эронга ва Закавказьенинг бошқа жойларига ҳам тарқалди. Бу қўзғалонга Бабек деган бир киши бош бўлиб, у ҳам эркин жамоа тартибларининг тикланишини талаб қилди. Бу қўзғалон 20 йилдан ортиқроқ давом этди (815-837).

Кенг кўлам олган халқ ҳаракатлари халифаликни ларзага келтириб, кўп вақтгача унинг бирлигини бузиб қўйди. Бироқ халифаликнинг парчаланишига бошқа сабаблар ҳам бор эди. Халифалик турли мамлакатларни ўз ичига олган бўлиб, турли-туман халқларнинг муоаккаб бир конгломератидан иборат эдики, булардан бўъзилари ўтмишда ўзининг ёркин тарихига эга эди. Шунинг учун ҳам бу халқ ўз мустақиллигини тиклашга интилар эдилар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида маҳаллий алоқалар мустаҳкамланиб борган сари бу интилиш кучайиб боради. Шу билан бирга халифалик ҳокимияти тобора заифлашиб бормоқда эди. феодаллашув процесси Шарқда ўзига хос ҳусусиятларига эга бўлишига қарамасдан, феодализм тараққиётининг илк даврида /арбда қандай натижаларга олиб келган бўлса, бу ерда ҳам худди шундай натижаларга олиб келади. маҳаллий ердор зодагонлар марказий ҳукумат зарарига кучайиб борди ва ажралишга интилди. Амирлар, яъни вилоятларнинг губернаторлари маҳаллий феодал-ер эгаларига суяекниб туриб, ўзларининг маҳаллий династияларини вужудга келтира бошладилар. Халифалик амалдорлари томонидан марказлаштрилган ер рентаси солиғининг тўпланишига қарши кўтарилган деҳқон қўзғалонларидан маҳаллий зодагонлар ўзларининг сепаратистик мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланар эдилар.

1055 йилда Боғдодни салжукий-турклар босиб олди. Туркларнинг бошлиғи Туғрулбек султон деб эълон қилинди. Шундан кейин халифалар қўлида фақат диний ҳокимиятгина қолди. Мана шундай ўзига хос «Шарқ папалари» сифатида халифалар Боғдодда узоқ вақтгача, мўғуллар истилосига, яъни 1258 йилгача яшаб келди.

Ҳалифаликнинг араб маданияти тўғриси, араб тилидаги маданият ўз замоанаси учун жуда юксак маданият бўлиб, /арбий Европа ўрта асрлар жамиятига катта таъсир кўрсатган эди. Араб тилида олиб борилгани ва вужудга келтирилишида араблар катта роль ўйнаганлиги сабабли араб маданияти деб аталган бу маданиятнинг анча қисми халифалик таркибидаги кўп халқларники эди. Араб тараққиётининг турли соҳаларида Греция-Сурия (Византия), Эрон(Форс), Закавказье (Озарбайжон), Ўрта Осиё (Хоразм, Тожикистон), Ҳиндистоннинг таъсири бор эди.

Шу нарса диққатлики, византияликлар сингари, араблар ҳам антик анаъналарни давом эттирдилар, грек классикларининг асарларини қунт билан ўргандилар ва араб тилига таржима қилдилар. Аристотель, Гиппократ, Птоломей Евклид асарларини араб олимлари яхши билар эдилар. Европаликлар Аристотелнинг асарлари билан дастлаб арабчадан латин тилига таржима қилинган нусхалар орқали танишдилар.

Араб маданиятининг ўзига хос хусусияти шу эдики, унда аниқ фанлар жуда тараққий топган эди. Араблар медицина соҳасида катта муваффақиятларга эришган эдилар, улар тирик организмни тилиш йўли билан текшириб, одам танасининг анатомиясини жуда яхши билиб олдилар. Араб медицина дарсликлари /арбий Европада бутун ўрта аср давомида ўқилди.

Математика соҳасида араблар геометрия ва тригонометрияни ривожлантирдилар. Улар алгебрани ривожлантириш борасида кўп ишлар қилдилар ва ҳинд рақам системасини мукамаллаштириб, унга «0» (ноль) аломатини қўшдиларки, бунинг натижасида рақамлар билан ҳар қандай сонни ҳам ифодалашга имкон туғилди.

Араблар жуда яхши сайёҳ эдилар. Араблар нафис адабиёт соҳасида машҳур асарлар яратдилар ва яна бошқалар.

Араб санъатида асосий ўринни архитектура эгаллайди. Араблар манументал бинолар, мачитлар, саройлар, макбаралар, маммомлар ва бошқа жамоат бинолари қурганлар. Араб архитетурасининг энг қадимги ёдгорликларидан бири Қуддусдаги Умар мачит деб аталган мачит бўлиб, у Умавийлар даврида 688 йилда қурилган. Хаддан ташқари сипо, ўзининг ниҳоятда нозик санъаткорона ишланганлиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган жуда зийнатли нақш солиш-араб рассомчилигининг характерли хусусиятидир. қўл ёзмалар, китоб муқавалари, заставкалар, концовкалар ва шу кабилар мана шу хилдаги расмлар билан безатилар эди. Турмуш ҳаётдан олинган хилма-хил темадаги ажойиб миниатюралар ҳам қўл ёзмаларга безак бўлиб ҳизмат қилар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М.,1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. Большаков.О.Г. История Халифата. М., 1989.
5. Нирия.Л.В. Обхественнўй строй Северной и Центральной Аравии в V-VII веках. М., 1981.
6. Пиотровский.М.Б. Южная Аравия. М., 1985.
7. История Арабского халифата. М., Политиздат.1967.
8. Мец.А. Мусульманский ренессанс. М, 1973.

Таянч иборалар

1. Уммавийлар
2. Аббосийлар
3. Курдоба амирлиги
4. Кузголонлар

Мавзуга доир саволлар

1. Арабларни истилолари сабаблари?
2. Араб халифалигини парчаланиш сабаблари?
3. Араб халифалигидаги кузголонлар ва уларнинг окибатлари?

Мавзу: Илк ўрта асрларда Эрон.

Режа:

1. Сосонийлар ҳукмдорлиги ва унинг ижтимоий структураси.
2. Давлат ташкилоти.
3. Зардўштийлик давлат дини. Монийлик ва унинг ижтимоий мохияти.
4. III-IV асрларда Сосонийлар ташқи сиёсати.
5. V –аср охрида сиёсий вазият. Маздакийлар ҳаракати.
6. Хусрав I ислохотлари. Хусрав I нинг ташқи сиёсати.

7. VI аср охир VII аср бошларида Сосонийлар давлатининг тушқунликка юз тутиши. Эроннинг араблар томонидан истило этилиши.

Сосонийлар ҳукмдорлиги ва унинг ижтимоий структураси.

III асрда (226йили) парчалаган Парфия империяси урнини Сосонийлар давлати эгаллади. Унинг таркибига эроннинг бепоён ҳудудлари, Месопоталия, Хиндистон, шарқий ясси тоғ районлари кирарди. Гарбий ҳудудлар анча юқоринок. Маданий даражага эришди. Аҳоли таркибига ҳам анча курок эди. Аввалги жамоа бу пайтда алоҳида мулк булган ҳудудлар сони 240 эди. Факат парса кариндош кабилалар бир элат булиб бирлашган эди.

Сосонийлар империясининг асосий аҳолиси сунъий сугоришга асосланган дехкончилик билан машгул эди. Тоғли районларда кучманчи чорвадорлар яшарди. шаҳарларнинг асосий кисми мамлакатнинг гарбий кисмида чойлашган эди. Уларнинг энг каттаси пойтахт Ктесифон эди. Сосоний шаҳарларини уз хунармандчилик махсулотлари билан дунёга ном таратганлар. (ажойиб газлама курулар). Эрон буйук ипак йули утган.

Куллар стовга килинган гаровга берилган стилган-унинг уртача нархи-500 драхм. чинийи ишлар учун озод кишини чулликга берилган. Эркинликга чиқаришнинг мураккаб мавжуд эди. Куллар маълум шартлар асосида мулкга эга булишлари, шартномалар тузишлари мавжуд булган. "кисман озодликга чиқиш" системаси мавжуд булиб, унга асосан кул узи ишлаб чиқарган махсулотни маълум кисмини олган. Кулларнинг бир кисми жамоага тегишли эди.

Кул меҳнатидан асосан ирригация ва зироат ишларидан фойдаланилган. кишлок хужалигида улардан фойдаланиш аста-секин камайиб борган. (зироятда интенсив усуллардан фойдаланиш керак эди).юкори табака эксплуатациянинг янги шакллари кидира бошлаган.

Манбаларда мулкнинг дасткард деган шакли куп тилга олинган. Унда кул ерга бириктирилган, кул ерсиз сотилмасди.

Дарскадлар йирик уртача мулкдорлар ва жамоаларга тегишли булган. Энг йирик ер эгалари-шаҳаншоҳ, аристократия, рухонийлар. Юкори табака "кисман озодликга чиқариш" системасини куллай бошлаган. И/чиқарувчила учун уэнг огир, азоб укубатли озодлик йуналиш эди. Жамоаларда картина энгилрок булиб, эркин жамоа аъзоси интенсив йулга тезрок ута бошлаган.

Меҳнат умумдорлиги ошуви билан, давлат апаратиға суянганюкори хукмрон табака дехконлар соликлари ва мажбуриятларини ошира бошлаган. Эркин жамоаъ аъзолари ҳам астасекин мажбурият утовчи табакага айлантирилган.

III-V асрда Эрон аристократияси аста-секин уз жамоалари Билан алокаларини уза бошлаган. Бу вазифани амалга ошириш анча мушкул эди.Бувакта кадар узок вақт мобайнида жамоа азолари традицион патриалхал мажбуриятларнигини утаганлар. (харбий жамоа манфаатлари учун иш...).

V асрнинг 2-ярмига келибгина юкори табака хар томонлама соликлар системасини ишга солди: хараг (эрон дехконлари этиштриладиган махсулотдан солиг) ва гезит (жон бошига солинадиган солик улпон). Улар билан бир вақтда эски соликлар ва мажбуриятлар сакланиб колаверган. соликлар асосан натура ҳолатида олинган.

Жамоани эзиш кучая борганига карамай, Эрон дехкони шахсан озод деб ҳисобланаверган. Кишлокда куп оила урук хали муҳим рул уйнарди. Лекин кишлокнинг энг характерли белгиси энди кушни жамоа булиб, куп оилави жамоа парчалануви давом этаверган Шу жарён билан боглик равишда Катхудо атамасининг мазмуни узгарган.Удастлаб купоила жамоа бошлигини, кейинрок оксоколни (староста) англатган, оксокол маъмурий ва молиявий функцияларни бажариб, сунъий сугориш системаси ва яъне ерлар очишга жавобгар эди. Оксокол аста-секин жамоа кулларига эгалик ҳукукини ҳам кулга олган. Эроннинг баъзи колокрок районларида катта амалий жамоа VII асрдан кейин ҳам яшайверган.

IV-V асрларда жамоа азолари орасида мулкый табакаланиш жараёни анча чуқурлашган, лекин у тугуман ва ҳукукий жихатдан расмийлаштирмаган. Озод зузи жамоанинг эркин аъзосига нисбатан кулланган. Энди купрок узига тук, мустикал урушга от миниб кира оладиган кишининг англата бошлаган. V асрга келиб бу атама Катхудо ва дехконга нисбаган ҳам кулланган. Дехкон тула ҳукукли ер эгаси, озод эркин жангчи. Дехконлар ерда оила аъзолари ва куллар билан ишлаганлар. Эрон жамоачилига нисбатан Эронлик булмаганлар огиррок ҳолатда яшаганлар, аёвсиз эксплуатацияга дучор булганлар.

Аҳолининг унча куп булмаган кисмини хунармандлар ташкил этган. Уларда меҳнат таксимоти анча такомиллашган. Манбаларда хунармандлар ташкилоти хақида куп маълумотлар мавжуд.

Шуни кайд этиш лозимки сосонийлар давлатида хунармандлар хазар килинадиган даражада турганлар, Бу соҳа жамиятнинг эркин аъзоси учун номуносиб ҳисобланган. Хунарманд чиликнинг барча махсулоти давлат ихтиёрига утарди. Сосонийлар давлати шаҳарлардаги барча хунармандлар ва савдогарларнинг асосий кисми эронлик булганлар эди, IV-V асрларда жамоанинг хонавайрон булиши оқибатида улар таркибида эронликлар купайган.

Подшоҳликнинг барча эркин аҳолиси дастлаб 3, кейинрок 4, табакага булинган. Дастлабки 3 табака хукмрон синф: жангчилар, рухонийлар, котиблар (чиновниклар) 4 мажбурият утовчи табакага Дехконлар, хунармандлар, савдогарлар кирган. Куйи табакадан юкорисига утиш амалда мумкин эмасди.

III-V асрларда мамлакатдаги иктисоди ва сиёсий хукмронлик эски аристократия-аёнлар кулида эди. мамлакат иктисодиёти асосини йирик ер эгалиги ва босиб олинган ерларни талаш ташкил этарди.

Давлат ташкилоти.

III аср бошларида машхур сосонийлар уруги вакили Ардашер бутун форс, марказий эрон, форс гарбидаги Хузистонни уз хукмронлиги остига олди. 226 йили удавлат бошлиги деб эълон килинди. Сосонийлар сулоласига асос солган Ардашер 241 йилга кадар хукмронлик килган. Дастлабки сосонийлар эски Парфия зодагонлари билан узок кураш олиб борганлар. Ардашерлар янги маъмурий булинишга асос солган, оқибатда уруг ва жамоалар гегалалари

бузилиб кетган. Зодагонларнинг уз жамоалари Билан алокалари узиб ташланган. Уз жамоаси билан алокаси заифроқ булган аристократия Ардашерни куллаб, Сосонийлар галабксига кумаклашган.

Давлат-бошлиги шаханшоҳ. Меросийликнинг катий тартиби булмаган, Лекин хукмдор албатта Сосонийлар уругидан булиши шарт эди. Ухаёт чогидаёқ унга маъкул шахзодани тайинлашни ҳаракат қиларди. Купинча сайлов турли гуруҳлар уртасида низо тугдирарди.

Маъмурий аппарат бошлиги -вазург-фрамадор (буюк бошқарувчилар). Унинг мажбуриятлари доираси хали аниқ белгиланмаган эди, чунки кенг тармоқли бошқарув тизими вужудга келмаган эди.

Марказий ҳукуматнинг купрок диққат эътибори молия, армия ва ирригацияга қаратилган. Молия бошқармаси солиқ йиғиш ва жамоалар Билан машгул булган.

Вилоятларни бошқарув Сосонийларган буйсинган маҳаллий хукмдорлар томонидан амалга оширилган. Улар маълум даражадаги мустиқликни сақлаб қолган эдилар. Давлатнинг асосий ҳудудий булса шаханшоҳ томонидан қуйилган, вакиллар томонидан тасарруф этилган. Ута муҳим айниса марказий осие билан чегерадош вилоятларда губернатор шаханшоҳ уругидан буларди.

IV асрга қадар Сосонийлар армияси фақат халқ лашқарлари ва итифокдош қабилалар ёрдамчи отрядлардан иборат эди, уларнинг асосий қисми отлик чавандозлар. Пиёдалардан қушимча қисм сифатида фойдаланилган. ҳарбий аристократия вакиллари қушимча бошчилик қилганла ва алоҳида ута муҳим рицарлар отрядларини ташкил этганлар (рицарлар ууларнинг узи).

Зардуштийлик давлат дини.

Сосонийлар империясини мустиқлашда давлат дини зардуштийлик узиға хос урин тутган. Фақат ссосонийлар даврига қелибгина зардуштийлик дин сифатида тула шаклланиб булди. Сосонийлар даври зардуштийлиги асосида дуалистик гоё қоронгулик ва юруглик қучлари уртасидаға қураш масаласи етади. (PS будаврда афсонавий пайгамбар Заратушранинг "Авестода" ёзилган фикрлари доирасидан анча четга чиқиб кетган эди). Мураккаб ва деталлашган равишда ишлаб чиққан ҳудудлар. (Ахуримазда, Ахриман. Анахез, Зрвана) ва табиат қучларига (Қуёш олов юлдузлар) сизиниш жуда қу сонли рухонийлар- Ҳарбад ва Мобадлар томонидан амалга оширилган.

Учмас олов ёқиб турган юзлаб ибодатхоналарда ибодат қилганлар, қушиқ айтилган, Муқаддас юзувлардаги матнлар уқилган.

Зардуштийлик ибодатхоналари, ҳарбод ва мобадлар асосан қулар томонидан ишланадиган қатта ер мулкларга эға эдилар. Уларга қатта иномлр қелган, бундан ташқари аҳолидан бажарилган маросим учун ҳақ олинган. Дин қоидаларини бажармаслик қупдан-қуп жаримаға сабаб булади.

Зардушти рухонийларнинг юқори қатлами сиёсий ҳаётда муҳим рол уйнаган. улар қулида таълим системаси ва суд булиб, халқнинг бутун ҳаётий қатий назорат остида эди. шу сабабли ҳам уша даврдаги ижтимоий норизолик даҳрийлик либоси остида буларди. улар орасида энг муҳимлари - Монийлик ва маздаҳизм.

Монийлик ва унинг ижтимоий моҳияти.

Бу таълимот асосчиси Лоний 215 йили бобулда туғилган ва уз тарғиботини 242 йили Қтесифонда бршлаган. Монийликнинг асоси гоёси зардуштиликдаги қаби далистик гоё булиб икки иптидо - ёруглик ва қоронгулик, яхшилик ва ёмонлик мавжудлигини тан оларди. Зардушти рухонийлари сосонийлар империясидаги тартиб-қоидаларни ёруглик ташкил этиш тимсоли сифатида тарғиб қилардилар. Моний таълимоти буйича дунёвий ҳаёт ва унда яшовчи кишилар ювзлик тимсолидир, ювузликдан ҳолос булишнинг асосий

йули инсон руҳининг барча моддий, дунёвийликдан озод қилишдир. Ёругликни озод этишнинг қоронгуликнинг бартараф этишнинг яғона йули бу дунёё ҳалокатидир. Инсон уз ҳаёти, юриш туриши билан атрофдаги оламда мавжуд ёруглик заррачаларини озод қилмоғи лозим. Шундай ҳаёт билан у ёругликга қарши қурашади. Шу сабабли инсон қушт емаслиги қерак, ахлоқан пок ҳаёт қечириши лозим, "танланганлар булса никоҳға қирмаслиги", қушт емаслиги, усимликларни узмаслиги дарқор. Моний фикри буйича Янги таълимот универсал дин булиши қерак эди, шу сабабли у узиға маълум динлардаги урф одатларни ташқи шакллари узлаштириб олаверган.

Монейчилар аскетизмни бойлик, айшу-ишратға, зулмға қарши қуйганлар. Мавжуд дунёёға булган салбий муносабат қамиятни узғартириши учун бирор-бир талаб билан қиқиш имқони бермаган. Ёркин қишиларнинг қурланиши, қулдорлик тизими қолдиқлари, барча иштимой тафовутларнинг қескинлашуви бу таълимотға умидсизлик, қорасиз, пессилизм руҳини синдир ган эди. Халқ оммасининг кенг табақалари юқори синфға булган нафрати туфайли монийчиларға ва уларнинг гоёларига ҳамдард эдилар.

Дастлаб Сосонийлар монойлик тарқалувиға унча эътибор бермаганлар. Улар таълимотининг давлатға, динға қарши руҳий сезилғачгина унға қарши қаттиқ тарғиб бошланган. Моний зиндонға солинган, 276 йили қатл этилган. Уз тарғидорлари яширинишға мажбур булиб, купрок византияға кетганлар, уерда монийлик тарқалган, бошқа шаклларға қириб қристианликға таъсир утказган.

Монийлик таъсири урта асрда жуда қучли булган, у қуп секта ва ереслрға синғиб кетган.

(Арманистонда - тондракитлар Бутун европада - альбигойлар Болгарияда - богомиллар...)

Сугд шаҳарларида кенг тарқалган монийлик шарқий туркистон ва Хитойға ҳам қириб борган.

Эронда монийлик яширин тарзда яшаб ҳаётнинг барча жавҳаларига таъсир утказган. Шунға қарамай у ёзилганларнинг қураш байроғига айлана олмади. Чунки уянги қулар (қулдорлик урниға қелган) талабига жавоб беролмасди.(пессимизм туфайли)

III-IV асрларда Эрон хукмдорлари Рим орқасида итифокчиларға эға булиш мақсадида Қристианларға бошпана беравардилар. Қристианлик душман Римнинг давлат динига айланғач (император қонстантин даврида) улар Эронда таъқиб этила бошлаган, Римға оппозицияда булган оқимлар қуланган.

III-IV асрларда Сосонийлар ташқи сиёсати.

Дастлабки асрларда давлат ташки сисаёти купрок кулдор зодагонлар иктисодий ва сиёсий манфаатлари билан боглик эди. Кулдорликга асосланган хужаликларнинг ушлаб туришининг асосий шарти уруш ва купрок кулга эга булиш эди.

Ардашерлар аввал партия кулида булган барча вилоятларни кулга киритди, кушинлар Рим месопотамияси, сурия ва кичик осиега кириб борганлар. Кудратли кушон империяси заифланиб бораётган шаркда сомонийлар Хуросон ва Марв воҳасида мустахкамланиб олдилар форслар месопотамия ва арманистон учун рим билан шиддатли курашда яккол услубга эга эдилар.

Шопур 1 (242-272) даврда букураш 260 йили римликларни мажаклануви билан якунланди. Император Валериан билан биргаликда асрга олинган Рим зодагонлари кулликга солинган. (Эдесса Яқинида) Улар кучи билан карун дарёёсида Эронда Банди Кайсар (цезар дамбаси) номи билан машхур улкан лотина ва ирригация иншоотлари курилган.

Бундан ташкари Шопур 1 кавказортида ҳам уз позицияларини анча мустахкамлаган. 30 йилларда топулган ёзувларда курсатилишича урта осиеда юрган Шопур 1 чочга кадар етиб борган. III ва кенгрок V асрда сосонийларнинг шаркдаги сарҳадлари марв воҳаси, Хирот ва Саккистон шарккидаги тогли районларгача булган.

283 йили Месопотамияга ёриш форслар учун фойдали булмаган шартнома билан якунланди, Окибатда Эрон Арманистон устидан назоратни юкотган. (ҳозирги арманистон эмас туркия шарки сурия ва ирок шимолида жойлашган арманистон).

Бу муваффақиятсизлик шаркда урта осие қабилалари кутарган кузгolon туфайли янада мураккаблашган.

Рим билан Арманистон учун имзо 359 йили уруш ҳаракатларига айланди. Уруш асосан шимолий Месопотамия ва кичик осие шаркида булган. Шопур II (310-379) Римликларнинг мудофааси асоси булган қатор қалаларни эгаллаб олган. 363 йили Рим регионерлари император Юлиан бошчилигида эрон ҳудудига кириб келиб, дастлаб кичик кичик ютуқларга эришди, лекин умуман олганда мағлубиятга учради.

371 йили яна Рим билан 5 йил давом этган уруш бошланди. IV аср

охирида иккала империя арманистонни булиб олишди, унинг тахминан 4(5 қисми Сосонийларга, қолган қисми шарқий рим империясига Византияга утти.

Икки империя уртасидаги урушнинг тухташи уларда икки сиёсатидаги кийинчиликлар, уларга варварлар ҳужуми, кузгolonлар билан боглик эди. IV асрда эрон ҷамиятида юз берган иҷтимоӣ кураш Сосонийлар ташки сиёсатида ҳам акс этган.

V –аср охирида сиёсий вазият.

Халқ оммасини ҳаддан ташқари эзиш ҷамоачилар ҳужалигида огир из қолдарди. Баҳрам 5 Гур (421-439) даврида Эронда жуда қуп дехқонларнинг иш хатвонлари, қуроқлари, уруқлари йуқ эди. Хонавайрон булган ҷамоа аъзолари ерларни ташлаб кетиб, ҳазар қилинадиган ҳунармандчилик ва бошқа қасблар билан машғул булганлар, қупинча дайдиларга айланганлар. Вилоятлар ҳуқумдорлари Баҳром 5 га жуда қуп арзномалар ёзганлар. қишлоқлар ҳувиллаган, хайвонлар эғасиз санғиб юрган, қалаларни ут-уланлар босиб кетган. Дехқон ҳужалигининг бир қисми хонавайрон булиши оқибатида мамлақат иқтисодиёти заифлашди, ирригация системаси анча бузилди, тез-тез очлик юз бериб турди.

Феруз (459-484) шохлиги даврида "7 йил ҳосил яхши булмади, дарёлар қуриди, хайвонлар ориқлади, мамлақат аҳолиси турли ғам ташвишларга ботди..." Зироатда и/ҷикариш қучлари ривожӣ заифлашди. Оқибатда IV аср охири V асрда кенг халқ ҳаракатлари юз берди. улар орасида маздақийлар ҳаракати иҷобӣ ҳусусиятга эга.

Дехқонларгина эмас бухолатдан озодлар ҳам норозибулиб, улар юқори ғарадан ва харбӣ мансабга эриша олмасдилар.

Шу сабабли V асрда озодлар дехқонлар билан бирга бош қутара бошлаганлар. Айнан озодлар қулдорларга қарши сиёсий ҳуқмронлик учун кураш бошладилар. Шаханшоҳлар қупрок озодлар ва дехқонларга таяна бошлаганлар, улар феодализм вақиллари эдилар.

Ардашер 2 (379- 383) Эрон дехқонларини (меҳнатқаш) 10 йилга сорлиқлардан озод қилиш тугрисида фармон қикарганда зодагонлар уни тахтдан ағдариб ташлаганлар.

Ёздигард 1 (399-420) маълум даражада аъёнлар ва руҳонӣлар сиёсий таъсирини қеклашга эришиб, репрессиялар орқали улар қучини анча синдирган. Парсадаги улар иснии шафқатсизлик билан бостирган. Лекин у ҳам узи олиб борган сиёсат қурбони булган. Унинг угли Баҳром 5 тахтга утириш маросимида отаси сиёсатини тақиб қилган, у бутунлай машхур зодагонлар таъсирида булган.

Сосонӣлар империяси заифлашган сари унинг ҳудудига кавказорти ва марқазӣ осиедан ҳужумлар қучайган. вақти вақтим билан сосонӣлар бу ҳужумларни қайтариб, хатто қарши ҳужумга утиб турганлар, лекин V-асрнинг иккинчи ярмида вазият қескин узгарган. Ички вазият ва турли ҳужумлар мамлақатни қакшатган. Шаханшоҳ Феруз мағлубиятга учраган. 1-мартасида у Эфталитларга қатта тонтрибуция тулашга тулов тугагунча улар қулида угли Қуботни ғаров тариқасида қрлдиришга мажбур булган,

Асосий экспорт предметлари: ширинликлар, қимматбаҳо тошлар, марварид, фил, груч...

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
2. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
3. История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вўсшая школа, 1991.
4. Средновековѐй восток. М., 1980.
5. Кочнев.В.И. Шри-Ланка. М., 1976.
6. Буато.П. Мадагаскар. М., 1961.

2. Ривожланган ўрта асрлар.

Мавзу: XIII - XVI асрларда Хитой.

Режа:

1. Хитой Муғуллар сулоласи .
2. Мин сулоласининг идора қилиши.
3. Хитойда европаликларнинг пайдо бўлиши.
4. XV-XVI асрларда Хитойда зиддиятларнинг кескинлашуви.

Тан империяси ўрнини олган Сун империяси 11 асрда вужудга келди. 12 аср бошларида шимолдан хужум кучайганлиги туфайли 1126 йили пойтахт жанубдаги Ханчаога кўчирилди. 1127 йилдан сун сулоласи қўлида фақат жанубий Хитой бор эди холос. Шимолий Хитой манжур тунгус қабиаларидан бири бўлган журженлар тузган ва Цзинь деб аталган янги давлат таркибига кирди. Бу давлат илгариги Киданлар давлатини ўзига сингдириб олди. XIII асрда Шимолий Хитойни муғуллар босиб олди. Жанубий Хитойдаги Сун империяси 1279 йилгача Чингизнинг невараси Хубилай босиб олгунча яшади. Хубилай янги муғул сулоласига асос солди. Бу сулола Хитойда Юань деб аталди. Муғулларгача бўлган (Хитой 11 асрда 2000 шаҳар, 9-10 асрларда Компас, илм-фан прох кашф этилди. VIII асрдан ҳукумат газетаси ташкил этилди.). VIII асрда фанлар академияси ташкил этилди. Адабиёт, санъат, архитектура.

Хитой муғуллар сулоласи остида-хукмронлиги.

Дастлаб Хубилай замонида (1259-1294) Хитойнинг шимолда ташкил топган муғуллар монархияси аста секин жанубий Хитойга ҳам ёйилди. 1278 йилги Сун сулоласининг пойтахти Ханьчаоу шаҳри олинди. 1279 йили жанубий Хитой томомила истило этилди. Йилдаёқ янги сулола Юань деб ном олган. Муғуллар истилоси Осиё ва Европа каби Хитой учун ҳам дахшатли бўлди. Чингизхондан бошланган юришлар давомида Хитой бехисоб қурбонлар берди. Хитойликлар экин ерларининг бир қисмини яйловларга айлантирилди. Янги солиқлар пайдо бўлди. Муғуллар олиб бориладиган урушлар муносибати билан уларнинг талабига мувофиқ ҳар хил юкларни ташиб бериш тарзидаги иллик солиғи Хитой деҳқонлари зиммасига тушган оғир юклардан бири эди. Унинг оқибатида қишлоқ хўжалигига зарар етказарди. Юань сулоласи даврида асосий куч муғулларнинг ўзидан иборат бўлса, армияга Хитой аҳолиси кенг қўламда жалб қилинарди (юк ташиш, ер қазииш, канал ишчилари...) қонун бўйича бундай ишларга 10 кишидан бирини олиш керак эди (мардикор). Хитой шаҳар аҳолиси ҳам оғир ахволга солинди.

Катта деворларни тешувчи тош отувчи куруллар ишлаб чиқариш бўйича Хитой хунармандлари жангларга олиб кетилган. Сун сулоласи даврида ерга хусисий мулкчилик деҳқонларни қарам этиш кучайган эди. Муғуллар даврида ҳам жараён давом этди. Ва деҳқонлар сотиладиган ва сотиб олинadиган товарга айланди. Солиқлар ва бошқа тўловлар энди тамомила феодалларга боғлиқ бўлди. Шаҳар цехлари муғуллар хазинасига катта пул тўлардилар. Хунармандчилик махсулотларининг катта қисми муғул давлатига бепул ўзига хос реквизиция тариқасида топширилди.

Марко Поло: Юань сулоласи дастлабки пайтларда Хитой Шарқ курашини томоша қилиб улардан нега Муғулларга қарши курашмайсизлар, сизлар улардан кучли сизку деганда, улардан бири муғулларни биз ўзимизга сингдириб борамиз, деган эди.... 13 аср охири 14 аср бошларидаёқ муғуллар Хитойликларнинг кучли таъсири остига тушиб қолдилар. Улар Хитой тилида гапирадиган бўлдилар, Хитой ёзувини ўзлаштирдилар, ва Хитойликларнинг илгариги идора усулини қабул қилдилар.

2-томондан Хитойнинг муғул давлатлари системасига киритилиши туфайли эндиликда Хитой илгариги Тан ва Сун "миллий" сулолалари замонидан ҳам кўпроқ даражада савдо-сотик ишларида иштирок қиладиган бўла олди. Хитойда Эрон, Араб, Ўрта Осиё ва Хинд савдогарларининг савдо расталари пайдо бўлди. Хитойда 13 асрда бамбукдан ясалган трубкага ўхшаш милтиқлар, 14 асрда эса тош ва темир ўқ солиб отиладиган метал замбараклар ихтиро қилинди.

Хубилай замонида Хитойга борган Венециялик сайёх Марко Поло "Хитой ипаги, чинниси, темири, миси, дунёнинг ҳамма бурчагига чиқариладди" деб ёзган. Савдонинг асосий самарасини муғуллар ва турк форс савдогарлари кўрарди. 14 асрда муғул императорига қарши бир неча бор саройда фитна уюштирилди. Аҳолининг кенгрок доиралари ўртасида ўз олдига мамлакатни озод қилиши мақсад қилиб қўйган миллий ташкилотлар тузилди. 1351 йили Хенань ва шандунь вилоятлари "Оқ нилуфар" номли иттифок томонидан таёрланган "Қизил пешонабоғлилар" қўзғолони бўлди. Деҳқонларга шахарликлар қўшилди. Бу қўзғолон озодлик урушига айланиб кетди. У қарийб 20 йил давом этди. 1356 йили "қизил пешона боғлилар" улуг хон пойтахтини Янцзинь (Пекин) шахрини хавф остида қолдирдилар. 14 аср 60 йилларида Хитой вилоятларининг кўпчилигида муғулларга қарши қўзғолонлар бўлди. қўзғолончи деҳқон армиясининг раҳбарларидан Чжоу-Юань-Чжан 1369 йили император деб эълон қилинди. У таъсис этган сулола Мин деб аталадиган бўлди.

Мин сулоласининг идора қилиши.

Бу сулола Хитойнинг 1368 йилдан то 1644 йилга қадар идора қилди. Унинг пойтахти дастлаб Нанкин шахри эди. Лекин кўп ўтмай пойтахт яна Янцзинь шахрига кўчирилди. У энди Пекин деган янги расмий ном олди. Халқ орасида чиққан янги сулола дастлаб меҳнаткашлар манфаатини биринчи ўринга қўйган ҳолда сиёсат юритилди. М: солиқларни тенгрок тақсим қилиш мақсадида, солиқ рўйхатлари қайтадан кўриб чиқилди. Муғул зодагонларининг ерлари хийла кўпайди. Боқимандларни кечиши тўғрисида Чжоу Юань Чжан бир неча марта фармон чиқарди. XIV аср охирлари XV асрнинг биринчи ярмида ирригация соҳасида катта ишлар қилинди. Шаҳарлардаги хунармандлар тўлайдиган солиқлар ҳам дастлабки пайтларда бир қадар камайтирилди. Лекин шу билан бирга "деҳқонлар императори" бирор бир ижтимоий инқилоб қилишни ўйламасди.

Катта ер эгалари дастлаб сал чеклаб қўйилган бўлсада умуман Сақланиб қолди. Бу ҳолат ўсишда ва мустахкамланишда давом этди. Чжоу Юань Чжанга ҳокимиятни қўлга олишга ёрдамлашган лашкарбошилар ва янги сулоланинг фаол тарафдорлари кўпгина ер мулклари олдилар. Сулола удеал ерлар сифатида экинзорлар ва яйлов ерларнинг жуда катта қисмини ўз қўлига киритди. Бу ерлардан олинган даромад император саройи ва шахзодаларнинг харажати қопларди. Чжоу-Юань-Чжаннинг 20 дан ортиқ ўғли бўлиб уларнинг ҳаммаси юқори маъмурий лавозимни эгаллар ва айни вақтда йирик ер эгалари эди. Аммо император хонадонига тааллуқли бўлмаган олий маъмурий шахслар ҳам катта ер мулклар эгасига айланган.

Шаҳарларнинг ривожланиши, илк шаҳар куртаклари.

14-16 асрларда Хитойда саноат анча тез сураатлар билан ривожланди. Шоли ва ипак тайёрлаш, газламаларга пардоз бериш, қоғозга шиша, чинни тайёрлаш, турли хилдаги кон саноати тез ривожланди. Пекин, Нанкин ва бошқа шаҳарларда саройлар, ибодатхоналар, безакли миноралар, кўприклар, арklar, турли калъа иншоотлари қурилди. Минлар даврида ҳам саноат, асосан хунармандчиликдан иборат бўлиб қолди. Бироқ саноатнинг айрим тармоқлари, асосан катта ишлаш саноатида манафактура типдаги йирик устахоналар бор эди. Қуллар ва крепостнойлар меҳнатидан фойдаланадиган кўпгина давлат манифактуралари (чинни ишлаб чиқариш мавжуд эди). Кон руда қазиб чиқариш саноатида мажбурий меҳнат тамомила ҳукмрон эди. Ўз ички аҳолини мустахкамлаб олган сулола янги ерлар босиб олиш ҳамда Хитойнинг ташқи бозорларини кенгшайтириш мақсадида кенг истилочилик юриши уюштирилди. Чжоу-Юань-Чжи замонидаёқ Корея билан Тибет хитой императори ҳукмронлиги остида эди. Унинг ворислари Индонезия, Хинду-Хитой, мамлакатга ҳарбий экспедициялар юбордилар. Бу мамлакатлардаги кичикрок ҳокимларнинг бир қисми Хитой императорининг олий ҳокимиятини тан олди. Хитойларликлар Индонезия билан Хинду-Хитойга кўплаб кўчиб бора бошладилар. Мин ҳукумати Хинду хитой, Индонезия, Хиндистон ва ҳатто Шарқий Африка қирғоқларига систематик тарзда ҳарбий-денгиз экспедицияларини юбориб турди. Адмирал Чжен Хэ бошчилигида 1403-1433 йиллар мобайнида турли мамлакатларга 7 марта денгиз юришлари уюштирилди. 16 асрда Мин империясига бировларга ҳужум қилиш эмас, балки бундан кейин ўз мамлакатини чегараларини муҳофаа қилишга тўғри келди. /арб томондан унга муғуллар хавф солиб турарди. 1550 йили муғуллар қўшини Пекингга бостириб кириб, унинг чегараларига ўт қўйиб кетди.

Хитойда европаликларнинг пайдо бўлиши.

16 асрнинг 2 ярмида Хитой Японлар агрессиясига қарши оғир кураш олиб боришга мажбур бўлди. Шундай курашлар оқибатида Мин сулоласи самурайлар ҳужумларини қайтариб шу асрнинг охирида уларни қитъадан ҳайдаб чиқарди. 16 аср бошларида Хитойга европаликлар кириб кела бошлашди. 1516 йили Канрон портига биринчи бўлиб португал кемалари келди. 16 асрнинг 40-йилларида португаллар Хитой қирғоқларида бир неча колонна барпо қилдилар. Лекин португалларнинг тамагирликларидан ўзбошимчалигидан безор бўлган хитойлар 50 йилларнинг бошида уларнинг ҳаммасини яксон қилди. 1557 йилда босиб олинган Маккоода (кантон) жанубида португаллар концессиясини олиб, анча мустахкамланиб олишга муваффақ бўлдилар. 16 асрнинг 2 ярми 17 асрнинг бошларида Хитойда Испанлар, Голландлар, Инглизлар ва Французлар пайдо бўлди. Аммо Мин ҳукумати чет элликларни бир оз булса ҳам Хитойнинг ичкарасига суқилиб киришга йўл қўймади. 16 аср Европа

савдогарларининг Хиндистон ва Индонезия билан савдоларига нисбатан Хитой билан бўлган савдо оборотлари жуда озгина эди. Хитой руслар билан бир марта 16 асрнинг биринчи ярмида алоқа қила бошлади.

XV-XVI асрларда Хитойда зиддиятларнинг кескинлашуви.

15-16 асрларда Хитойда синфий зиддиятлар кескинлашди. Судхурликнинг ёйилиши, солиқларнинг ошиб бориши, халкнинг норозилигини келтириб чикарди. 1448-1449 йилларда Фуцзянь вилоятида Дэнь Маоци бошчилигида дехқонлар қўзғолони бўлди. Унинг атрофига ўзи сингари ўн минглаб майда ижарачи дехқонлар тўпланди. Бу ижарачилар аслида қарам ҳолатига тушган эдилар. қўзғолончилар эски одатдаги рентани талаб қилиб оширилган ижара ҳаққини тўлашдан бош тортадилар.

16 асрнинг бошларида бундай қўзғолонлар деярли барча вилоятларда бўлиб ўтди. Айни вақтда 15-16 асрларда Хитойда хукмрон синфнинг ўз ичида турли гуруҳлар кураши давом этаётган эди. Мин императорларига яқин бўлган Чиновниклар юқори ва даромадли лавозимларни эгаллаганлар. Уларга феодалларнинг кенгрок доираси хусусан Шэнший деб номланган олимлар табақаси қарши чиққан.

1506 йили Чиновниклар (махрамлар) марказий бошқарувни бутунлай қўлга олиб уни 1521 йилгача сақладилар кейин 2 гуруҳ ғолиб келди. Чиновниклар моллари таланди, ўлдирилди... лекин 16 асрдан сўнг 17 асрнинг 20 йилларида яна чиновниклар ғолиб чиқдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М., 1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вўсшая школа, 1991.
5. Средновековѝй восток. М., 1980.
6. Васильев.Л.С. Аграрнѐе отношения и община в Древнем Китае. М., 1961.
7. Вельгус.В.А. Средновековѝй Китай. М., 1987.
8. Лапина.З.Г. Учение об управлении государством в средневеком Китае.М.. 1985.
9. История Китая. М., Изд. Восточ. Лит. 1989.

Мавзу: IX-XV асрларда Корея давлати.

Режа:

1. Корѐ давлати.
2. Корѐнинг XI-XII асрларда ижтимоий раvнақи. Маданият.
3. XII асрдаги сиѐсий ва синфий кураш. Дехқонлар ҳаракати.
4. Корѐ халқининг мўғул босқинчиларига қарши кураши.
5. Ли сулоласи пайтида марказий феодал давлатни мустаҳкамлаш.
6. XV асрнинг 1-ярмида иқтисодий ўсиш ва маданиятнинг ривожланиши.

Корѐ давлати. IX аср охирида қадимги Силла давлати федерацияси мустақил феодал уделларига булинган. Давлат ерларини чиновниклар ва рухонийларга бўлиб бериши ва мустақил феодал вотчин (чанвон)ларнинг ташкил топиши марказий ҳокимиятни заифлаштириб юборди. Ката мулк эгалари марказий ҳокимиятдан янада мустаҳкам бўла бошлади. Катта ерларни эгаллаган Будда монастирлари ҳам буткул мустақилликдан фойдаланганлар, ерлик феодаллар (**ѐнчжу**), христианларнинг устидан хукмронлик қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Уларга шахсий дружина Яна бир-бирларини устидан кураш олиб бориш учун ҳам керак эди. Крестьянларнинг ахволи силла хукмдорлари қўлида ҳам, феодаллар қўлида ҳам ёмон эди.

819 йилда дехқонлар ҳаракатлари кескин тус олган. 896 йил пойтахт **Кѐнчжу** деворлари остида дехқонлар қўзғолон бошлаганлар. Ҳаракатчилар аристократ ва чиновникларни буйсундиришди. Нисбатан йирик феодаллар узларини мустақил деб эълон қилдилар. 900 йил оролнинг жанубий гарбий қисмида **Хупѐкче** давлати (*сунги пѐкче*) ташкил топган. Кореянинг марказий қисмида (ҳозирги чхольван райони) **Тхѐбон** давлати ташкил топган Силла ҳокимияти эса бир неча кичик районлардангина иборат бўлиб қолди.

Дехқонлар ҳаракатлари хукмрон синфни қўрқувга соларди ва кучлирок хукмдор топилиб халқни бошқаришини истар эдилар. Навбатдаги жанглар натижасида феодал **Ван Ган** кейинчалик у давлатни бирлаштиради ва давлатни хукмрони бўлди. 918 йили бу давлатнинг номи Корѐга алмаштирилди. **Кѐгенне** (ҳозирги Кѐсон) икта пойтахти. Кўп феодаллар Ван Ганога бўйсундишди. Чунки у бошқаларга нисбатан кучлирок эди. Бўйсунмаганларни эса у куч билан бўйсундирди. 936 йилда Ван Гон сўнги Пѐкчени буйсундирди ва бутун Кореянинг хукмдори бўлди.

Якка феодал давлатнинг вужудга келишидаги муҳим бир сабаб ташки хужумлар эди. 926 йилда **Бохай** давлатини босиб олган **Кидони** шимоли- шарқий Хитой ва Кореянинг ашаддий душмани бўлиб қолди. Янги ташкил топган **Корѐ** учун шимоли чегарани кучайтириш асосий масала эди. Бутун шимоли чегарага ҳимоя девори ташкил этилди.

Бу қонуннинг ташкил топиши билан шарқий давлат структураси ташкил топди. **Санжоне** (982-997) даврида давлат аппарати ташкил топди асосий давлат аппарати вужудга келди ва 12 вилоят, 10 провинция ташкил топди. Мамлакат ҳавфсизлиги ва давлат ишлари ҳарбийлар қўлида эди. Ҳарбийларнинг асосини эса давлатга бўйсунувчи дехқонлар ташкил қилди ва 16 ѐшдан 60 ѐшгача бўлганлар ҳарбий хизмат қилишга мажбур эдилар. Армиядаги

деҳқонларни уларнинг ҳамқишлоқлари моддий томондан қўллашар эди. Одатда 4 - 5 хонадондан 1 солдат боришар, бошқалар эса уни ва унинг оиласини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашиши лозим эди.

Бироқ мамлакатнинг марказлашиши текис бўлмаган. Кейинчалик ҳам ката ер эгалиги ва буддавийликка сифинишган. Марказий давлатни ташкил топиши учун ташқи душманларнинг кураши ҳам тўсқинлик қилар эди. Асосий хавфли душманлар (киданлар)Лао империясини тузган ва Хитой ва корейни босиб олмоқчи бўлганлар. 993 йилда Киданларнинг кўпчилик армияси Амнокандан ўтиб Корёга бостириб киришди Чхончхонган дарёси ёнида киданлар қаттиқ қаршиликка учраб ортга қайтишга мажбур бўлдилар. Лекин бу билан Киданларнинг ҳаракати тўхтамайди. Корёнинг ички курашларидан фойдаланиб киданлар 1010 йилда Яна кўп сонли Аскар жўнатди ва Корёнинг пойтахти Кэгёни босиб олади ва талон тарож қиладилар. Бироқ шимолдаги Корейс аскарларининг ҳаракатлари босқинчиларни ортга чекинишга мажбур қилди. 1018 йил кишида 200 минглик кидан армияси чегарани бузиб ўтиб Яна Корейнинг пойтахтига бостириб киришди. Улар кўмондон **Кан Гам Чхон** томонидан қаттиқ қаршиликка учрайдилар. Шимоли райондаги Корё аскарлари 1019 йилда Киданларга қаттиқ зарба беради. Улар ўртасида сулҳ тузилиб Корё ҳукмдори томонидан **Ляо Кидан** империясини тан олади.

Корёнинг XI-XII асрларда ижтимоий равақи. Маданият.

Мамлакатнинг бирлашиши ва киданлар билан иттифоқ Корейнинг иқтисодини ривожланишига, қишлоқ ҳўжалиги ва хунармандчиликнинг гуллаб-яшнашига олиб келди. Киданлар томонидан бузиб ташланган вилоятлар Яна тараққий эта бошлади. XII аср бошларида Хитой сайёҳи Сюй Цзин деҳқончиликнинг Карё буйича кенг тарқалганлигидан гувоҳлик беради. Унинг гувоҳлигича хатто тоғли зоналарда ҳам шоли экилган.

Давлатнинг иқтисодий асосини деҳқонларнинг меҳнати ташкил этган. Деҳқонлар юридик ҳолатига қараб 2 га бўлинган. Унинг ката қисми **Янин «яхши одам»**ларга қарарди, улар оддий озод давлат ерларида ишловчи одамлар эдилар. Иккинчи қисми эса чхонин (ёмон ёки ярамас) кишиларга бўлинган. Улар озод эмас эдилар. Улар бўйсунувчи деҳқонлар ҳисобланган.

Деҳқонлар рента-солиғини тўлар давлат ишларини ўтар, ҳарбий хизматни ўтар эдилар. Ер солиғи 1 10 дан 1 11 гача ҳосилдан тўланар, кўп вақтда унинг ҳажми кўпаяр эди. Деҳқонлардан Яна кўшимча солиқлар: донни пойтахтга олиб боргани учун солиқ, йўлда ҳимоя қилиш учун солиқ тўй солиғи, подшо оиласидан бирор киши ўлса кўмиш учун солиқ, чет Эл элчилари қилиши учун солиқ ундирилган. Шахсий ерларда рента солиғининг ҳажмини феодал ўзи белгиланган.

XI-XII асрларда шахсий ер эгалиги ўса бошлади. Йирик феодаллар ва Будда монастирлари подшо саройи аъзолари монастир ва феодаллар давлат ерларини деҳқонлар билан бирга кўшиб ола бошлади. Баъзида феодал вотчинниклар давлат ерларида ишловчи деҳқонларни ката ваъдалар бериб ўзларига оғдира бошлашди. Лекин бу ваъдаларга ишонган деҳқонлар тезда эркин деҳқонлардан қарам крепоснойларга айланиб, қаттиқ эксплуатация қилинган.

Давлат мажбуриятларига нафақат деҳқон маҳсулотлари, балки уйда ишлаб чиқарган маҳсулотлар, хайвон терилари, балиқлар ҳам тўланган. Бу барча нарсалар ҳукмрон синфнинг манфаатларини қондирмас эди. Керакли қазималарни топиш туз топиш, метални қайта ишлаш, қурол шиша ишлаб чиқариш, ҳар-хил тақинчоқлар буларнинг барини махсус хунармандлар ишлаб чиқаришган. Пойтахт ва йирик шаҳарларда давлат хунармандчилик устахоналари мавжуд эди. Устахоналарда давлатга қарашли крепоснойлар ишлаган. Хунармандларнинг иши авлодларига мерос бўлиб ўтган. Ички савдо ҳам яхши ривожланган. Пойтахт ва йирик провинция шаҳарларида бутун бир савдогар маҳаллалар бор эди. Кўп жойларда бозорлар ташкил этилган эди. Бу бозорларда деҳқончилик меҳнатлари хунармандлар маҳсулотларига алмашган. Савдо ва хунармандчилик феодал давлатнинг қаттиқ таъқиби остида бўлган.

Ташқи савдо хунармандчилик синф учун яхши даромад манбаи ҳисобланган. Корё Хитой чжурчжэнлари ва Япония билан анча кучли савдо олиб борган. 1024 ва 1040 йилларда Корёга араб савдогарлари кириб келган. Улар дориворлар ва бошқа нарсалар олиб қилишган ва олтин, қумуш, ипакка алмашишган. Корё Сунн давлати билан эътиборга молик савдо олиб борган. У ердан турли хил матолар қимматбаҳо ипак ва бошқа нарсалар олиб келинган. Корей савдогарлари Хитойдан женшень ва камёб дорилар асал ва қумуш, қоғоз ва хоказолар олиб қилишган. Чжурчжэнлардан корейслар тери, от, юнг ўк ва камонлар олишар эди. Япониядан асал олиб қилишиб, хунармандчилик маҳсулотларини уларга сотишар эди.

Ички ва ташқи савдонинг қанчалик мужималлигига қарамай савдогарлар ўзаро ижтимоий куч ҳисобланмаган. Улар феодал ва Будда черковининг агенти сифатида мавжуд эди ва феодаллар уларни қаттиқ назорат қилган.

Корей давлатида Айниқса XI аср 2-ярмида феодал маданият асосий ўринни эгаллаган. 985 йилда чиновник мансабига ўтиш учун давлат имтиҳонининг аналогик хитойча усули ишлаб чиқилди. 992 йилда эса ҳукмрон чиновниклар учун олий конфуцийлик мактаби очилган. XI асрда Сарой кутубхонасида жуда кўп хитой конфуцийлик адабиёти ва бир неча минг хитой китоблари мавжуд эди. Конфуций олимларининг ҳаракати билан шахсий мактаблар очилган. Улар ичида 1055 йилда ташкил топган мактаб анча таниқли бўлган.

Бу вақтда буддизм роли анча юксак эди. Будда черкови аъзолари давлат ишларига тез аралашардилар. Подшо **Мунчжона** (1047-1083) даврида 60 йил давом этган «**Тэчанчён**» будда адабиёти мақомига етказилган. 1097 йилда **Кэгён** атрофида **Хинвонса** Будда макбараси қурилиши ниҳоясига етган. Бу макбарада 1000та монах бўлган. Мўғуллар томонидан **Хинванга** бузиб ташланган ва ёқиб юборилган.

Будда адабиётининг монументал нашрлари китоб босишнинг равақиға туртки берди. XIII аср ёзувчиси **Ли Кю Бо** маълумот беришича «**Санжон ёмун**» (*Қадимги ва ҳозирги бошқарув ҳақиқжа китоби*) китоби 1234 йилда ёзилган. Бу китобда Корей давлати институтлари ҳақида маълумот берилган.

XII асрлардаги сиёсий ва синфий кураш Деҳқонлар ҳаракати.

XII аср бошларидан Корей давлатининг заифлашуви кўриниб қолган эди. Бунинг асосий сабаби феодаллар, Будда монастирларининг ва йирик чиновниклар томонидан давлат ерлари ва хрестянлар давлатидан тортиб олинган

эди. Давлат ер фондининг қисқариши билан XI аср 2-ярмида давлат турли мажбуриятлардан воз кечишга мажбур бўлди. Лекин шунга қарамай баъзи бир хизматлари учун ер инъом этиш тўхтамаган.

Йирик феодал узелларнинг бошликлари ўзларининг шахсий куролланган отрядини туздилар. Будда монастирлари куролланган монахлардан отряд учун ички кураши харбий дворянлар ва чиновниклар, рухонийлар ўрталарида бошланиб кетади. 1126 йилда харбий кураш пойтахт **Кэчен** кўчаларида тарқалади. Бу курашга хокимиятни эгаллаш учун феодал **Ли Ча Гёма** бошчилик қилади. Бу кураш хатто ташки чжурчжэнейларнинг босқини туфайли ҳам тўхтамайди. Чжурчжэнийлар билан курашда мамлакатнинг шимолий ғарбий қисмидаги феодаллар Монах **Мёхонам** бошчилигида подшо резиденциясини **Согён (Пхеньенга)** кўчиришни талаб қиладилар. Пойтахт аристократиясининг қаршичилигига учраган феодаллар очикчасига шимолий-ғарбий районда алоҳида давлат «**Буюк мўжизалар давлати**» (*Пэвичук*)ни тузишларини эълон қилади. Феодалларнинг кураши деҳқонлар ҳаракатига туртки берди. Феодал **Ким Бу Син** бошчилигида деҳқонлар ҳаракатини тўхташи билан давлат бу барча ҳаракатларга ҳам барҳам берди.

1756 йилда Жанубий Кореяда **Мёнхваксо** қишлоғида давлатга қарам крепостнойлар бош кўтаришди. **Ман** бошчилигидаги бу кўзғолонлар Кенчжу шаҳрини эгаллашди. Пойтахтдан жўнатилган 3000 кишилик отряд қаттиқ зарбага учради. Шунинг учун отрядлар уларга ён босиб Мёнхваксода яшовчи аҳолини крепостнойликдан озод қилдилар. Подшо **Ман И** билан гаплашгунча хокимият кўзғолончиларга қарши янги отряд тайёрлади. Бундан хабар топган **Ман И** ҳукумат аскарлари билан қурша бошлади ва пойтахтга хавф солди. Бир вақтнинг ўзида мамлакат жануби ва шимолдан қолган деҳқонлар ҳам кўзғолон кўтаришди. 1117 йилда Ман И саройга келишувга чақиртирилиб ушланади ва ўлдирилади. Шимолда **Ким Дана** бошчилигидаги курашлар ҳам тўхтади.

1193-1194 йилларда деҳқонлар кўзғолонларининг янги тўлқини кўтарилди (Кўзғолон *Ким Са Ми, Хе Сима* ва бошқалар бошчилигида бўлди). Катта деҳқонлар кўзғолонлари феодал хокимиятни кучсизлантиради.

Феодал харбийларнинг бири **Чхве Чхун Хан** хокимиятга келгач деҳқонларга қарши кучли ҳаракат бошлади. XIII аср бошларида яна деҳқонлар кўзғолонлари бошланди.

Корея халқининг мўғул босқинчиларига қарши кураши.

Биринчи марта мўғул аскарлари 1218 йилда Кореяда пайдо бўлган. У Корея ҳукуматидан жуда оғир ўлпон талаб қиладилар. 1225 йил Кореядан қайтаётган элчининг ўлдирилиши мўғул ва корейс муносабатларини ёмонлаштириб юборди. 1231 йил ёзида мўғул аскарлари **Салитой** бошчилигида Корёга бостириб киришади ва халқнинг қаттиқ қаршичилигига учрайди. **Кучжу** (хоз. Кусон) химоячилари 30 кун давомида мўғул армиясига қаршилик кўрсатдилар. Чхунчжу шаҳри химоячилари мўғул аскарларининг мамлакат жанубига юришлари тўсиб қўйдилар. Бироқ пойтахтга ҳужум арафасида ҳукмрон феодал синф Чхве бошчилигида босқинчиларга ён босишади ва сулҳ тузилади. Улар ката ўлпон, кийим кечак, матолар тўплашлари керак бўлади.

1232 йил мўғул аскарларининг жанубий қисми катта ўлжа (олтин, қумуш) олишиб мўғулияга қайтишади. Корёда эса 70 мўғул аскарлари қолишади. Мўғуллар Корёликларга Янги пойтахт **Кандани** қурдиладилар.

Мўғулларнинг бутун оғирлиги халқ гарданига тушар эди. 1232 йил Кчёнда қарам препостнойларнинг ва давлатга қаршли деҳқонларнинг кўзғолони бошланди. Улар шаҳарда қолган аристократларни йўқ қилишди уларни бойликларини қамбағалларга бўлиб беришди ва Канданга яширинган феодалларга қарши курашга тайёргарлик кўришди. Ҳукмрон синф бу ҳаракатни тўхтатди. Бу ҳаракатлар кейинги йил **Сочён, Тонгёда** (Кёнчжу), **Нанчжуда** ва бошқа жойларда бўлиб ўтади. Лекин буларнинг барчаси ҳукмрон синф томонидан бостирилади.

Мўғулларнинг ўлдирилиши ва феодаллар **Кондога** қочишига жавобан 1232 йил охирида Яна Мўғулистон аскарлари Корёга юришга мажбур бўлди. Кейинги 20 йил давомида Яна 5 марта босқинчилик, талон-тарож юришлари содир этилди. 1253 йил бир чиновник подшоҳга аҳолининг ҳар 10 кишисидан фақат 2 кишигина тирик қолганини айтади. 1254 йил босқини натижасида 207 минг киши асирга олинган ва олиб кетилган.

Оқибатда хокимият Кэчёнга қайтиб мўғулларни тан олишга мажбур бўлади. Яна мамлакатда мўғул аскарлари тўлиб кетди, жанубий қисмида эса мўғулларнинг харбий қишлоқлари пайдо бўлди. Феодаллар мўғулларнинг истакларини сўзсиз бажо келтиради.

Бундай ҳолат мамлакатни оёққа турғазди. Шунда давлат деҳқонлари ва крепостнойлардан ташкил топган «уч асосий корпус» кўзғолон кўтарди. Улар мамлакатни Чхве сулоласидан чиққан подшо боқаришини талаб қилишди. кўзғолончилар ҳукмрон сулоланинг бир аъзосини подшо этиб сайлашди. Мингта майда кемаларда улар **Чиндо** (кейинча Чечжудо) оролига сузиб келади. Кўзғолон уч йил давом этади. Мўғулларнинг ёрдами билан ҳукумат Чечжудодаги кўзғолонни бостирди. Натижада хокимият мўғуллар қўлига ўтди.

Мўғул императори Хубилай Кореяни Японияни босиб олишда таянч нуктага айлантирмоқчи бўлди. 1274-йилги юришнинг ўзидаёқ 8000 корейс аскари ва 6700 денгизчи қатнашди. Иккинчи юриш пайтида (1281) мўғуллар 900та кема талаб қилди. Корейс халқини тинч ушлаб туриш мақсадида мўғуллар ўқ - ёй ишлаб чиқаришни манн этишди. Улар Корё давлатидан икки вилоятни Шим./арбий (**Тоннёбу**) ва Шим.Шарқий (**Ссансон чхонгванбу**)ларни тортиб олишди. Корейс феодаллари кейинчалик мўғул қизига уйланади ёки Юань империяси пойтахти Пекинда яшай бошлади. Шу билан мўғуллар уларни ўз изнларида сақлаб туришди.

Ли сулоласи пайтида марказий феодал давлатни мустахкамлаш.

1392-йил Корёнинг олдинги ҳукмдорларидан **Ли Сон Ге** ўзини подшо деб эълон қилди. У Янги сулола асосчиси бўлди. Унинг даврида давлат **Чосон** номи билан атала бошлади. Пойтахт эса Сеулга кўчирилди. Бу сулола Кореяда 1910-йилгача ҳукмронлик қилади. Янги сулола ҳукмдорларнинг сиёсати марказий хокимиятни мустахкамлашга қаратилган эди. Улар федерацияни ўз мустақиллигидан олиб ташлади. Фақатгина Будда ибодатхоналаригина мустақил эди. Ли хокимияти бир неча бор (1392, 1402, 1424-йилларда) Будда ерларига ва крепоснойларга йирик конфискациялар эълон қиладиди. Кўп черков ерлари давлатга қайтарилди.

Ли Сон Ге даврида марказий давлат аппаратининг структураси ишлаб чиқилади ва у кейинчалик XV асрнинг 60-йилларида «**Кёнгун Пэчжон**» номини олди. Мамлакатни бошқариш кўп сонли ҳокимият ташкилотлари қўлида эди. Улардан асосийлари олий бошқарув кенгаши ва олти бўлимдан иборат эди. Мамлакат саккиз провинцияга (**До**) бўлиб бошқарилди. Уларнинг ҳар бири округ ва уездларга бўлинган эди. Ҳар бир волост бир нечта қишлоқлардан иборат эди. Ҳарбий хизматчилар аҳолининг 16дан 60 ёшгача бўлган эркаклардан иборат эди. Мамлакатнинг ташқи ҳолати ҳам яхшиланди. Мин сулоласи Билан шартнома тузилди. Шимолда Чжурчженлар Билан ҳам яхши муносабатлар йўлга қўйилди.

Япония Билан муносабатда Ли сулоласи Асинога сулоласининг сёғунлар Билан яхши алоқа ўрнатилди. XV асрнинг биринчи ярмида пойтахт ва Уч жон провинциясида 50 та ҳарбий Гавана ташкил этилди. Кореянинг ҳарбий кучлари мустахкамлангач Япон қароқчиларининг босқинлари тўхтади. Корея Япония Билан тинчлик йўли Билан савдо қила бошлади. 1443 йилги шартномага асосан Япон савдогарлари жанубий учта портга киритилар эди. Шу жумладан Пусанга ҳам. Лекин кема ва савдогарлар сони қаттиқ белгиланган эди.

XV асрнинг 1-ярмида иқтисодий ўсиш ва маданиятнинг ривожланиши.

Мамлакатнинг мустахкамланиши ва Янги феодал системанинг ташкил топиши Билан Корея маданияти ва ишлаб чиқариш ривожлана бошлади.

1429-йил қишлоқ хўжалигини боқариш ҳақидаги китоб «**Нансе чиксоль**» яратилди. Бу китоб Чан Чхо ва бошқалар томонидан яратилди. Астрономик қарашлар учун Янги дождемер асбоби ишлаб чиқарилди. Аниқ вақтни ўлчаш учун ҳам ҳар-хил асбоблар ўйлаб топишди.

Хунармандчилик ҳам ривожланди. Устахоналарда қуруллар тайёрланар эди. Устахоналарнинг сони 6000та эди. Пойтахт хунармандлари кўп ишлар Билан (темирни қайта ишлашнинг 130 хили, суяк, тери, дарахт маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан) шуғулланганлар.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот бозорга олиб чиқилар эди. Бироқ кўп савдогарлар ҳукмрон синфнинг манфаатига қарар эди. Кейинчалик пойтахт Сеулга кўчиши Билан ҳокимият кўп кўчаларни (1399-йилда 800 савдо шохобчаси) савдо учун очиб берди. Улар феодаллар манфаатини қондириб, монополь савдо ҳуқуқини қўлга киритишди.

Сенчжона даврида(1419-1450) Сарой академияси «**Донишмандлар уйи**» ташкил этилган. Бу ерда асосан конфуцийлик таълимотларига асосланган этика ва ҳуқуқий саволлар муҳокама қилинган. Сарой зиёлилари «Корё тарихини» яратишди. Қаттиқ назорат остида жуда кўп билимлар кенгайди. Олимлар тиббиёт, астрономия, математика, қишлоқ хўжалиги, география, физиканинг Янги қирраларини очдилар. Буюк олимлар кейинчалик ҳокимиятда ҳам юқори ўрин эгаллай бошлашди.

Китоб босишда металл шрифтлардан фойдаланиш китоб босишдаги ва маданият тизимидаги янгилик бўлди. Бу даврда 28 ҳарфдан иборат алфавит вужудга келади. 1443 йилда вужудга келган бу алфавит Сарой зиёлилари томонидан (**Чан Ин Чжи** вужудга келди) «**хунмин чоним**» (аҳолини ўрганиш учун ҳақиқий овозлар) деб номланган эди. Алфавит яратилганига қарамай муҳим ҳужжатлар ва бадий ёзув қўлёзмалари корейс ёки иероглиф ёзувида қолар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М.,1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вўсшая школа, 1991.
5. Ванин.Ю.В. Аграрнѐй строий феодальной Кореи. М., 1981.
6. История Кореи. М., 1974.

Мавзу: XI-XV асрларда Ветънам.

Режа:

1. XI асрда Ветънамни марказийлаштирилган давлатга айланиши.
2. XI-XV асрларда шахарлар ва савдо.
3. XI-XII асрлардаги дайвьѐт урушлари.
4. Ветънам халқининг моноғол босқинчилигига қарши кураши.
5. Ветънам маданияти.
6. Кичик феодалларни йирик ер эгаларига қарши кураши.
7. Ветънамнинг XV аср иккинчи ярмидаги иқтисодий ривожланиши.

XI-XV асрларда Ветънам давлатининг марказлашган давлатга айланишида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. XI-XV асрларда Ветънам марказлашган давлатда феодал муносабатлар юқори даражага эришди. Шахарлар, савдо, пул муомаласи, темир маҳсулотлари, туз, қора мол, гуруч ва бошқа маҳсулотлар билан ички савдо ривожланди. Бундан ташқари Ветънам халқининг мўғул босқинчиларига қарши кураши кичик феодалларни фикри ер эгаларига қарши кураши XI-XIII асрлардаги Дайвьѐт урушлари XV асрда Ветънамнинг иқтисодий ривожини салоҳиѐтининг узиб бориши йирик марказлашган Ветънам давлатига асос солинди. Вуа подшоҳлиги ва давлат ер хизматчилари ташқарии мансабдор аристократлар **Вуа** қариндош-уруғлари асосий ўрин эгаллаган. Бу ер бошқарувчилиги тури Ветънам феодализмнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Марказлашган феодал давлатнинг шакллантиришда **Ли** сулоласи марказлашган сиѐсатни олиб бориб, йирик феодал ва тоғлиқ халқларни

қаршилигини енгиб давлатни харбий ва маъмурий томондан кучайтирган. Дайвет урушлари XI асрда химоя уруши деб аталган. Булар Шимолдан Хитой босқинчиларига қарши Жанубда Тямпа давлатига қарши уруш олиб бордилар.

XI асрда вьетнамни марказлаштирилган давлатга айланиши.

XI асрда Вьетнам марказлаштирилган давлатга айланади. Феодал муносабатлар юқори даражага эришди. Ерлар бошқарувчиси эса ер таркатувчи феодал давлатлар хисобланиб, у ерларда подшоҳ тақсимларди. **Вуа** (подшоҳ)да ер бошқарувчилигидан ташқарии, унда ўз ихтиёжларини қондириш учун бир қанча ер майдонларига эга бўлганлар. Қолган ерларнинг айрим қисми вақтинчалик кичик ва ўрта феодал чиновникларга, фуқаро ва харбий хизмат пайтида солиқ олиб фойдаланиб туриш учун берилган эди. Битта ёки бир нечта бошинадан. Шу сабабдан йиғиладиган солиқ хазинага тўланадиган олдинги рента-солиқ миқдоридан ошмаслиги керак. Бу ерлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтказилмаган. Шу феодал ер бошқарувчили тузуми XVII аср охирига келиб давлат хизматчиларинга ер майдонларини ажратилган, кейинчалик феодал-чиновникларни ўрнига хусусий меросхўрлар келиб чиққан.

Вуа (подшоҳ) ва давлат.

Вуа (подшоҳ) ва давлат хизматчилари ер майдонларидан ташқари мансабдор арестократлар Вуа қариндош-уруғлари асосий ўрин эгаллаган. Бу ер бошқарувчилиги тури Вьетнам феодализмининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. XIV аср ўрталарига келиб марказий ҳокимиятнинг сустлашганлиги ва давлат ер майдонлари қисқарганлиги сабабли арестократларнинг ерлари умумий ер майдонининг 1/6 қисмини ташкил этган. Хусусий ер эгаларининг қаторларини ўзлаштириш учун ҳуқуқ берилган. Бу ўзлаштирилмаган ерлар асосий босиб олинган ва ботқоқларни қуритилишига кенгайтирилган. Чуанг – зиенлар – йирик мансабдор аристократлар шу тариқа ривожланиб борган.

XI-XII асрларда Жанубий-Шарқий Осиёда ривож топган Будда манастирлари йирик ер эгалари хисобланган. Манастирлар қатта ер майдонларига эгалик қилиб бутун обшиналарга эгалик қилган. Манастирларга қарашли ерлар давлат солиқларидан озод бўлган. Деҳқонлар харбий хизматга ҳам чақирилганлар. XV аср охирига келиб марказий ҳокимият кучайгандан сўнг кўпчилик манастирларга қарашли ер майдонлари хазина хисобига қайтарилган. Обшинада меҳнат қилаётган 20-60 ёшгача бўлган деҳқонлар жон хисоби ва ер хисобига солиқ тўлашган, мажбурий харбий хизматда бўлган.

Обшинада иқтисодий юридик ҳамда диний масалалар умумий йиғилишда ҳал этилган. Обшиниклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этган. Улардан олинган рента – солиқ хисобига ҳамма тоифадаги феодалларни таъминлаган. XI-XV асрларда ҳукмронлик қилган сулолалар (кейинчалик Чан, биринчи марахлар Ле) деҳқонларни эксплуатация қилиш қулай бўлганлиги учун обшиналарни сақлаб қолишга ҳаракат қилган

Обшиналар ўрта асрлардаги дайвьетнинг энг паст хўжалик ва маъмурий иш юритувчи субъект бўлиб XVIII асрларгача сақланиб қолган. Обшина кўчлари билан қатта иригацион ва шаҳар қурилишлари бунёд этилган.

Давлат ерларидаги обшина деҳқонлари давлат хазинасига солиқ тўлашган ва юридик жиҳатдан озод бўлишган. Мансабдор аристократлар ерларидаги обшиналар деҳқонлари тўла озодлик ҳуқуқларига эга бўлишмаган. Ер эгаларига тобе бўлишган.

XI-XV асрларда шаҳарлар ва савдо.

Вьетнамнинг йирик шаҳарлари ва савдо маъмурий марказларидан **Тханглуанг**, харбий маъмурий марказ **Хоата** ва ташқи савдо маркази **Вандон** бўлган.

XIII-XV асрларда темур маҳсулотлари, туз, қора мол, гуруч ва тўкил маҳсулотлар билан ички савдо ривожланганлиги сабабли шаҳарлар жадал усул олган, асосий денгиз ва дарё ёнларидаги шаҳарлар ўрта асрдаги Вьетнамни транспорт нурлари асосий денгиз ва дарё ёқалаб бўлган. Ташқи савдо Вьетнамни ўзида ишлаб чиқарилган (лак, темир, фор-фор) маҳсулотлари билан Вьетнам портлари орқали амалга оширилган. Хиндистондан шарққа қарат Вьетнам портлари орқали йўл олинган.

XV асрдаги Дайвьет савдо шаҳарларида араб, хин два бошқа мамлакатлардан ҳам савдогарлар бўлган.

XIV аср охири XV аср бошларида чорак аср давомида қоғозли пул муомалага киритилиб, юқори ривожланиш даражасига кўтарилган, лекин XV асрнинг иккинчи чорак 100 йиллигида феодал ҳукумати қоғозли пулларни муомаладан чиқарган.

XI-XV асрларда савдогарлар ташкилоти мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишмаган.

Марказлашган феодал давлатни шакллантириш.

Ли сулоласи марказлашган сиёсатини олиб бориб, давлат шолчилилик водийсига, яъни савдо ва дарё ёқасида жойлашган Тханилаунг шаҳрига кўчиган. Бу Вуа сулоласи йирик феодал ва тоғли халқларни қаршилигини енгиб, давлатни харбий ва маъмурий томонидан кучайтирган. Давлат аппарати қатъий назорат остига олинган, мансабдор шахслар Вуа ўзига қасам ичганлар. Шу йилларда Вуа шахсий гвардияси ташкил топган.

Мамлакат 26 вилоятларга бўлиниб, ҳар бир вилоятда Вуа қариндошларидан ёки яқин кишиларидан бошчилик қилган. Ўз ўрнида вилоятларда кичик бўлинмаларга бўлиниб, энг паст маъмурий ташкилот обшиналар бўлган. Мансабдор аппаратларни қайта ташкиллаштириш билан бирга интизомий армия ташкил этилган. Бу армия асосан феодаллар ёлланган гуруҳлари ўрнига обшинадан чиққан деҳқонлардан тузилган.

Ли сулоласини қайта қуриш **Ли Тхиен Тонг** (1054-1072) бошчилигидаги харбий қайта қуриш билан якун тонган ва харбий (солиқ) киритилган.

XI-XII асрларда дайвьет урушлари.

Дайвьет XI асрда бирданига жануб ва шимолда икки томонлама уруш олиб борган. Бу урушлар химоя уруши бўлиб, шимолдан хитой босқинчиларига қарши ва жанубда Тямпа давлатига қарши уруш олиб борган. Тямпа давлатига қарши уруш II асрларда бошланган. XI-XII асрларга келиб, Дайвьет жанубига тинимсиз ҳужум қилишга ўтган ва Вьетнам деҳқонлари аста-секин марказий ва кейинчалик жанубий Вьетнам ерларига кўчиб ўтишган. Вьетнам деҳқонларининг кўчиб ўтишлари Дайвьетнинг жанубига қарши урушни енгиллаштирган. Тямпа флоти мунтазам равишда Дайвьет мамлакатини жанубий туманларини талон-тарож қилишган, лекин ички мағлубиятга учраган теми

феодаллари ўз дружиналари билан Дайвьет мамлакатига ўтиб кетишган. Буларни асосий Тямпа амалдорлар ва тахтга номзод амалдорлар бўлганлар. XI аср ўрталарига келиб ички низолар кўпайганлиги сабабли Тямпа мамлакати ҳукумати сусайганидан 1034-1044 йилларда Дайвьет ҳужумга ўтиб, Тямпа қиролини мағлуб этиб, Тямпа пойтахтини эгаллаб олган.

1075 йил Сунси империяси ва Дайвьет чегарасидаги қабилалар кўзғолонидан фойдаланиб, Вьетнам феодаллари шимолий қўшинларига қарши жуда катта ҳарбий юриш қилганлар. Буюк саркарда **Ли Тхионг Кьет** бошчилигидаги армия икки калонна бўлиб, шимолий қўшинларни тор-мор этган ва рақиб қўшинлари қолдиқлари икки катта шаҳарларга **Гуанч Жоу** ва **Инч Жоуга** беркиниб олишган. Тез орада **Инч Жоу** шаҳри умумий ҳужум Билан босиб олинган. Хатарли ҳолатда қолган Суналар жанубга катта армия юборганлар, шунда **Ли Тхион Кьет** чекинишни бошлаган. Дайвьет армиясининг ўз юртида таҳқирлаш омадсизларча якун топди ва сунна саркардалари Дайвьетдан чиқиб кетишга мажбур бўлишган. Урушлар якунида Дайвьет (ҳозирги *Каобанг*) бутун бир вилоятни қўлга киритган. Жанубда бир неча туманларни босиб олган.

XII аср охириларига келиб марказий ҳукуматни султалашганлиги ва йирик феодаллар полицияси кучайганлиги бошланган. Йирик қурилишлар бошланганлиги сабабли солиқ сиёсати кучайганлиги оқибатида иқтисодий қийинчиликлар келиб чиққан. Мамлакатда деҳқонлар кўзғолон кўтара бошлаган. Шу билан бирга Дайвьет ташқи сиёсий ҳолати ҳам ёмонлашиб борди. Бу шароитда кичик ва ўрта феодалларни бириктириш **Чан Тху До** бошчилигида бўлиб ўтди. **Чан Тху До** Ли сулоласидан келиб чиққан бўлиб, 1225 йил ҳукумат *Чан* сулоаларига ўтган (1225-1400 йилгача).

Чан даври марказлашган бюрократик давлатининг ривожланиши бўлиб ўтди. Иқтисодий асос бўлиб, община (СА) лар давом этарди.

Вьетнам халқининг мўғул босқинчиларига қарши кураши.

Дайвьет 1257 йилда Мўғул босқинчиларига дуч келишди. Вьетнам феодаллар Мўғул сиёсатини яхши билишарди, улар ҳарбий босқинчилик ниятларини хич этишарди. Мўғуллар аввал Сунна мамлакатига ўтказиб юборишни сўраганлар. Давлат ҳукумати эртами кечми ўз ҳукуматига ҳужум қилишини билиб рад жавобини берганлар.

Вьетнам халқи жуда каттиқ қаршилик кўрсатган, партизан отрядлари ташкил этилиб, қашқатгич зарба бериш бошлаган. Тинимсиз жанглар ва тропик иқлимга чидамаган Мўғул армияси чекинишга мажбур бўлганлар ва давлатни тарк этганлар.

1282 йилда давлат яна мўғул ҳужумини қайтарган, улар тахтга ўз одамани қўймоқчи бўлган ва бу сафар Тямпа мамлакатига уруш ўтиб кетишни сўраганлар.

1284 йил Мўғулистон ҳукумати Дайвьет ва Теми мамлакатига уруш эълон қилиб 500 минглик армияни юборган, лекин 200 минглик дайвьет армияси ва кўп минглаб партизан отрядлари қарши ҳужумга дуч келишган. Буюк саркарда Чанг Дао миллий қахрамон бўлган. Армия асосий зарбалар учун сақлаб қолиниб, партизан отрядлари билан уруш олиб борилган. Партизан отрядлари шахсан, **Чанг Ханг Дао** томонидан бошқариб борилган. Шундай қилиб, Мўғулларга –арши уруш умумхалқ урушига айланиб кетган ва аҳолининг фидоийлиги ғалабага эришишда муҳим роль ўйнаган.

Чанг Ханг Дао асосий ўринда армияни сақлаб қолишга ҳаракат қилган ва Пойтахтни тоғли туманларга қўчириб, шаҳарни қаршилик кўрсатмай ташлаб кетган. Шаҳарни босиб олган Мўғул армияси қуйдириб кул бўлган вайроналарга кириб боришган. Мўғул гарнизонлари бир-бирлари билан алоқа тиклаши жуда қийин кечган, куро-аслаха ва кийим-кечак Хитойдан араг етказиб бериларди. Босқинчилар Дайвьетни жанубий вилоятларига етиб бора олмадилар ва **Сагату** армияси қолдиқлари билан қўшилишга олмадилар. Дайвьет армияси ҳам жуда катта зарар кўриб флот бутунлай барбод бўлган эди. Шу шароитда кўп мансабдор аристократлар ва Вуа қариндошлари Мўғул тарафига ўтиб кетган эди рва шу соткинлар Дайвьет ҳукумати деб эълон қилинганди. Мўғул армияси Тямпа мамлакатига кемаларга ўтириб денгиз орқали қайтаётганда **Қизил дарё** (*Хонг ха*) яқинида Дайвьет армияси ҳужумига дуч келишди ва тўла мағлубиятга учрашди.

Бу жангда минглаб ҳарбий асирлар олинган. 1285 йил июнь ойида мамлакат тўла мўғул босқинчиларидан озод этилган.

Мўғул ҳукумати Японияга юришини тўхтатиб, учинчи бор 300 минглик армия билан Яна жанубга Дайвьет мамлакатига юриш қилган. Ветна саркардалари денгиз орқали кетаётган кемаларга ҳужум қилиб, аввало озиқ-овқат захираси юкланган кемаларни чўктириб юборилган, Мўғул жангчилари тинимсиз жанглар ва озиқ-овқатларсиз қийин ахволда қолиб турли касалларга дучор бўлишган. Махсус қурилган тўсиқларда қолган Менгел флоти (400 га яқин ҳарбий кемалар) тўла барбод бўлган (апрелнинг 1288 йил) Қуруқликдаги қуроли кучлари чегарани тоғли туманларда тўла яксон қилинган. Мўғул давлатининг юань сулоласи уч марта жанубга юриши омадсиз кечгани учун 1289 йил тинчлик битими тузилди. Тез орада Мўғул асирлари ўз ватанига қўйиб юборилди. Фақат соткинларни жазоланди.

Вьетнам маданияти.

XI-XIII асрларда Вьетнамда миллий санъат ва адабиётнинг ривожланиши билан ажралиб турарди. Бу асарларда «**Бир устун храми**» архитектура ёдгорликлари **Бутхан** харами ва бошқа кўп миллий архитектура ёдгорликлари ривожланган. Кўплаб адабиёт асарлари ёзилди, миллий ёзувлар шаклланди. XIV аср охирига келиб Буддизм «**ТХИЕН**» давлат дини хизматини ўташдан тўхталиди. Будда монастирлари Вьетнамда шимолий буддизм-махаяна келиб чиқишига асос бўлган.

Ле Тханг Тонг (1460-1497) вуаларни энг ўқмишчиларидан бўлиб, фан ва санъатга ўқув масканлари қурилишларига ватаълимга жуда катта маблағ сарфланган. **Ле Тханг Тонг** даврида «**28 юлдузлар академияси**» ташкил этилган.

Кичик феодалларни йирик ер эгаларига қарши кураши (Хо Кю Ли ислохоти).

Узоқ давр давом этган урушлар натижасида кўп деҳқонлар нобут бўлган, қишлоқ хўжалиги ва ирригацияни қайта тиклаш зарур бўлган. 1290 йилда мамлакатда очарчилик бошланиб деҳқонлар ўзерларини ташлаб ёки хусусий ер эгаларига сотиб юборишган. Захирадаги ерларни тарқатиш ҳам ёрдам бермаган. Шунга қарамадан буа **Чан Анъ Тонг** давлатнинг жанубий чегаралари чегараларини кенгайтириш мақсадида кураш олиб борган. 1307 йили Теми давлатининг подшохи билан битилган шартномага асосан Овари вилоятларини қўлга киритган Инъом этилган вилоятдаги кўзғолон кўтаришган. 1311 йилда яна уруш бошланган. 1318 йилда ва 1326 йилларда урушлар қайта-қайта бўлиб турган.

Бу урушлар Дайвьёт мамлакатини иқтисодини ва марказий ҳукуматини сусайтириб юборган эди. Уруш даврида ерларни деҳқонларга ерларни сотиб юборган йирик мансабдор аристократлар яъни марказий ҳукуматни бошқариш учун ҳаракат қилар эдилар. Кўзғолон кўтарган тоғли аҳолини қўллагани Лаосликлар Дайвьёт мамлакатини жанубий вилоятларга ҳужум қилиб Дайвьёт саркардаларини енгишди.

Солиқ тўловчи деҳқонлар қамбағаллашиб кетишини олдини олиш мақсадида ҳукумат солиқларини қайтариш билан бирга давлат захирасида бўлган маблағлардан деҳқонларга суда тариқасида бериш бошланган. Марказий ҳукуматни сусайиб боргани сабабли йирик феодаллар давлатига бўйсинмай қўйишган.

Тямпа мамлакати ўзига қарашли вилоятларни қайтариш учун уруш бошлайди. Тямпа қироли **Те Бонг Ига** бир неча марта Дайвьётнинг жанубий вилоятларини талон-тарож қиладилар ва мамлакат пойтахти Тханилаунга етиб боришади. 1369 йил мамлакат пойтахтини талон-тарож қилишади Йирик феодаллар ва ВУАни урушда қўллаб-қувватлашмайди, хазина бўш эди. Дайвьёт мамлакатига эркин ва иқтисодий боғланиб қолган кўп минглик Вьетнам аҳолиси борлиги сабабли Тямпа қироли босиб олган ерларни тўла ўзлаштириб бўлмаган эди. Бу тун Дайвьёт бўйига деҳқонлар йирки феодалларга қарши жанг олиб борардилар.

1371 йилда Дайвьёт мамлакатига **ХО КЮИ ЛИ** ҳукмронлик қилишни бошлайди. Кичик ва ўрта феодалларга таяниб йирик ва диний феодалларга қарши кураш олиб боради. 1377 йил Теми қироли яна уруш бошлаб, пойтахтгача келиб, талон-тарож қилиб кетишади.

Ерларни олди-сотди қилиш ва мерос қолдириш ман этилган. (қарам ерлар бундан мустасно). Общиналар қайта тикланган бу қайта қурилишлар ўртасидаги Вьетнамнинг қайта иқтисодий ривожланишига омил бўлган. Хусусий ерларни мерос қолдиришни ман этилиш мансабдор аристократларни хавф остига қолишини келтириб чиқарган ва уларга яна бир зарба берилган мерос ерлари чегаралаб қўйилган. 10 май (1 май 900 м.қв.). (Фақат Буа яқин қариндошлари ерлари қолган ҳолос). Бунинг натижасида жуда кўп ерлар қайтариб олиниб, деҳқонларга энг паст қийматга ижарага берилган.

Бу қайта тиклаш жараёнида йирик феодалларни апозитеяга дуч келишган, лекин **Хо Кюи Ли** қақшатқич зарба билан уларни енгиб чиққан. Аҳолини қайта рўйхатдан ўтказилганда эркаклар ярми рўйхатга тушмаганлиги аниқланади.

1402 йил Дайвьёт яна Тямпа мамлакатига қарши уруш бошлади. Бу уруш давомида Тямпа қирол Хитой билан шартнома тузиб, шимолдан иккинчи фронт очилишини келишиб олган. Хитой ҳукумати Дайвьётдан шимолий вилоятлардаги ерларни талаб қилган. 1406 йил Хитой ҳукуматиинг кўп минглик армияси икки калонна билан бир шимолдан бири шимолий ғарбдан уруш бошлайди. 1407 йили Хо армияси тўла тор-мор этилиб, Хо ва унинг сафдошлари асрига тушадилар. Дайвьёт мамлакати бўйлаб минглаб партизан гуруҳлари тузилиб, Хитой босқинчиларига қарши давом этади. 1418 йили Вьетнам фидокорлари Ле Лои атрофида бирлашиб, 1428 йил Хитой армиясини мамлакатдан қувиб чиқарадилар. Ле Лои, Ли сулоласининг бошлаб боради. (1428-1788).

Вьетнамнинг XV аср иккинчи ярмидаги иқтисодий ривожланиши.

Дайвьётнинг ички низоларини баратараф этиш натижасида мамлакатда иқтисодий ва маданий ўсиш жараёни ривож топади. Обшиниклар яна ерга эгалик қилишни бошлайдилар.

Кичик ва ўрта феодаллар маош ола бошлаган, уларни ерларида тўла юридик ҳуқуққа эга бўлмаган обшиниклар иш юритишган. **Хо Кюи Ли** даврида мансабдор аристократлар бир қисми йўқ қилиниб ташланган, бир қисми эса Хитойга қочиб кетганлиги сабабли, Буага мансабдор аристократлар деярли хавф туғдирмаганлар. Йирик монастыр ерлари ўз якунини топган. Ҳамма нарса устидан Буа якка ҳокимлик қилган.

Ле ҳукмронлик даврининг бошида ерларни қайта тақсимлаш билан бирга бир неча солиқ турлари бекор қилинган. Обшиниклар мавқеи анча яхшилланган, шу билан бирга обшиниклар миқдори кўпайганлиги сабабли рента-солиқ ҳажми кўпайган.

20-50 йиллардаги иқтисодий ва сиёсий ривожланишини Дайвьётни XV асрини Вьетнам феодализмнинг олтин асри деб аталади. Шаҳарлар жуда тез ўсган, аҳоли сони 4 млндан ошиб кетган, ички ва ташқи савдо ривожланган. Савдогарлардан олинган солиқлар давлат хазинасига жуда катта таянч бўлган.

Шу шароитда **Хо Кюи Ли** янги армия тўлабгина қолмай, икки марта ғалаба қозонишга ҳам эришади. /алаба қозонган **Хо Кюи Ли** ҳукумат мансабдорларини ўрта феодалларга алмаштириб, ўз мавқеини тиклаб олиб, яна солиқни кўпайтиради. Қайта тикланган армия Те бенг Неа армиясини тор-мор этиб, ўз ерларини қайтариб олишади.

Иқтисодий қайта қуришлар натижасида мисли пуллар ўрнига қоғозли пуллар муомалагаша киритилади.

Шундай қилиб XI асрларда Вьетнамни йирик марказлаштирилган давлатга айлантирилди. XV асрни сиёсий ва иқтисодий ривожланишида Вьетнамда феодализмнинг олтин асри деб аталади. Шаҳарлар жуда тез ўсди аҳоли сони кўпайди ички ва ташқи ривожланди маданият, маърифат, архитектура ёдгорликлари Вьетнам тарихига асос солди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Семёнов. Осиё ва Африка халқлари тарихи. Москва, Ўқитувчи. 1958 й.
2. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
3. История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вўсшая школа, 1991.
4. Средневековѐй восток. М., 1980.

5. История среднѣх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вѣщая школа, 1991.
6. Средневековѣй восток. М., 1980.

Мавзу: Урта асрларда мўғуллар ва уларнинг истилолари.

Режа:

- 1. Мўғул давлатининг вужудга келиши.**
- 2. Мўғул истилоларининг Европа ва Осиё учун ахамияти..**
- 3. XIII аср мўғулларида одат.**

Мўғул давлатининг вужудга келиши.

XII асрда муғулларда ижтимоий тузумида хали уруғчилик тузими хусусиятлари кучли бўлган. Уруғчилик қасоси уларнинг ҳаётида катта ахамиятга эга бўлган. Уларнинг динида авлод ва аждодлар руҳига сиғиниш катта ўрин тутарди. Хар бир уруғнинг иззат қиладиган ўз худоси бор эди. XII аср охири XIII аср бошларида уруғчилик емирилиши оқибатида нойлон ва баходирларнинг донгдор оилалари ажралиб чиқди. Улар ўрдага (уруғлар итифоқи) бошчилик қилардилар. Ўрдалар ўз навбатида анча йирик қабила иттифоқларига бирлашган эдилар улар тепасида хонлар турардилар.

Бу давлат бошда "харбий демократия" хусусиятларига эга бўлиб, бу ўзига хос муғул феодализи (кўчманчи феодализм) янада ривожлана бориши билан харбий демократия аста секин бузилиб, ўз ахамиятини йўқотди. Иттифоқчи қабилалар хонлари вақти-вақти билан қурултойларга йиғилиб хонлар сайлаш, душман халқлар билан уруш ва яраш масалаларини хал қилардилар, баъзан гунохкор деб топилган айрим ноёнлар ва хатто хонларнинг ўзларини суд қилардилар. 1206 йил Онон дарёси бўйида бўлган қурултойда Тимучин улуг хон деб эълон қилинди ва у Чингизхон деб атала бошлади.

Чингиз, - тоза, қувватли; денгизхон. Муғуллар Хитойликларнинг харбий техникада кўп нарсаларининг қабул қилиб олган эдилар. Дастлаб атрофдаги халқлар бўйсиндирилди. 1211 йили Хитойни истило қилиш бошланди. 1218-1223 йиллар Хоразм ва Ўрта Осиё Мухаммад Махмуд Яловоч. Ўтрор Темур Малик Жалолиддин Ўрта-Осиёдаги ирригация системаси яқсон этилди. Қўшинларнинг бир қисми Закавказьега кириб Кавказ (дербент) дараси орқали Донга, Қипчок чўлига чиқди. Бу ерда Калка дарёси бўйида 1223 йили руслар билан биринчи тўқнашув бўлди, қипчоқлар янчилди.. Чингизхон 1227 йил вафот этди. 1235 йилдан муғуллар расмий пойтахти Орхон дарёси бўйидаги Қора-Қурум шаҳри. Мамлакат туманларга бўлинган. Чингизхон ўзининг оила аъзоларига улуслар ажратиб берди. Чингизхон ўлимидан сўнг улуг хон учинчи уғул Уктой бўлди.

Чигатой - Ўрта Осиёни Амудан шарқи. Тулуй – Ўрта Осиёнинг ғарбий қисми, шарқий Эрон, шимоли Хиндистон. Жужи ўлганлиги сабабли Ботухон ғарбий Сибр, Каспий ва Оролга туташган территория, жанубий Уралдан муғул отларининг туёқлари етган территория.. "ўрмон халқлари"га эга бўлдилар.

1235 - 1242 йилларда рус, Волга булгорлари, қипчоқлар бўйсиндирилди. Муғуллар Венгрия, Чехия (моравия) Полшага кирдилар. Уларнинг қўшинлари қисман сербия ва Болгария территорияси орқали ўтдилар. Русларнинг қахрамонона қаршилиқ кўрсатиши /арбий Европани вайронликдан қутқариб қолди. 1241 апрелида Силезияга бостириб кирган муғуллар Лигниц шаҳрига яқин жойда бирлашган немис ва поляк рицар отрядларини янчиб ташлади. Муғуллар Моравия тереториясига кирдилар. Бироқ чех моравия рицарлари Оломоуц шаҳри яқинида (1241 йил июнь) Ботухан қўшинларига жиддий қаршилиқ қилдилар, вақтинчалик ғалабага эришдилар (бир қисм муғуллар устидан) ана шундай тахлика пайтида герман императори Фридрих II Штауфен жуда пасивлик кўрсатди. Агар герман императори Муғуллар ҳужумига қарши қурашига ёрдам берса Венгр короли Белла IV Германия империясига хатто вассал бўлишга ҳам розиман дейишига қарамай ёрдам ололмади. Император Европага қўрқув солган Муғул хавфига қарши ёрдам кўрсатишни бирор-бир амалий тадбирларини кўриш ўрнига Европанинг христиан королларига ва герман князларига биргина "циркулар ёзиш" билангина чекланди. 30-40 йилларда Муғуллар Грузия, Озарбайджон ва Арманистонни истило этдилар. Осиёда Муғулларнинг истилоларининг Чингизхоннинг бошқа невараси Тулуйнинг Уғли Хулаги давом эттирди. Хулагу 50-60йилларда Эронни, Месопотамияни Сурияни босиб олди. 1258 йил бошларида бу вақтда сиёсий ахамияти анча тушиб кетган Боғдод эгалланди. Аммо бу шаҳар катта савдо саноат ва маданият маркази эди. Катта кутубхоналар бор эди, шаҳар бир хамла билан олинди. У уч хафтадан кўпроқ таланди, сўнгра ўт қўйиб юборилди. Аббосийлар авлоди, мусулмонлар оламида диний жихатдангина ҳокимият юргизиб келаётган халифа Мўътасим асирга олинди ва бўғиб ўлдирилди. Шу вақтда муғуллар Хитойнинг жанубий вилоятларининг эгаллаш учун қураш оли бораётган эдилар. Уктой ворисларининг ўрини олган Хублайхон (Хулагунинг укаси) 1279 йилда бутун Хитой императорига айланиб, Пекин шаҳрини ўзига пойтахт қилди. Хубилайхон асос солган Муғул Хитой сулоласи Юань сулоласи деб аталди.

(Ўтовларда яшалган, қўнилган пайтда доира шаклида ўрнашилган ўртада хон ўтови. «Плано Карпини Рубрук» эрталаб Ботухоннинг уғли Сакатой уйларининг олиб келаётган араваларни кўрдик менга гуёки шаҳар яқинлашиб келаётгандай туйилди). Ўтовларнинг каттасини диаметри 10 метр бўлиб улар бузилмасдан 10 лаб хўкизлар қўшилган араваларда олиб юрилган. Хамма ўзининг ўтови қаерга ўрнатилишини яхши билган. Асосий сеҳргар шомон ўтови хоннинг биринчи хотини ўтови қаршисида бўларди. Қолганлари (Христиан монархлари хам) ўз даражаларига кўра хоннинг бошқа хотинлари ўтови қаршисида ўз ўтовларини ўрнатардилар. Уни олти қароргоҳ дейишарди, Боту хам бошқа ноёнлар хам улар олдида қўшиқ айтиб музика чалинмаса ичмасдилар. Соировенное сказание. Монгольская хроника. После окончательного попоронения сар таулского народа (народо ср. азии) чингизхон стал ставит новсеам городам охраних Воевод. Планакарнининг. История монголо.

заргари Вилген Бушшенни курган. Қора Курум ягона катта шаҳар муғул чўлида боғлар каналлар, 1253 йилда у ерда бўлган Рубрук «шаҳарда 2 та квартал бор. Саройлар. 12 динга оид ибодатхона, 2 масжит бор. Христиан

черкови пойдевор билан ўралган, 4 дарвозаси бор. Шаркий дарвозададон, ғарб кўй эчки, жануб хўкиз ва аравалар, шимолий дарвозада облар сотилади».

1256 йили Мункехон буйруғига биноан 75 метрли (баландлиги) будда ибодатхонаси қурилган. 1260 йил Хубилай хокимиятга келгандан сўнг пойтахтни Шанду (Кайпин) шаҳрига кўчирган кейинроқ Хон Баликга (дайду хозир) кўчирган. 1380 йили Қора қурум Хитой кўшинлари томонидан вайрон қилинган. XV асрда ҳам у бор эди. Кейин 100 йилдан сўнг у ҳақда хотира қолган холос. 1940-50 йилларда Монгол-Совет экспедицияси қазилган. Археологлар.

Мўғул истилоларининг Европа ва Осиё учун аҳамияти..

Кадимий савдо йўллари хувиллаб қолди, Холибуки бундай катта давлатнинг пайдо бўлиши савдо сотиқнинг кизиби кетишига ёрдам бериш керак эди. Темур - Тўхтамыш. Чингизхон ворислари I сулолага мансуб бўлса ҳам ўзаро урушларни кучайтирдилар. Уктой авлодларини Хулагулар кириб бостирди. Феодал тарқоқлиги бошланди.

XIII аср мўғулларида одат.

"Кимдир ота билан унинг қизини олиш тўғрисида келишса ота базмни уйиштиради қиз Яқин қариндошиникига қочиби кетади. Ота қизим сеники хоҳлаган ерингдан топиб олавер". Олиб қочиш келишилган ҳолда амалга оширилган. Левират бева ўлган эрининг ука ёки акасига тегиши.

Реанно Карпини: мўғуллар отаси ўлимидан сўнг оналарига уйланиши мумкин, акаси ўлса укаси ёки яқин қариндошларига унинг бевасига уйланишга мажбур.

Марко Поло: ота ўлса ўғай онага ака ўлса унинг бевасига уйланади ука ўғул уруғни сақлаш учун. Мўғуллар хотинни албатта сотиб олиши керак эди. Шу сабабли қизлар анча кеч эрга берилади. Ота уни қимматроққа сотиш учун ушлаб туради. Лекин киз учун қалин ҳам берилади. Кийим, бир неча от, сигир, қўй.

Корейсларда бўлса бу вақтда уйланиш учун маблағ сарфланмаган. Қалин олган кишини каттиқ уялтиришган. Кучлук (Чингиз даврида) Найман ҳукмдори ўғиллари учун ўзи совчиликга борган. Хитойликлар Левиратдан нафратланишган, уни қонунга зид деб билишган. "Одамлар борки, улар ит ёки чўчка каби ўз ўғай оналарига уйланадилар."

АДАБИЁТЛАР:

1. Греков Б. Д. Киевская Русь. М., 1953.
2. Рўбаков Б. Д. Древняя Русь. Сказания, бўлинў, летописи. М., 1963.
3. Пашуто В. Т. Внешняя политика древней Руси. М., 1968

Таянч иборалар

1. Чингизхон
2. Ясок
3. Олтин урда
4. Боту

Мавзуга доир саволлар

1. Мугилларни бирлашиш сабаблари?.
2. Чингизхонни кучи нимада эди.?
3. Мугилларнинг истилоларини оқибатлари?

3. Сўнгги ўрта асрлар.

Мавзу. XVI-XVII асрлада Хитой.

Режа:

1. Мин сулоласининг заифлашуви.
2. XVII асрнинг 30-40 йилларида Хитойдаги деҳқонлар уруши.
3. Манчжурия династиясининг хокимият тепасига келиши.
4. Хитойга Европа мустамлакачиларининг кириб келиши ва Цинь династиясининг уларга қарши кураши.

Мин сулоласининг заифлашуви.

XVI аср охири ва XVII аср бошларида Мин сулоласи тўла тушқунликка юз тутган эди. Бу «деҳқонлар» сулоласининг дастлабки даврларида сал-пал мавжуд бўлган баъзи демократик тенденциялари энди аллақачонлар тугаб кетган эди. Мин монархияси айниб, ўзидан олдинги сулолалар сингари оддий бюрократик деспотияга айланган эди. XVI аср бошларидан эътиборан давлатни идора қилиш ишлари тепасида давлат хазинасини уялмай-нетмай талаган ва шу тариқа жуда катта бойлик орттирган император харамининг ходимлари бўлган маҳрамлар турар эди. Ҳаддан ташқари ўсиб кетган бюрократик давлат аппарати, дабдабали император саройининг ниҳоятда катта чиқимлари ва Япония билан бўлаётган уруш янгидан-янги солиқ даромадларини талаб қилар эди. Биргина XVII асрнинг иккинчи ўн йиллигида барча давлат солиқларининг ҳажми шундан олдинги ўн йиллардагига нисбатан 50% кўпайди. Давлат солиқлари ва бунинг устига маҳаллий феодаллар, судхўрлар ва амалдорлар фойдасига олинадиган хар-хил оқир тўловлар туфайли деҳқонлар ва шаҳар хунарамандларининг тинкаси қуриган эди.

Халқ оммаси табиий офатдан: сув тошқинидан, такрорланиб турадишган қаҳатчиликдан, очарчиликдан, эпидимиядан азоб чекар эди. XVII асрнинг биринчи ярмида Хитой халқ оммасининг ҳаёти доимо тўйиб овқат

емаслик, одамхўрликкача бориб етган очлик, аҳоли ўлимининг авж олиши билан характерланар эди. Шу билан бирга XVII аср бошларида Хитойнинг халқаро аҳволи жуда ёмонлашди. Шимолда, Сунгари дарёси хавзасида яшовчи Маньчжур қабиалари тахминан 1606 йилда бирлашди. 1625 йилда Маньчжурлар Мункденни ва деярли бутун Ляодун ярим оролини босиб олдилар. 30-йилларда Корея Маньчжурларга вассал қарам бўлиб қолди. Маньчжурларнинг Хитойдаги шимолий вилоятларга хужум қилишлари одат бўлиб қолди. Мин ҳукумати варварларга зарба беришга қодир эмаслигини кўрсатди. Бу эса халқ оммасининг бошига янги кулфатлар келтирар ва уларнинг ҳаётининг чидаб бўлмайдиган даражада жуда танг қилиб қўйган эди. Омманинг мавжуд режимдан норозилиги кучая бориб, оқибат натижада деҳқонларнинг жуда катта урушига айланди ва бу уруш Мин сулоласини ҳалокатга олиб келди.

XVII асрнинг 30-40 йилларида Хитойдаги деҳқонлар уруши.

Деҳқонлар ҳаракатининг бошланишига 1628 йилдаги очлик туртки бўлди. Шиньси билан Шанси вилоятларида бу очлик айниқса кучли бўлди. Бу вилоятларда бошланган ҳаракат 1632 йилда марказий Хитойнинг бошқа областларига тарқалди. Қўзғолон Хуанхе билан Янцзи дарёлари ораллигидаги ҳамма ерларга ёйилган эди. Хенан, Хубей, Анхой, Шаньдун, Сегуан вилоятларида бу қўзғолон айниқса кучли бўлди. Деҳқонларнинг қуролли отрядларида бир неча ўн минглаб қўзғолончи бор эди.

Лекин қўзғолон тарқоқ бўлганлигидан ҳеч қандай натижа бермади. 30-йилларнинг иккинчи ярмида қўзғолон бир қадар пасайиб ҳам кетди. Қўзғолончи отрядлардан бир қисмини ҳукумат қўшинлари тор-мор келтирди.

Ҳукумат қўшинлари Маньчжуриянинг шимолидаги урушда банд эканида деҳқонлар қўзғолонининг янги тўлкини 1641 йилда яна бошланиб кетди. Собиқ оддий қишлоқ темирчиси Ли Цзи Чен деҳқонларнинг йўлбошчиси эди. 1639 йилдаёқ Ли Цзи Чен қўзғолончиларнинг катта қўшинини ташкил қила бошлади, 1640-1643 йилларда у бир қанча йирик шўҳарларни босиб олди ҳамда Монголиядан Приморьегача, Хуанхе дарёси водийсидан Янцзи дарёси водийсигача бўлган жуда катта территорияни контрол қилиб турди, қўзғолончиларнинг пойтахти Циань (собиқ Чань-Ань) шаҳри бўлди. Ли Цзи Чен ўзини император деб эълон қилди. 1644 йилда Ли Цзи Чен шимолга юриш ташкил қилиб Пекинни олди. Мин династиясининг охириги императори ўзини-ўзи ўлдирди. Буюк Шимолий пойтахтни эгаллаган Ли Цзи Чен Мин зодагонлари ва юқори бюрократиясининг вакилларида каттиқ ўч олди. Кўпгина феодаллар, шу жумладан, император хонадонининг бош маҳрамлари қатл этилди, уларнинг мол-мулклари эса мусодара этилди.

Янги ҳукумат деҳқонлардан солиқ олмади, армияни ва давлат бошқаруви аппаратини сақлаш учун зарур маблағлар, асосан феодал-ер эгаларига ҳамда энг бадавлат шаҳарликлар - савдогарлар ва судхўрларга кўплаб солиқ солиш орқали ундириб олинди. Бироқ, Ли Цзи Чен Пекинда фақат 42 кун турди. Шундан кейин у пойтахтни тарк этишга мажбур бўлди. Хитой феодаллар, Мин династиясининг очикдан-очик тарафдорлари, қисман эса Мин династиясига оппозицияда бўлган феодаллар деҳқонлар ҳаракатининг авж олишидан ҳамда революцион ҳукумат тadbирларидан қўрқиб кетиб, ташки душманлар-Манчжурлар билан тил бириктирдилар ва улардан қўзғолон кўтарган халққа қарши ёрдам сўрадилар. Манчжурлар билан музокараларда хоин-Мин генералларидан бири У Санг-Гуй актив роль ўйнади. Шахзода Дурган (Манчжуриянинг ёши етмаган император ҳузурида шахзодалик вазифасини бажариб турган) бошчилигидаги Манчжурларнинг жуда катта армияси Хитой ерларига бостириб кирди. Ли Цзи Чен ҳам икки юз мингга яқин кишидан иборат катта армияси билан Манчжурларнинг ҳамда уларга қўшилган У Санг-Гуйнинг қўшинларига қарши отланди.

Бироқ, Ли Цзи Чен қўшинлари Пекин яқинида мағлубиятга учради. Ли Цзи Чен жанубга қочишга мажбур бўлди. Бу ерда у Шенси вилоятида бир оз вақт курашни давом эттирди. Аммо у 1645 йилда маҳаллий феодаллар томонидан деҳқонлар ҳаракатини бостириш учун тузилган отрядларнинг бири томонидан ўлдирилди.

1644 йил 6-июнда Манчжур қўшинлари У Сан-Гуй қўшинлари билан биргаликда Пекингга кириб борди. Шу тарзда Хитойда янги ажнабий династия ҳукмронлик қила бошлади. Цинь деб аталган бу династия Хитойда 1911 йилгача ҳукмронлик қилди.

Манчжурия династиясининг ҳокимият тепасига келиши.

Хитой халқининг манчжур босқинчиларига қарши кураши. Манчжурия династияси Хитойда дарҳол мустаҳкамлана олмади. 1645 йилда Манчжурлар шиддатли жангдан кейин Янтжоу ва Нанкинни олиб, жанубий вилоятларга қараб йўлга чиқишганида уларнинг фронт орқасида Манчжурларга қарши қўзғолон янги куч билан кўтарилди. Хун ань, Сичуан ва гуанси, Чжецзян, Фунзян, Шеньесми ва Гансу вилоятларида Манчжурларга қарши ҳаракат авж олиб, бу ҳаракат XVIII аср 40-йилларининг охиригача давом этди. Манчжурлар шу пайтга келибгина қўзғолонни бостира олдилар. Шарқий вилоятларда кенг кўламдаги ҳаракатлар бўлиб ўтди, бу ерда Манчжурларга қарши курашда денгиз соҳилидаги ана шу вилоятларнинг савдо флоти катта роль ўйнади. Денгиз соҳилида жойлашган шарқий вилоятлардаги Манчжурларга қарши ҳаракат 1662 йилдагина узил-кесил бостирилди.

Жанубий вилоятларда Манчжурларга қарши ҳаракат янада узок давом этди. Тайван оролида ва Жанубий-шарқий Хитойнинг денгиз соҳилидаги вилоятларида Манчжурлардан мустақил бўлган Чжен-Чен Гун ва унинг ўғли Чжен-Цен бошчилигида мустақил давлат ташкил топди. Жанубий Хитой портларидаги савдогарлар орасида социал-таянч топган бу жанубий давлат 30 йилдан кўпроқ (1650-1683) яшади. Чжен Чен-Гун флоти 50-йилларда Нанкин шаҳрини икки марта қамал қилди. Оқибат натижада Манчжурлар Чжен Цен-Гун ворисларини Голландия флоти ёрдамида тор-мор келтиришга муваффақ бўлдилар. Ана шу давлат мустақиллиги тугатилгандан кейингина Цин давлати ўзини бутун Хитойнинг ҳўжайини деб ҳисоблай олди. Ана шундай бенихоя оғир шароитларда, феодаллар ўз ватанларига хиёнат қилган вазиятда Хитой халқи бир-неча ўн йилликлар мобайнида Манчжурия босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди.

Манчжурлар зулми Хитой халқ оммаси елкасига оғир юк бўлиб тушди. Янги ҳокимиятнинг тобора даҳшат билан ўтказган муттасил жазо операциялари натижасида мамлакат хонавайрон бўлди. Манчжурлар Хитойларнинг

миллий туйғуларини таҳқирладилар. Жумладан, барча эркак хитойлиарнинг бўйсунганлик рамзи сифатида узун соч қўйиб ўриб юришга мажбур қилдилар. Манчжурлар феодал деҳқончилик муносабатларини мустаҳкамладилар ва сақлаб қолдилар. Ўзлари босиб олган районларда деҳқонлар ҳаракати қолдиқларини шафқатсизлик билан бостирдилар. Манчжуриянинг янги зодагонлари ҳамда мамлакатда имтиёзли мавқени эгаллаган ва жандармаларнинг ўзига хос жуда катта корпуси ролини ўйнаган манчжур қўшинлари жуда катта ерларни босиб олди; уларнинг вазифаси халқнинг янги ҳаракати йўлидаги ҳар-қандай уринишларни доимо бостириб туришдан иборат эди. Айтилган манчжурлар қўшни халқларга нисбатан душманлик ва ишончсизлик сиёсатлари билан Хитойни атайин яккалаб қўйдилар, бу жиҳатдан унинг муваффақиятли социал-иқтисодий ривожланишига ҳалақит бердилар.

Хитойга Европа мустамлакачиларининг кириб келиши ва Цинь династиясининг уларга қарши кураши.

XVII асрда Европалик савдогарлар ва миссионерлар Хитой ичкарасига киришга ҳаркат қилдилар. Католик (асосан португалия ва қисман Франция) миссионерлари бир вақтлари Манчжурлар ишончини қозониб, уларга, жумладан, тўпчи инструкторлар ва қурол-яроғ ишининг усталари сифатида хизмат кўрмсадилар.

Айни вақтда XVII асрнинг иккинчи ярмида Хитойга инглиз, голланд ва француз Ост-Индия компанияларининг вакиллари кириб келишга астойдил ҳаракат қилиб, Хитой ҳукуматидан турли енгилликлар ва имтиёзлар олишга муваффақ бўлдилар. Бироқ, Европа мустамлакачиларининг бу сиёсати муваффақиятли чиқмади.

Янги Цинь династияси мустаҳкамланиб олган Европа миссионерларининг хизматига муҳтож бўлмай қолди ва улар XVII асрнинг 60-йилларида мамлакатдан қувиб чиқарилди. XVII асрнинг охирида улар Хитойда ўз тифолиятлари учун яна имконият олдилар. Бироқ, XVIII асрнинг бошларида улар яна бир марта ҳайдаб чиқарилди ва бу гал қувиб чиқариш ўзил-кесил бўлди. Улар Жанубий Хитой соҳилида жойлашган Макао оролидаги Португалия мустамлакасидагина яшай олардилар. XVIII асрда, 1757 йилда Хитой ҳукумати биргина Кантон портидан ташқари ўзининг портларини барча ажнабий савдогарлар учун тамомила ёпиб қўйди.

Хитойнинг ажнабийлар учун машҳур «ёпиб қўйилиши» шу тарзда бўй берди. Бу ҳол XIX асрнинг ярмиларигача давом этди. Цинь династиясининг Хитойга чет-эл капиталининг суқилиб киришига қарши ана шунда йкурашиши натижасида Хитой чет-эл капиталистик эксплуатациясидан бир оз вақт холи бўлиб турди. Аммо бу сиёсатнинг иккинчи салбий томони ҳам бор эди. Хитой ана шу сиёсат натижасида ташқи дунёдан тамомила ажралиб қолди. Ташқи иқтисодий алоқалар шу йўл билан қўпол ва сунъий тарзда тўхтатилди ва чекланди. Бу эса Хитой ҳунармандчилиги ва Хитой мануфактурасининг, Хитой шахри ва Хитой ички савдосининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Умуман олганда бу тадбирларнинг ҳаммаси, Хитойнинг орқада қолишига ҳамда унинг иқтисодий ва ижтимоий тузуми ривожланмай қолишига олиб келди, оқибат натижада халқ оммасининг аҳволи ёмонлашиб, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти тўхтатиб қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М., 1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вѐсшая школа, 1988.
4. История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вѐсшая школа, 1991.
5. Средневековѐй восток. М., 1980.
6. Васильев.Л.С. Аграрнѐе отношения и община в Древнем Китае. М., 1961.
7. Вельгус.В.А. Средневековѐй Китай. М., 1987.
8. Лапина.З.Г. Учение об управлении государством в средневеком Китае.М.. 1985.
9. История Китая. М., Изд. Восточ. Лит. 1989.

Мавзу. XVI-XVII асрларда Япония.

Режа:

1. Токугава режимининг ўрнатилиши.
2. Ажнабийларга муносабат.
3. Японияни яққаланиб қолиши.

Хидеёси ўлгандан кейин диктатура 1598 йилда Ода Набунаганнинг бошқа бир всафдоши ва Хидеёсининг ракиби бўлмиш Иеясу Токугава қўлига ўтди. Токугава шарқий (кантон) вилоятларининг тепасида турган энг йирик феодал князлардан бўлиб, жуда мустахкамланган Эдо (иедо) қасри унинг резиденцияси эди. Иеясу бир оз вақтгача Хидеёси тахт ворисининг васийси бўлиб турди. Аммо 1603 йилда етарли даражада мустахкамланиб олиб, ўзини сёгун деб эълон қилди. Унинг сёгунлар сулоласи 250 йил давомида, яъни Микадо ҳокимиятини тиклаган 1868 йилги «революция»гача Японияни идора қилиб келди.

Токугавалар режими бу сулоланинг учинчи сёгуни Иемицу Токугава даврида (1623-1651) узил-кесил ўрнатилган эди.

Иемицу 1637 йилда Кюсю оролидаги Самабери округида деҳқонларнинг жуда катта қўзғолонини шафқатсиз равишда бостирди. Янги сёгун ана шу халқ ҳаракатиға қарши курашнинг бевосита таасуроти остида 1639 йилда Япония давлати таркиб топган феодало конституциясини юридик жиҳатдан расимлаштириб берган қонунлар тўпламини нашр қилди. Бу қонунлар тўпламида меҳнаткашлар учун жуда ҳам оғир турмуш шароитлари қўзда тутилгани ҳолда полициячилик-крепостнойлик ниҳоятда яққол ифодаланган эди. 1639 йилги кодексга кўра социал муносабатлар: ҳарбийлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлардан иборат тўрт сословие муносабатлари шаклида ифодаланган эди. Шу аҳоли гуруҳларининг муносабатлари қаттиқ тартиб ва қоидалар билан белгиланган эди. Оксужлар ва самурайларга мансуб турли гуруҳларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонунда икир-чикирларига муфассал кўрсатиб берилган эди. Давлат саноат ва савдо-сотиқ ишларини ўчакишиб назорат қилар ва унга бачканалик билан васийлик қилар эди. Савдогарларнинг гильдиялари ва айниқса ҳунармандларнинг цехлари бутунлай ҳукуматга боқлиқ эди. Ҳукумат савдо-сотиқдан ва саноатдан катта давлат даромадлари олиш учун ҳам улардан кенг фойдаланар эди. Деҳқонларга нисбатан белгиланган тарти-қоидалар айниқса қаттиқ эди. Уларнинг турмушдаги ҳар бир қадамини ҳукумат қаттиқ кузатиб турарди. Деҳқонларга гуруч ейиш ман этилган эди. Чунки улар учун бу «ортиқча неъмат» деб қарарлар эди. Уларга шойи ва полатно кийим кийиш ҳам ман қилинган эди. Фақат арзон баҳори ип-газламадан кийим кийиш мумкин деб кўрсатилган эди. Деҳқонларга ҳамма нарсда «камтар» бўлиш буюрилган эди. Ҳатто тўй, азаларга ва ҳоказоларга сарф бўладиган ҳаражатлар ҳам маълум миқдордан ошмаслиги шарт эди.

Ўзи ва Киотодаги саройи учун аниқ тайинланган маошга асосан яшовчи Микадо номигагина ҳокимият эгаси эди. Қонунлар аслида уни ташқи дунё билан алоқа қилиш имкониятидан тамомла маҳрум қилиб қўйган эди. Сёгунларнинг пойтахти Эдо шаҳри бўлиб, у жуда тез ўсиб, катта марказга айланиб борди. Сёгунлар бу ерда дабдабали ҳаёт кечирар эдилар. Катта феодаллар мулкдор князлар-Даймё ва бошқаларнинг кўп вақт пойтахтда яшаб, сёгунлар саройига катнаб туришлари шарт эди. Улар ўз вилоятларига қайтиб кетганларида хотин ва бола-чақаларини гаров қилиб Эдода қолдиришлари лозим эди. Токугавалар ўрнатган бу режим кенг тармоқли полиция аппаратиға асосланган эди. Ҳукумат ўзининг ошқора ва махфий агентлари воситаси билан деҳқонларни, шаҳар плебсларини, катта савдогарларнинг хонадонларини, самурайларни ва феодал князларни кузатиб турарди. Шундай қилиб Японияда феодализм давридаёқ исковуч полициянинг мудҳиш аппарати вужудга келтирилган эди ва бу аппарат аҳолининг ҳуқуқсиз меҳнаткашлар оммаси бошига оғир кулфатлар солар эди.

Ажнабийларга муносабат.

XVI асрда Япония, Корея, Хитой, Ҳинди-Хитой, Филиппин билан кенг турда савдо муносабатлари ўрнатган эди. Европаликлардан Португаллар, Испанлар, кейинчалик эса XVI асрнинг охирларидан бошлаб Голландалар Япония билан савдо қилар эдилар. Аввалига Европаликларга Японияда миссионерлик фаолият билан шуғулланиш учун анча кенг имконият бериб қўйилди. Европаликлар Хидеёси армиясини Япония-Корея уруши даврида ўқ отувчи қурооллар билан таъминлаб турдилар. Аммо Хидеёсининг ўзиёқ испан ва португал миссионерларининг фаолиятини чеклай бошлади. Иеясу Токугава даврида ажнабийларга нисбатан яна бир қанча чеклашлар ўрнатилди. Токугава испанлар билан португалларнинг таъсирини заифлаштириш мақсадида голландларга кўпроқ ҳомийлик қила бошлади. Иемицу Токугава Европаликларни мамлакатга қўймаслик мақсадидҳа қатъийроқ сиёсат ўтказди. XVII асрнинг 30 йилларида бир қанча фармойишлари билан Японларнинг ўз мамлакатини тарқ этишней қатъиян таъқиқлади, Испанлар билан португалларга эса Япония оролини мутлақо ташлаб чиқиб кетишни тақлиф қилди. Бундан Голландаларгина истисно бўлиб, уларга Нагасаки портига кириш учун рухсат этилди. Хитой савдогарлари ҳам ана шундай имтиёз олдилар.

Япония ҳукумати томонидан ажнабийларга бундай муносабатда бўлишнинг сабабларидан бири қисман пул-иқтисодий мулоҳазалар бу мамлакатдан олтин ташиб чиқиб кетилиши хавфи, чет-эллик савдогарларнинг маҳаллий савдогарлар билан рақобати ва шу сингарилардан иборат эди. Аммо Токугаванин ажнабийлардан халос бўлишга даъват этган ҳал қилувчи омил-ички сиёсий характерга эга бўлган мулоҳазалар эди. Ҳукумат христиан миссионерларининг «бузғунчилик» таъсиридан қўрқар эди, чунки айрим районларда Япон деҳқонлари ва бошқа меҳнаткашлар, баъзи христианлик тенгчилик ғояларидан ҳамда Японияга Европаликлар келтирган ўқ сочувчи қурооллардан фойдаланиб, Япон феодалларига қарши чиқдилар. Юқорида эслатиб ўтилган 1637 йилда Кю-Сю оролида бўлган ва 30 минга яқин киши қатнашган деҳқонлар қўзғолони ҳудди ана шундай диний шиорлар остида ҳамда Испанлар билан Португалларнинг бевосита мадади билан рўй берган эди. Голландлар аксинча бу даврда Япония

хукуматига ёрдам бердилар: голландия кемалари кўзғолон кўтарилган срхил бўйи райёонини тўплардан ўкка тутди. Хукумат Кю-Сю оролида кўзғолонни бостириб диний жихатдан ҳам аҳоли устидан назоратни кучайтирди. Будда рухонийлари будда ибодатхоналарга келувчилар устидан назорат қилиш юзасидан кнг кўламда полициячиларнинг ваколатларини олдилар. Ҳар бир киши

Маҳаллий Будда жамоасига мажбурий таритибада аъзо бўлиши керак эди. Бошқа динга ўтиш жиноят ҳисобланиб бунинг учун ўлим жазоси берилардир. Япония ҳукумати «ғарб кишилари» ҳақида бирорп гап ёзилган европадан ва қисман хитойдан келтирилган китобларнинг ҳаммасини куйдириб ташлаш ҳақида буйруқ чиқарди.

Японияни яққаланиб қолиши.

Япониянинг ташқи дунёдан ажралиб қолиши (хатто хитой билан ҳам муносабатлар ғоят чекланган эди). XIX асрнинг ярмигача давом этди. Токугава режимининг бутун бир системасига кирувчи бу сиёсат умуман мамлакат учун ғоят оғир ва салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Бу нарса Японияда феодал муносабатларнинг энг қолоқ формалари сақланиб қолишига ёрдам берди. Яққаланиб қолиш шароитида Япон фелдаллари ва уларнинг амалдорлари Япон меҳнаткашлари оммаси устидан айниқса, ҳар томонлама ва назоратсиз ҳукмронлик қилиб ўз синфий диктатураларини дахшатли формада амалга оширдилар. Айни вақтда Япониянинг яққаланиб қолиш уни очикдан-очик қолоқликка маҳкум этди. Бу эса саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам эски ишлаб чиқариш усулларини сақланиб қолишида ўз ифодасини топди. Бу нарса мамлакат маданий ўсишининг тўхтаб қолишига ҳам таъсир кўрсатди.

Шундай бўлсада, XVII асрда Японияда сушт бўлса ҳам муайян ўсиш рўй берди. Мамалкатда товар-пул муносабатлари ривожланиб аста-секин Япон қишлоқларига ҳам кириб борди. Шаҳарларда савдогарлар капитали тўпланди. Саноатнинг айрим тармоқлари- чинни тайёрлаш, ип-газламага гул босиш, қоғоз ва шу сингарилар ишлаб чиқариш кенгайди ва такомиллашди. Бир қанча шаҳарларда XVII аср ўрталарида мануфактура вужудга келди. Аммо бу онда сонда ишлайдиган мануфактуралар эди. Феодалларнинг орасида тобора кўпроқ табақалашув рўй берди. Феодаллар-самурайларнинг паст қатлами хонавайрон бўлиб, шаҳардаги ўртача ва хатто куйи қатламларига тобора яқинлашиб борди.

Фойдаланилган дабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М., 1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўшяя школа, 1988.
4. История среднѐх веков (под ред. З.В. Удальцовой и С.П. Карпова. 1-2 ч.). М., Вўшяя школа, 1991.
5. Кузнецов. Ю.Д. История Японии.
6. Песков. С.С. Япония в раннее средневековье. М., 1987.
7. Сила-Новицкая. Т.Г. Культ императора в Японии-мифѐ, история, доктринѐ, политика. М., 1990.

Мавзу: XVI-XVII асрларда Хиндистон.

1526 йилда ташкил топган Бобурийлар (Хиндистон) империяси XVI-XVII асрларда жуда катта давлатга айланди. У жан. Хиндистон давлатлари – Бидар, Голкунду ва Бижалирга бир қадар таъсир ўтказиб турарди.

Аграр муносабатлар Бобурийлар вақтида ҳам Дехли Султонлиги давридаги йўналишда ривожланаверди. Лекин ерга давлатнинг феодал усулида эғалик қилиши янада кучайди. (Ўрта Осиёдаги каби !)

Экин экиладиган ерларнинг тахминан 1/8 қисми шохга тегишли эди. Қолган ерлар ҳарбий хизмат уталаётган муддатга бериладиган ва мерос ерлар эди.

Жагирдор расман ўзига қарашли ерларда яшовчи аҳолидан феодал рентаси йиғиш ҳуқуқинигина оларди. Амалда эса чексиз ҳокимиятга эга бўларди. Жагирлар ҳажми ҳар-хил бўлиб, баъзиларида 10 мингларгача дехқонлар яшар эди.

Хинд феодаллари туркийларга бўйсиниш ва уларга мунтазам бож тўлаш шарти билан ерга эғалик қилишни сақлаб қолган эдилар. Маҳаллий беклар бобурийлар учун аҳолидан солиқ тўплаш ҳуқуқини олган эдилар. Маҳаллий бек заминдорлар вазифаси мерос бўлиб ўтадиган деб эълон қилинганлиги сабабли, заминдорлар вақт ўтиши билан солиқ йиғиладиган ана шу ерларни ҳам ўз мулкларини бир тури деб ҳисоблай бошладилар.

Ер мулки, асосан, мусулмонлар қўлига ўтган бўлса ҳам, савдо, судхўрлик операциялари, хунармандчилик маҳаллий хинд аҳолиси қўлида қолди.

Лекин Ўрта Осиёликлар, тажрибалари борлиги сабабли, қуруқликда ва қисман денгиз орқали ташқи савдодаги хиндлардан устун турардилар.

Хиндистонда эски жамоа системаси бузила бошлади. Асосий сабаб пул-махсулот муносабатлари. Хиндистонда шаҳарлар ривожланди, санъат ўсди, хом ашёга бўлган талаб майда қишлоқлар биқиклигини йўқотди. Жамоалардаги дехқонлар орасида тенгсизлик кучайди. Қамбағалларнинг катта қисми «Моховнинг қасталари» деб аталадиган паст табақа вакиллари эди.

Давлат Бобурнинг невараси Акбар ҳукмронлиги даврида (1556-1605) жуда равақ топган эди. Бенгалия, Орисса, Гужорат ва Кашмир вилоятлари ҳамда Хандеши ва Аҳмад Нагар султонликлари қўшиб олинди. Акбар хинд савдогарларига ҳомийлик қилиб келган, унинг даврида индуизм тарафдорларини диний таъқиб этиш тўхтатилди. 1593 йили диний эркинлик тўғрисидаги фармонга биноан мажбурий исломга киритилган хиндларга илгариги динларига қайтишга рухсат берилди.

Франциядаги Нант эдиктидан 5 йил аввал. 1598 йил. Католицизм давлат дини, лекин Гугенонлар уз динларига эътикод қилиш имконини олганлар. Хинд аҳолиси жузъдан озод этилди.

Ер масаласидаги жанжаллардан қутилиш учун Акбарнинг буйруғи билан бутун Хиндистон учун ягона ер ўлчови жорий қилиниб, сўнгра ҳамма ерларга таноб тортиб чиқилган эди. Солиқ солинганда ерларнинг сифати ва тупроқнинг унумдорлиги эътиборга олинарди. Давлат солиғи хосилнинг 1/3 қисми миқдорида белгиланган бўлиб, кейинги 20 йил мобайнида ўртача нарх ҳисобида пулга айлантириб олинарди. Солиқ тўплашда ижарачилик системаси бекор қилиниб, солиқни махсус молия амалдорлари тўплайдиган бўлди.

Акбар даврида империя 15 вилоятга бўлиниб, уларнинг ҳар бирига шох ноиби губернатор ҳоким қилиб қўйилган эди. Хиндистон ирригация системаси анча кенгайтирилган. Дехли «Ўша даврда жаҳондаги барча шаҳарларнинг энг каттаси ва гуллаб яшнаётган шаҳар» га айланган. (К. Маркс)

Агра давлатнинг 2- пойтахти эди.

Акбар ҳукумронлиги даврида мусулмон ва хинд феодаллари муайян даражада жипслашган вақт бўлди.

Акбар йўлини ўғли Жаҳонгир (1605-27) ва набираси шох Жаҳон (1627-58) давом эттиришга ҳаракат қилишди.

Шох Жаҳон 1632 йили Ахмаднагарни эгаллади. 1636 йили Голканда ва Бижапур ўз қарамликларини тан олдилар. Ташқаридан қараганда шох Жаҳон даври Бобурийлар империяси энг гуллаб яшнаган даврга етгандек туюларди. Аммо империянинг ички заифлиги сезила бошлади. Феодаллар ғалаёнлари давлат марказлашувига путур етказа бошлади.

Акбар ворислари пулга тобора кўпроқ мухтожлик сезиб солиқ тўплашни сотиш системасига қайтишга мажбур бўлдилар. (унинг беманилигини билиб туриб)

Окибатда жагирдорларнинг маҳаллий аҳоли устидан ҳукумронлиги тўлароқ ва назоратсиз бўлиб қолди.

Бирмунча уддабуронлик билан ҳукумронлик қилган шохларнинг сўнгиси Авранзеб (1658-1707) эди. У Бажапур ва Голкандани узил-кесил эгаллади. Инглизларнинг Ост-Индия компаниясининг 1688-89 йиллардаги хужумига қарши зарба бера олди. Компания унга жуда катта товон тўлашга мажбур бўлган эди. Аммо Авранзеб сиёсати тор кастачиликга асосланган бўлиб, Акбарниқидан бутунлай бошқача эди.

Европа мустамлакачилари таҳдид солиб турган пайтда у Хиндистон миллий кучларини бирлаштириш ўрнига аксинча қилди. Хиндларни яна диний таъқиб остига олиб, жузъани қайта тиклади. Мусулмон феодалларнинг хиндлардан олган қарзини тўламасликга йўл қўйди. Уруш ҳаражатлари кўпайиб, ирригация сарфлари камайтирилди.

Вилоятлардаги ноиблар ва истило этилган вилоятлар маҳарожалари мустақиллика интила бошладилар. Авранзеб даврида /арбий Дехан тоғларида яшовчи маҳратх қабиласи дехқонлари ҳаракати кўтарилди. Уларнинг уруши бобурийга нисбатан газоват тусини олган эди. Унга жасур йўлбошчи Шиважи (1627-1680) 20 йил давомида раҳбарлик қилди. Шиважи вақтида маратхлар мамлакатига Махараштра мустақил давлатга айланди.

Панжобда, Хиндистоннинг шимолий ғарбида XVII аср 2 ярми XVIII бошларида сикхлар диний мазҳаби билан боғлиқ кенг дехқонлар ҳаракати бўлиб ўтди.

Индуизмнинг радикал сектантчилик таълимотларидан бири сифатида сикхчилик XVI аср бошларида вужудга келди.

Сектанинг асосчиси ва унинг дастлабки устози (гуру) савдогар Нанак (1538йил вафот этган) эди. Аввалига секта феодаллар зўравонлигидан норози бўлган шаҳар доираларининг манфаатларини ақс эттирди. Секта худо олдида барча кишиларнинг тенглигини эълон қилиб, табақа мазҳаб имтиёзларини рад этди. Икки томондан секта зулмига қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотга амал қилиб ҳукуматга итоат қиларди. Бобурийлар уларга яхши мун-тда бўлдилар. Уларнинг ташкилоти Лахорда ва Панжобнинг бошқа шаҳарларида мустаҳкамланди. Аммо XVII асрнинг ўрталарида секта сафига мингларча хонавайрон бўлган хунарымандлар ва дехқонлар қўшилиши натижасида у радикаллашди. Хатто синхларда ҳам раҳбарлик ролини ўйнаб келган савдо судхурлик элементлари орқага сурилаверди, қисман сектадан чиқиб кетишди.

Янги сикхчилик мусулмон ва хинд феодалларига қарши кураш программасини илгари сурди. Улар идеал, «чинакам подшолик» ўрнатишни истардилар.

1669, 1671-72, 1686, 1705 йилларда Агра, Дехли районларида жат- сикхларнинг энг қудратли ҳаракатлари бўлиб берди. (деҳқон)

Авранзеб ўлиmidан сўнг муғуллар империяси айрим парчаларга бўлиниб кетди (империя великих Моголов) уларнинг ҳокимияти Дехлидагина сақланиб қолган эди. Хиндистонда яна феодал тарқоқлик вужудга келди. Европаликлар рожаларнинг ўзаро урушларига аралашиб ўзларининг Хиндистондаги мустамлака ерларини кенгайтира бошладилар.

XV-XVI асосий европалик мустамлакачилар жанубий-ғарбий соҳилга жойлашган португаллар эди. Малабар соҳилларидаги- Диу, Думан, Гоа, Качин ва Ек портлари уларга тегишли эди.

XVII аср бошларида Хиндистонга голландлар келиб Корамондел соҳилида, Бегалия ва Бикарда Цейлон оролида мустаҳкамланиб олдилар.

XVII-XVIII асрларда инглиз ва Французлар Хиндистонни эгаллаш учун бир-бирларига қарши шиддатли кураш олиб бордилар. 1639 йили инглизлар ўзларига таянч пункти қилиб Мадрас шаҳрини қўлга олдилар. 1668 йили Бомбей инглизларнинг Ост-Индия компанияси қўлига ўтди. 1690 йил инглизлар Калкутта шаҳрига асос солдилар.

Шу вақтларда 1674 йили французлар Пондишери шаҳрини босиб олдилар. Инглизлар ва Французлар ўртасидаги кураш ўнларча йилга чўзилиб кетди. Инглизлар оқибат натижада 100 йилдан кейин, 7 йиллик европа уруши (1756-63) вақтида французларни Хиндистондан қувиб чиқарилишга эришдилар.

Шу тарзда жуда катта ва кўп миллионли Хиндистон феодал тарқоқлик, жиддий миллий, диний ва каста тафовутлари туфайли ўз мустақилигини йўқотди.

Маданият.

/оят ривожланган адабиёт ва меъморчиликнинг равнақ топиши XVI-XVII асрлар Хиндистон маданияти учун айниқса характерлидир.

Шох Акбар ва Шох Жахон ёзувчилар ва санъат ахлига хомийлик сиёсатини олиб борганлар.

Атоқли ёзувчи Абул Фазлс форс тилда ёзсада Акбар саройидаги тарихнавис эди.

Буюк хинд шоири Тулси Дас (1532-1623) «рамачариатаманаса» деган умумий сарлавха остида ўндан ортик китоб ёзди. Эски халқ қахрамонлик ва мифологик эртакларини эркин тарзда қайта баён қилган. Дас асарлари юқори ва ўрта синфлар орасидагина эмас, халқ орасида (куйи омма) машхур бўлган.

Саройлар, калъалар, парклар, масжидлар қурилиши. Шох Жахон – Тож Махал мақбараси масжид. Оқ мармар Уша пайтда қурилган жуда кўп бинолар хозирга қадар сақланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М., 1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вўсшая школа, 1991.
5. Ашрафян.К.З. Средневековѐй город Индии. М., 1983.
6. Медведев.Е.Н. Очерки истории Индии. М., 1990.
7. Паникар. Очерки по истории Индии. М., 1961.
8. Лас Касас Бартоломе де. История Индии. Л., 1968.
9. Можейко И. В. В Индийском океане. Очерки истории пиратства в Индийском океане в южнѐх морях (XV_XX вв). 2-е изд. М., 1980.

Мавзу: XVI-XVII асрларда Эрон.

Режа:

1. Аббос I нинг урушлари.
2. Эроннинг иқтисодий тараққиёти, ички сиёсат.

XVI аср бошларида Эрон бир қанча мустақил феодал ерларига бўлиниб кетган эди. Хуросон (пойтахти Хирот) темурийлар ҳокимияти осдида эди. Шарқий қисмида бир-бирлари билан душман турли Туркман сулолалари ҳукмронлик қилардилар. Марказий /арбий ва Жанубий Эроннинг айрим вилоятлари аслида мустақил давлатлар эди. Шимолий /арбий Эрон ва Жанубий Озарбайджон савдо ва саноат жихатидан энг ривожланган вилоятлар эди. Шу вилоятлардан қарвон йўли ўтарди. "унак йўли"

Сафавийларнинг йўқланиши ва сафавий давлатининг характери.

Янги сулола ўз номини шайх Сайфиддиндан олди (1254-1334) бу шайх XIV асрда Озарбайжонда "Сафавиё" номли мусулмонлар жамоасига бошчилик қилган эди. Улар шиа масхабига мансуб. XV асрнинг иккинчи ярмида улар Озарбайжонда туркман хонларига қарши ҳокимият учун кураш бошладилар. 1499 йили уларнинг шайхи Исмоил Сафавий жанубий Озарбайжонни эгаллаб, 1502 йилда Табризни ишғол қилди. У Эрон шохига айланди (1502-1524) Табриз давлат пойтахти. Арманистон, Курдистон, Боғдод ва Месопотамия эгалланди. Исмоил даврида 100 йилдан кўпроқ давом этган эрон туркия уриши бошланиб кетди. Бу уруш XVII асрнинг 30 йилларини охиригача давом этди. Турк султони Салим I Закавказье, Курдистон ва Месопотамияга давогар эди. 1514 йили Турклар табризни эгалладилар. Лекин озик овқат етишмовчилиги, Яничарлар орасидаги ғалаён уларни Эрон вилоятларини ташлаб чиқишни мажбур этти.

Ўз ҳукумронлигининг охирида Исмоил Грузияни сунгра бутун ширвон хонлигини (шимоли Озарбажон) бўйсундирди. Марказий Озарбайжонда бўлган катта давлат барпо бўлди- Эрон Озар, Турк, Тожик, Курт, Араб, халклари. Сафавийларнинг давлати аҳолисининг 1/3 қисми кўчманчилар. 1510. Шайбоний. Бобур. Хонзода.

Аббос I нинг урушлари. (1587-1629).

Аббос уз ҳукумронлигини мустақил вилоятларини бирлаштиришдан бошлади. Аббос даврига келиб сафавийлар эронликлар билан жуда яқинлашиб кетдилар. Пойтахт шимолдан жанубга табриздан Исфаконга кўчирилди. Аббос Туркия Билан уруш учун 24 минг кишилик мунтазам армия тузди улардан 10 минг кишилик гуломлар Турк янчарларига ўхшарди (янчарлар пиёда гуломлар отлик) чунки улар ҳам христиан аҳолидан, асосан грузин ва Арманлардан тортиб олинган болалардан ташкил топган эди. Улар мусулмонларга айлантрилиб, фанатик руҳда тарбия курганлар. Аббос инглиз инструкторлари воситасида армиясида ўқ отувчи курол ва тупларни жорий қилди. У феодаллар лашкарлардан ҳам фойдаланган . умуман Аббосда 120 минг кишилик армия бўлиб, у 1602 йили Турк султониға қарши уруш бошлади. 1612 йилги сулҳға биноан Эрон XVI аср 90 йиллари бошида Туркияға берган деярли хама вилоятларини қайтариб олди. (грузия арманистон озарбажон курдистон месопотамия) бу уруш эрон ғалабаси билан тугади. Аббос хуросон ва Афғонистонни катта қисмини уз ериға қўшиб олди. 1622 йили Аббос қўшинлари форс қўлтиғидаги Ормуз портидан Португалияликларни хайдаб чиқарди бунга ёрдам берган Ингилизлар Ост-Индия компанияси учун божсиз савдо килиш ҳукукини олдилар. Кейинчалик Эрон ҳукумати Голландия Ост-Индия компаниясига ҳам купгина савдо имтиёзлари берди.

Эроннинг иқтисодий тараққиёти ва Сафавийлар давлатидаги ички сиёсат.

Рим Папаси хузурига жуда куп элчилар бориб турарди. Исфахонда Европа ва Осиё элчилари қабул қилинарди.

Шоҳ узи ташки савдода фаол қатнашиб ипак, совун, гилам, туз ва шу сингариларни уз монополияси деб эълон қилди. Ички савдо ҳам ривожланди. Эски қарвон йуллари таъминланди, янгилари очилди, қарвонсаройлар қурилди йуллар қурилди. (Исфогон аҳолиси 500 минг).

Марказлашган сафавийлар давлатининг амалдорлари, қатта доими армияси, сарой жуда қатта харажатларини талаб қиларди. Шоҳ хонадонига қарашли етлар таркибига қирувчи чек ерда ёки чек ери тиул ёки мулк деб аталади. Ернинг бир қисми бўлишидан ёки дехкон вақф ерларининг бир участкасига эга бўлишидан қатъий назар ҳосилнинг деярли ҳаммасини ер эгасига топшириши керак эди. Дехқонда яхши ҳосилнинг 1/5 ёки 1/4 қисми қоларди. (Тиул - феодалларнинг мерос ерлари эмас эди мулк - мерос ер ҳисобланарди вақф масжид, мадраса.... Ери.)

Ер сув, иш ҳайвони учун ҳақ туланарди. Ерсиз дехқонлар қорандалик қилардилар Эрон узида шоҳга қарши Гилжон, Лихижон, Рейшт шаҳарларида 1829 йили қузғолон қутарилди. Бу районлар ипакчилик марказлари эди...

Грузия (1623-1624 Георгий саакадзе) ва Арманистонда ҳам озодлик учун кураш.

Решт шаҳридан чиққан қузғолон бошлиғи Одишох номини олди. Қузғолончилар ипак захираларини бўлиб олдилар. Лекин маҳаллий феодаллар қузғолондан бош тортиш йулига утдилар.

Сабаб: Аббоснинг вориси янги шоҳ Сафий-1 қатта қўшин билан қузғолонни бостирди. Раҳбарлар ва Одишох қатл этилди. Аҳолига қатта тулов солинди. Сафий-1 даврида (1629-1642) Эрон ерларининг қатта қисмидан ажради. 1639 йили Месопотамия туркияга ўтганлиги расмий тан олинди. ғарбий Арманистон ҳам Туркия таркибига қиритилди. Шарқда Эронга қарши ўзбек хонлари кураш бошладилар Афғонистон Сафавийлардан озод бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М., 1987.
 2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
 3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вѐсшая школа, 1988.
 4. Османская империя и странѐ Центральной, Восточной и Юго-Восточной Европѐ в XV-XVI вв. М., 1984.
 5. Пигулевская Н. В. Византия и Иран на рубеже VI-VII вв. М., Л, 1946.
 6. Гурнова Е. В. Историография истории средних веков. 2-е изд. М., 1985.
- Средневековые и о его памятниках. (Под. Ред. Д. Н. Егорова) М., 1913

Мавзу: Урта асрларда Туркия.

Режа:

1. XV аср охири XVI асрда Усмонийлар империясини ўсиши.
2. Сулаймон I даврида Туркия урушлари.
3. Сулаймон I нинг ички сиёсати.
4. Усмонийлар империясининг тушқунликка юз тутиши.

XV аср охири XVI асрда Усмонийлар империясини ўсиши.

Туркия империяси 1453 йилда Константинопол эгаллагандан кейин яна қенгая бошлади. Муҳаммад II 50-60 йилларда Болкон ярим оролида Сербияни, Босния, Герцоговина, Албанияни истило қилди. (Турклар Албанини 2 марта дастлаб 1440 йили бошида, 2 марта 1468 йили эгаллаган. Иккинчи юриш ўртасида Албанлар мустақиллик учун тинмай курашганлар. 1443 йили Албанлар йўл бошчиси Георг Кастриот (Искандарбег) туркларга қарши курашни Круя шаҳрида бошлаб, 25 йилча Албания мустақиллигини сақлаб турди, унинг вафотидан кейин (1468 йили) 1478-1479 йилларда бошланган ўзаро жанжал, низолар натижасидаги Турклар Албанияни тамомилан эгалладилар).

Муҳаммад II нинг набираси Салим I замонида (1512-1520) Туркларнинг юриши яна бошланди. Озарбайжон, Арманистон ва Грузиянинг бир қисми, Доғистон ва Курдистон эгалланди. Сўнгра Салим Сурия ва Мисрни босиб олиб (1517 йил) бутун ислом дунёси бошлиғи сифатида халифа унвонини олди. Крит, Кипр ва Ўрта денгиздаги бошқа ерларини ўз қўлида сақлаб қолиши учун Византия Туркияга ҳар йили қатта солиқ тўлаб турарди.

Сулаймон I даврида Туркия урушлари.

Султон Сулаймон I Қонуний даврида (1520-1566) Усмонийлар империяси ғоят қатта қудратга эришди. Дастлаб Родос ва Белград олинди. 1526 йили Мохач ёнида чех ва венгирларнинг бирлашган армияси мажакланди. Валахия ва Молдавия вассал князликларга айлантирилди. Улар Портога хирож тўлар мустақил сиёсатдан маҳрум эдилар. (XVI асрдаёқ Европадаги расмий дипломатик ҳужжатларда Туркия ҳукумати Порто деб аталарди. Бу ном лотинча "porta"-дарвоза, туркча :kapu"-қопини бостир дегани. Туркия Министрлар Совети мажлиси биниси «кану» дейиларди. Совет биниси Султон қабул маросими ўтказадиган тахтли зал эшиги яқинида жойлашган эди).

1529 йили Сулаймон Венани қамал қилиб, ололмади Эронга қарши бошланган урушда Боғдод билан бирга Месопотамия эгалланди. Шимолий Африка бўйлаб силжиб бориб Триполи (Ливия) ва Жазоир ишғол қилинди. Сулаймон замонида бутун Арабистон турклар қўлига ўтди. XVI асрда 3 қитъада жойлашган Усмонийлар империяси илгариги Византия империяси ва Араб халифалиги эгалланган ерларни бирлаштирди. Ўрта денгизнинг бир қисми, Қизил денгиз, Форс култиги улар қўлида бўлиб, Ю Султон Хиндларнинг португалларга қарши курашида ёрдам берарди. Сулаймон даврида Туркия Европа сиёсатида катта роль ўйнади. Француз қироли Франциск I Габсбурогларга қарши Сулаймон билан расмий равишда иттифок тузди. 1529 йилги Венага юриши катта урушларнинг халқаси эди.

Франциск I Карл V томонидан аср олинган. Францискнинг онаси Сулаймонга хат ёзган. Сулаймон чет эллик савдогарларга имтиёзли савдо ёрлиқлари (капитуляциялар) бера бошлаган биринчи султон эди. 1535 йили у Француз савдогарларига Туркиянинг ҳамма портларида озгина (5%) бож тўлаш шарти билан савдо қилиш ҳуқуқини берди.

Сулаймон I нинг ички сиёсати.

«Қонуномон Сулаймоний»га 1566 йил санаси қўйилган. Туркия эгаллаб турган ҳудудлар маъмурий тузилиши Сулаймон вақтида бир хил шаклга солинди. Бутун империя 21 вилоятга, вилоятлар 250 санжақ (район)га бўлинди. Вилоят ҳукмдорини вали Санжақ бошлиғи Санжарбек деб аталарди. Сулаймон турк қўшинларини янчарлар деб аталган имтиёзли қисмини тартибга солган. Махсус регламент тузди уларнинг сони 40 мингга етказилди. Янчарлар мунтазам суратда катта маош олиб турардилар. Уларга урушдан бўш пайтларида савдо ва ҳунар билан машғул бўлиш учун турли имтиёзлар берилди.

Туркиянинг асосий ҳарбий кучини феодаллар лашкарлари ташкил этган 250 мингга қадар. Турк деҳқонлари давлатга солиқ тўлаш билан бига ўз феодалларига ер, сув, иморат, чорва, тегирмон ҳақи етсиз тўлашлари лозим эди. Феодал ўз еридан қочиб кетган деҳқонни маълум муддат ичида қидиришга ҳақли эди.

Серблар, Греklar, Балгарлар, Валахлар, (румин) етсиз мусулмонларга нисбатан давлатга икки барабар кўпроқ солиқ тўлашлари керак эди. Уларни мол-мулки дахлсизлиги тамин этилмаган. Диний расм одатларини бажариш учун олинган руҳсат ҳақи ҳам тўлардилар. XVI-XVII асрлар мобайнида бу халқлар усмонийлардан озод бўлиш учун курашдилар. Партизанлар – болгар ва сербларда гайдуқлар, греklarда-клефтар, Далмацияда-ускаклар деб аталарди. Партизанлар ҳаракати тарқоқ ва пароканда эди. Партизанлар Болкон яриморотидаги Турклар ҳокимиятини ўз кучлари билан тўғата олмасдилар. Бундан ташқари муваффақиятсиз тугаган ўнлаб фитна ва қўзғолонлар уюштирилди. Уларга Славян давлати, кучайиб бораётган Россия ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда ёрдам бериши мумкин эди. «Дядо Иванъ».

Усмонийлар империясининг тушқунликка юз тутиши.

Турли миллат ва давлатларни ишғол этган туркиянинг сиёси тузуми, идора қилиш системасининг ўзида ҳам зиддиятлар ва заифликлар мавжуд эди. Сулаймоннинг ворислари даврида фитналар авж олди. Фитналарда Янчарлар ҳам иштирок этардилар. Солиқлар ошиб борар, лекин ишлаб-чиқариш кучлари секин ривожланарди. Туркиядаги савдо. саноат ишларида асосий ўринни француз, Инглиз, Грек, Арман, Сурияликлар эгаллаган эдилар. Агрессив ташқи сиёсат ички сиёсатга вақт ажратишга деярли йўл бермасди.

Турклар XV-XVI асрнинг биринчи ярмидаги катта ғалабалардан сўнг XVII аср охири XVIII аср бошларида империя территорияси анча торайиб қолди. Турклар биринчи марта 1571 йилда Аспанта ёнида Европаликларга катта мағлуб бўлдилар. Испания, Венеция ва Папанинг бирлашган флоти (бошлиғи Филип II нинг укаси Дон Хуан Австрийский) турларни енгди. Кейинроқ Туркия Кипрни тортиб олди. Шунга қарамай мағлубият уларнинг ички аҳволига ёмон таъсир қилди. XVI асрни 70-90 йилларида кескин ижтимоий-сиёсий таназзул оқибатида бир неча қўзғолонлар кўтарилди. 1591 йили кўпчилик вилоятлар Султон Мурод 3 га (1574-1595) қарши бош кўтардилар. Мухаммад 3 подшолиги даврида (1595-1603) сипохийлар ва Янчарлар ғалаёнлари юз берди. Сарой тўнтариши оқибатида султон ўлдирилди.

XVII аср бошларида Эрон шоҳи Аббос I Озарбайжон, Арманистон, Шарқий Грузия, Гуржистон, Мосул ва Боғдод шаҳарлари билан Месопотамияни босиб олди. Бу ерларнинг 1 қисми 1639 йили қайтариб олинди. Сабаб Туркиянинг кучайганлиги эмас, кўпроқ Эроннинг заифлашгани.

Россия ва Туркия ўртасидаги биринчи тўқнашув XVI асрнинг иккинчи ярмида юз берди. Азовни эгаллаган турклар Астраханни ололмай чекиндилар. Иккинчи тўқнашув XVII асрнинг 30-40 йилларда бўлди. Запароже казаклари Азовни босиб олиб (1637 йил) бир неча йил эгаллаб турдилар. "Азовда ўтириш" Казаклар Москвадан ёрдам сўрадилар. Россияда моливий қийинчилик ва Польша билан уриш Подшоҳ М. Федорович Казакларга Азовни бўшатишни буюрди (1643йил). Россия тайёр эмас урушга. 30 йиллик уруш даври (1618-1648) Туркия билан Франция. XVII аср иккинчи ярмида Туркия, Австрия, Венеция ва Россияга қарши урушларда мағлубиятга учради. Европа давлатларининг Туркия билан Сепарат сулҳ тузишга интилардилар. (Туркия территорияси катта қулай географик вазият). Англия Франция учун Туркия империяси заифлашган бўлсада керак эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История стран Азии и Африки в среднѐе века. М.,1987.
2. История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
3. История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вўсшая школа, 1988.
4. Османская империя и странѐ Центральной, Восточной и Юго-Восточной Европѐ в XV-XVI вв. М., 1984.
5. Витал.А.В. Османская империя. М., 1987.
6. Новичев.А.Д. История Турции. М., 1993.
7. Ермеев.Д.Е. История Турции. М., 1992.

Таянч иборалар.

- 1.Усмон
- 2.Янчарлар
- 3.Константинополь

Мавзуга доир саволлар

- 1.Усмонилилар давлатининг ташкил топиш сабаблари?
- 2.Яничарлар кимлар эди?
- 3.Туркларни кучи нимада эди?

Мавзу: Урта асрларда Африка давлатлари.

Режа:

1. /арбий Африкадаги кул савдоси ва европа давлатларининг истилочилик юришлари.
2. XVI-XVII аср ўрталарида Мали Давлати.
3. XVI-XVII аср ўрталарида Сонгаи давлати.
4. Канем-Борну давлати. Жанубий Нигерия давлатлари (Ойо, Бениа).
5. Олтин қирғоқ ва Фил суяги қирғоғи давлатлари.
6. Ашанти имтиёқи. Эфиопия.
7. Конго. Ангола. Луба.

/арбий Африкадаги кул савдоси ва европа давлатларининг истилочилик юришлари.

XV 2-сорагидан бошlab /арбий Африкада қирғоқ бўйи ҳудудларига португаллар ва испанларнинг кириб келиши бошланди. 1434-1482 йиллар оралиғида португаллар ва испонлар **Баходор** оролидаги Конго дарёсигача бўлган барча ҳудудларга ўрнашиб олишди.

Зангори Мисса ороллари португаллар томонидан 1450-62 йилларда кул савдосининг 1-марказига айлантирилди. Айниқса 1475 йил /арбий Африка қирғоқларига сукулиб кириб келиш кучайди. Бунга сабаб Лиссабонлик савдогар **Фернандо Гомеснинг Анкобра** ва **Вольта** дарёлари оралиғидан олтинга бой бўлган ҳудудни топиб олганлиги бўлди. Бу ҳудудда яшовчи **фанти** қабиласи Африка халқлари ичида португалларнинг 1-қурбони бўлди.

Португаллар Олтин Қирғоқда 1482 йилда Сан Хорхеда **Мина (Эллина)** тош фортини бунёд қилишди. Дастлабки вақтларда кул савдоси унча муҳим бўлмаган, сабаби Европада бунга эҳтиёш йўқ эди.

16-асрнинг охирига қадар Португалия /арбий Африкада мавжуд бўлган ягона давлат эди. Португаллар Сенегал ва ғамбия дарёлари орқали қитъанинг ичига кириб боришди, улар 1534 йилда Мали, 1565 йилда эса Томбукту ҳудудларига этиб келишди. Португалларнинг асосий эътибори қуйи Гвинеяга қаратилган эди. Улар бу ҳудудни 4 қисмга бўлишди ва уларниана шу ерда мавжуд бўлган маҳсулотларнинг номи билан айтишди: **Зираворлар қирғоғи, Фил суяги қирғоғи, Олтин қирғоқ, Тутқунлар қирғоғи**. Португалиялик савдогарлар асосан Олтин қирғоқ ва Фил суяги қирғоғида фаолроқ ҳаракат қилишар эди. Улар Элминадан ташқари **Аксим, Шаме** каби фортиларни барпо қилишди.

Жанубий Нигерия қирғоқлари португалияликларни нихоятда қизиқтириб қўйди. Кучли йоруба давлатлари португалияликларини ичкарига кириб боришга тўсқинлик қилишган. Бенин давлати португал маҳсулотлари эвазига оз миқдорда зиравор беришган. Бу португалларни 1486 йилда Гвато портида савдо пункти қуришга ундади, лекин бу порт 1506 йлда ташлаб кетилди, чунки у кўп фойда бермас эди. Бундан ташқари португал маҳсулотлари бенинликларин қизиқтирмас эди. **Фернандо По ва Сан Томе** оролларида ўрнашган португаллар оролларда плантация хўжалигини йўлга қўйишди. Бенин Нигер ва Ж.Нигерия билан бўлган урушларда асир тушганларин португалларга сотган. Улар эса қулларни шакарқамиш плантацияларида ишлатишган ва Олтин қирғоқда сотишган. Португалларнинг асосий фойда олиш Бразилияни колонизация қилинишидан бошланди.

Бу даврда Испания, Англия, Франция томонидан эгалланган Америка ерларида плантация хўжалиги ривожланган эди. Кулларга талаб кучли эди. Бу Европа истилочилари ўртасида кул савдосини кучайтирди. Фақатгина португалларнинг ўзи 1530-1600 йилларда 900 минг Африкаликни Америкага олиб келди.

1610 йилда португалия монополияси тугатилди. Бунга голландларнинг Вест-Индия компаниясининг ғарбий Африкадаги фортларни истило қилиш сабаб бўлди. 17-аср 1-ярмида голландлар Африкаликларни испан колонияларига жўнатиш бўйича биринчиликни олишди. /арбий ва Марказий Африкадаги Голландия, Англия, Франция, Испания, Дания, Бременбург ўртасида қус савдосидаги монополияни қўлга киритиш учун кураш кезиб кетди.

Англия ва Франция йирик савдо компанияларини тузишда ва уларга кўп ҳуқуқлар бериб кул савдосидаги монополияга айлантирдилар. 1664 йил ташкил этилган франсузларнинг ва Англиянинг 1672 йил «Қиролликнинг Африка компанияси» шундай эди.

Франсузларнинг танч нуктаси Сенегал хавзаси эди. Французларнинг 1-постлари 1630 йил *Сенегалда* қурилди. Сўнгра **Сен-Луида**, голландлардан тартиб олинган **Аргүлн ва Горида** ҳам постлар қурилди. Гори тезда франсузларнинг /абий Африкадаги асосий базасига айланди.

Ишчи кучига бўлган эҳтиёж кул савдосини ўсишига олиб келди. 17-асрда Америкага **2 млн.7500 минг** кул келирилган. Бу Африка халқлари учун фожияга айланди. Заминдошларнинг гувоҳлик беришича ҳар 6-та Африкалик йўлда ҳалок бўлган.

Кул савдоси натижасида /арбий Африкада ишлаб чиқариш ва муҳофаа соҳаси иқрозга учради ва урф-одатларни салбий томонга ўзгаришига маънавий таъсир кўрсатди.

XVI-XVII аср ўрталарида Мали Давлати.

16-аср Мали давлатлари инқирози билан бошланди энг асосий рақиби Сонгаи подшолиги эди 1498-99 йилларда сангаиликлар йирик **Багану** вилоятини босиб олишди. 1501 йил **Диара**, 1506-1507 йилларда **Галам** давлатини қўшиб олишди. Сангаи чегаралари **Текрурга**ча етиб борди. Мали подшоси **Мамуд II** 1434-йилда опртугаллардан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Португалиялик элчи **Перес Фернандес** ўртача сифатида ҳаракат қилди. Лекин **Тукулер ва Фулбе** 1535-йил Фалеме дарёсининг ортига ўтиб кетса ҳам **Бамбук** бутунлай қўлдан чиқди ва вассалликдан озод бўлди.

Малиликлар Жанубий ҳудудларни сақлаб бқолган бўлсаларда унинг роли кучсизланди Сангаи Малига таъсир ўтказмади.

Марокашликларнинг Сонгаи шимолига ҳужуми Малига бўлаётган сонгаликларнинг ҳужумини тўхтатди .17-аср бошида Малининг бошқа душмани пайдо бўлди булар **барбарлар** эди. Улар 1600йил **Сегу** вилояти билан ҳамкорликда ўз давлатларини тузган эдилар. Улар **анимизм** динида бўлгани учун 1645 йил мусулмонларга қарши уруш эълон қилишди.

1670 йил бамбаранинг кучли Сегу давлати пайдо бўлди. Сегу ҳукмдори **Битон кулубали** даврида Малидан **Сансадинг, Массин ва Багана** тортиб олинди. Марокашликлар билан жангга чиққан **Кулубали Жени ва Томбуктуни** эгаллади.

Мана шу даврда Мали уч йил давомида бамбарларга қарши курашди. Аммо у кучсизланиб кичик **Кангаба** ҳудудини эгаллаган индияликка айлантириб қўйди ва у ҳеч қанча рўл ўйнамас эди.

XVI-XVII аср ўрталарида Сонгаи давлати.

Муҳаммад I ҳукмронлиги даврида Сонгаи давлатининг барча ерларида марказий ҳокимиятга қарши курашлар жуда кўпайиб кетди. Унинг сиёсатидан норози бўлган маҳаллий ҳукмдорлар ва феодаллар ўзларининг манфаатлари йўлида подшонинг ўғилларидан яъни тахт ворисларидан фойдаландилар.

1528 йилда Сонгаи подшоси Муҳаммад I га қарши бош кўтарилди. 1528 йил 26 августида исёнчилар **Гаони** эгаллашди ва Муҳаммад I ни тахдан ағдариб ташлашди. Мусо тахтга давогарларни йўқ қилишга қарор қилди ва натижада ўзаро урушлар келиб чиқди. 1531 йил апрелда Мусо ўлдирилди.

Унинг укаси **Муҳаммад II (Бенган-Корей, (1531-1537))** Сонгаи давлатининг подҳоси бўлиб олди. Унинг ҳукмронлиги даврида Сонгаи иқтирозга учради. Кул ва асирларни кўплиги оқибатида кўзғалонлар кўпайди. Губернаторлардан бири **Денди Мар Тамзу** 1537 йил апрелда исён кўтариб Муҳаммад II ўрнига укаси Муҳаммад I нинг ўғли **Исмоилни** (1537-1539) тахтга ўтказди. Исмоил урушларни давом эттириш натижасида куллар сони ўсиб уларнинг нархи тушиб кетди ва Гаода кул 300 каури чиғанокка баҳоланди.

Шу билан бир вақда ҳарбийларнинг мавқеи ортди ва улра сиёсатга таъсир ўтказмоқчи бўлишди. Бу таъсирдан қутилиш учун биринчи бўлиб **Иссиҳак I** (1539-1542) ҳаракат қилди. У кўплаб ҳарбий юришлар ҳарбийларнинг ролини пасайтирмади. 1545-1546 йилларда Сонгаи қўшинлари Дауд бошчилигида Малига қарши уруш бошлади ва пойтахтни босиб олишди.

Бу вақтга келиб Текказдаги туз конлари Сонгаи ва Марокаш ўртасида зиддият пайдо бўлди.Зиддиятни чуқурлашуви **Дауд (1549-1582)** даврига тўғри келди. Дауднинг Фульбе қабиласига, кебби давлатига, Малига қарши урушлардан фойдаланган марокашликлар 1556-йил. Сонгаи қўшинини мағлуб этиб Текказни босиб олди. 1578 йил марокашликлар Доуддан 1 йилга туз конини ижарага олишди ва эвазига 10 минг олтин танга беришди.

Марокашликлар махфий равишда урушга тайёргарлик кўришди. Разветка мақсадида **Султон Аҳмад 1584 йил.** Гаога элчи жўнатди, у кимматбаҳо совғалар билан тахт вориси **Муҳаммад III (1582-1586)** билан учрашди. Оз вақт ўтиб 20 минг кишилиқ марокаш қўшини Томбуктуга юриш қилди, бироқ қўшин йўлда очлик ва сувсизликдан қирилиб кетди.

1586-йил Муҳаммад III тахтдан ағдарилиб, ўрнига укаси **Муҳаммад Бони** шох деб эълон қилинди. Аммо икки йилдан сўнг унинг бошқа укаси **Муҳаммад Содик** бош кўтарди ва Гаога ҳужум қилди. Сонгаи шохи **Иссиҳак II (1588-1591)** бўлди **Солик Тункарни** қувиб чиқарди.

Марокашликлар 15889 йил султон Ахмад Исихакдан Текказ ва Таодендан воз кечишни талаб қилди, аммо у рад қилди ва урушга тайёрланди.

1590 йил ноябрда **Жўдера** бошчилигидаги 3 минг кишилиқ қўшин Гаога хужум қилди. 1519йил 12 апрелда Гаодан 50 км шимолда жанг бўлиб ўтди. Бу жангда Исихак II нинг 30 минг пиёда 12,5 минг отликлари марокашликлардан мағлуб бўлди.

Исихак II филот билан Тондибига етиб келиб, Гао ва Томбукту аҳолисига шаҳарни ташлаб чиқиш ҳақида буйруғ берди. Жўдера пойтахтни эгаллагач Исихакдан мактуб олди. Унга 100 минг олтин ва мингта кул беришни ваъда берди. Лекин Жўдера 1519 йил 30 майда Томбукуни эгаллади ва Сонгаи ўз мустақиллигини йўқотди. Барча марказлар **«қўғирчоқ»** ҳокимияти ўрнатилди. жанубда кичик бир ҳудудда Исихак II томонидан мустақил бошқарилди ва **Денди** подшолиги деб аталди.

Сонгаи давлатининг мағлуб бўлиши ички низолар сабаб бўлди.

Сонгаидан қуллар ниҳоятга кўп эди. Баъзи бир феодалларнинг 100 минглаб қуллари бўлган. Бу ерда қулларнинг ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаган. Қуллар асосан катта ерларда ишлатилган подшоҳлар кўпинча ерларни қуллар билан бирга инъом қилганлар. Сонгаида секин аста қулларнинг тоифалари пайдо бўлган. Қулларнинг иккинчи авлоди корсолар ўз ота-оналарига банъялрадан фаркли ўралок тўла кул бўлмаганлар, улар сотилмаган, инъом этилмаган. 3-авлод суле, 4-авлод суле-гуле деб аталган, уларнинг фарзандлари озод бўлишган.

Гаода аҳоли сони 75 мингта етган. Бу хунармандчиликнинг ривожланганидан далолат беради. Сонгаи тарихининг **«Тарих ал-Фетташ»** асарида 26 та порт устахоналари бўлиб, улардан 50 тадан 100тагача одам ишлагани ҳақида маълумот берилади.

Сонгаи портида бир неча марта кўзғалонлар бўлган. Қуллар бир неча ҳудудларни эгаллаганлар. Ҳатто **дюгоранлар** Томбуктуни қамал қилишган.

Канем-Борну давлати.

Канем давлати ташқи сиёсатда оз муддат омадсизликка учради. **Катакармаби** (1504-1526) даврига келиб таҳқи душманларга қарши кураш бошланди. **Дунам** (1546-1563) даврида эса **булала** қабиласи тобе этилди ва Канем-Борнунинг юксалиш даври бошланди.

Борну давлати **Идрис Апум** (1571-1603) даврига келиб гуллаб яшнади. Тунис билан алоқа ўрнатилиши эвазига Идрис ўқ отар куруллар, турклар тайёрлаган жангчиларга эришди ва булар унга ғалаба ҳадя қилди. Тез орада **гамергу**, **мусгу-котока**, **будима** қабилалари бўйсундирилди ва Аирга хужум қилиниб, бир неча барбар қабилалари тобе этилди.

XVII асрлардан бошлаб Борну давлати **туарге** ва **коророфлар** хужумга дучор бўлди, ҳатто пойтахт **Қаср Эгмо** қамал қилинди. Аммо Борнуликлар зўрға қамалдан чиқиб кетдилар.

Канем ва Борну давлати феодал тузумига етиб келгунга қадар қабилачилик ва кулдорлик даврини бошидан ўтказдилар. Ҳатто матриархат сақланиб қолиб, **магира (подшо-она)** ва **гумса (мамлакатдаги 1-аёл)** сиёсий ҳаётга катта таъсир ўтказган. Шох ҳокимияти **каиғама (қўшин қўзғаон)**, **галадима (бош вазир)**, **ерима (шохотаси ёки ўғли)**, **чирома (пойтахт губернатори)** томонидан назорат қилинган.

Канем в борну маданияти ён атрофдаги халқларга ҳам таъсир ўтказган. У нафақат хауса шаҳар-давлатларига, балки Ш.Нигерия султонлиги маданий- сиёсий ҳаётига ҳам таъсир ўтказган.

Жанубий Нигерия давалатлари (Ойо, Бения).

Жанубий Нигерия давлати европа савдосига тортилган биринчи ҳудуд эди. Бу эса иқтисод ва сиёсатда бир қанча ўзгаришларга олиб келди.

XVIII-аср ўрталарида **Ойо** давлати бутун Жанубий Нигерияда, Гвинея қўлтиғидан то Анечога бўлган ҳудудда ҳукумронлик қилар эди.

Ойо давлатининг кул савдоси билан шуғулланиши катта қўшин сақлаб туришига ва доимий равишда қўшни давлатлар билан уришишга мажбур бўлирди. Бу эса Ойо ва унга қўшни давлатларга ҳам иқтисодий зарар етказди. Урушлар даврида дехкончилик ва савдо тўхтаб қолар эди.

Бенин давлати ҳам Жанубий Нигериядаги қадимий давлатлардан биридир. Дастлабки вақтларда бу давлатда Ойонинг таъсири бор эди. XII аср ўрталарига келиб ҳокимият маҳаллий сулолалар қўлига ўтди. Подшоҳ **Аефа** ўлимидан сўнг ҳокимият янги сулола **Эвека** қўлига ўтди.

Бенин бошқаларга нисбатан илгарироқ Европаликлар билан тўқнашди. 1484 йилда **Шох Окпама** даврида Бенинга португал Д **Авейро** ўғотар ғурул олиб келди. Окпаманинг ўғли **Эзиге** португал тилини ўрганди ва католик динини ўрганиш учун Португалияга борди. **Шох Орхогба** даврида португал монахлари католик динини кенгрок тарғиб қилишди.

Олтин қирғоқ ва Фил суяги қирғоғи давлатлари.

Олтин қирғоқ ва Фил суяги қирғоғи ҳудудлари қадимдан /Судан бозорларида ёнғоқ ва олтин билан савдо қилишган. Бу ҳудудларда кўхна цивилизациядан дарак берувчи моддий маданият қолдиқлари сақланган. 13-асрда **Боно ва Банна** йирик давлатлар ҳисобланган. **Боно-Мансу** пойтахти иқтисодий ва маданий жиҳатдан ниҳоятда ривожланган эди.

Бу ҳудудда асосий ролни **гуаналар** давлати **Гонжа** ўйлаган, чунки асосий қола ёнғоғи шу ердан олиб кетилган. 15 асрда Гонжа **дагомба** халқи томонидан босиб олинди ва бир неча ўн йилдан сўнг дагомбалар кувиб чиқарилди. Мандинга халқидан чиққан **Сумейла Ндевура Якпа** Гонжа мустақиллиги учун бўлган курашга бошчилик қилди. Давлат ҳудудлари кенгайтирилди ва **Ннанга** шаҳри пойтахтга айлантирилди. **Салагу** эса Олтин қирғоқдаги қола ёнғоғи билан савдо қилувчи энг катта бозорга айланди.

Ашанти иттифоқи.

Олтин қирғоқдаги энг йирик давлатлардан бири **Ашанти** эди. У 17 асрда пойтахти **Кумаси** бўлган бир неча давлатлардан иборат иттифоқчи давлат эди. Бу давлатлар **акан** тил оиласига кирувчи халқлардан иборат эди.

Ўрмон ҳудудлари марказида **Денкира** давлати бўлиб унга ўша атрофда майда давлатчалар тобе эди. Ашанти қабиласи ҳам ўлпон тўлаган. Ашанти қабиласини яна бир душмани бу **дома** қабиласи эди. Унга қарши майда князликлар ашанти атрофида бирлашдилар. Домага қарши урушнинг муваффақиятли тугаши натижасида акан тил оиласига кирувчи халқлар иттифоқ тузишиб-феодал давлатга асос солишди.

Ашанти давлати /Африка қирғоғидаги ривожланган давлатлардан бирига айланди. Давлат тепасида подшо турган(**ашантехен**). Сулола раҳбарини **подшо-она** тайинлаган, номзод қабила бошлиқлари ва оқсоқоллар томонидан тадиқланган.

Ашанти бошқарувида вазирлар ва кенгаш муҳим ўрин тутган. Улар иккига бўлинган: 1) **Гясе**-мамлакатнинг ички ишлари билан шуғулланган. 2) **Абонтендом**-ҳарбий ишлар билан шуғулланган. Сиёсий ҳаётда подшо-она катта рол ўйнаган, кенгаш эса ашантехенга ёрдам берган.

Эфиопия.

16-аср бошларида Эфиопияда феодаллар ўртасида зиддиятлар кучайди. Қўшни қабилалар ва Сомали қирғоғидаги араб амирлиги жангчилари давлатнинг ички ҳолатига катта таъсир кўрсатди. Усмон империясига тобе араб амарлари турк феодаллари ликқатини эфиопияга қаратишга ҳаракат қилишди. Ташқи хавфдан химояланиш учун Эфиопия ҳукмдорлари 1510 йил португаллардан ёрдам сўради. 1520 йилга келибгина унча катта бўлмаган экспедиция **Массауага** этиб келди. Бу вақт орасида 1516 йил **негус Лебна Денгал** йирик сомали амирлиги **Адаляга** юриш қилиб, **Зейлу** оралини босиб олди. Бунга Эфиопиянинг бирлашуви саба бўлди. 1527 йилда **Лебна Денгал** яна янги ҳужум уюштириб унга жиддий тайёргарлик кўрди ва анча талофат етказди.

Қизил денгизда ҳолат ўзгарди. **Харрара** ҳукмдори **Аҳмад Гран** майда амирликларни бирлаштириб, Эфиопияга юриш қилди, ва ғалаба қозонди. 1529 йил иккинчи юриш уюштирди ва **Шою** ҳамда **Амхара** ҳудудларини эгаллади. Гран қўшини **Аббаининг** чап қирғоғидаги шаҳарларин эгалади. 1534 йил эса қадимий пойтахт Аксум эгаллади ва вайрон қилди. **Лебна Денгал** қолган қўшини билан **Дарага** (Тан қўлининг ж.шар. қирғоғи) қочди. 1535 йил Гран яна ҳарбий юришлар қилди.

Эфиопия негуси қўлида озгина ҳудуд қолди. Лебна Денгал португалияга ёрдам сўраб иккинчи марта элчи жўнатди. Элчи этиб эфиопия черковининг ўша пайтдаги **абунойн (митрополит) Бермусес** тайинланган. Ёрдамга португал колонияси бўлган Гаодан беш юз аскар юборилган. Улар 1541 йил июнда этиб келган. Кристоф да-Гама бошчилигида Эфиопия ва португал қўшини дастлабки ғалабалардан сўнг 1542 йил августда мағлуб бўлишди. Кристоф да-Гама асирга тушди ва қатл этилди.

1534 йилда Эфиопия қўшини португалиянинг ўқ отар қуроллари билан қуролланган қўшини билан бирлашиб Граннинг ўн минглик қўшини мағлуб этди. **Аҳмад Гран** ўлдирилди. Эфиопия тез орада қўлдан кетган ҳудудларни қайтириб олиб, ҳатто жанубдаги Хадия ва Дамот вилоятларини эгаллади. Ушбу ғалабалар турклар хавфини бироз пасайтирди.

XVI асрнинг I-ярмида кўчманчи **галлар қабиласи Абиссин** ҳудудларини эгаллади. Бунга Эфиопия ва Аҳмад Гран ўртасидаги уруш сабаб бўлди. Галлар баъзан тинч йўллар билан ҳам кириб келишди. Бундай ҳолларда улар феодаллар таъсирига туцшиб қолишар эди. Улар секин-аста маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетдилар. Феодал ва негуслар улардан ёлланма қўшин тузишган. XVI-XVII асрларга келиб галлар Шоа ва Амкаранинг асосий аҳолисини ташкил қилишган.

Гранга қарши курашда негусларга ёрдам берган португаллар ва ҳудудда сиёсий таъсирини ----- дини орқали ўрнатишга ҳаракат қилишган. Эфиопиячекови йирик ер егаси бўлган. Португаллар католик тарғибатчилари фаолияти учун рухсат олишган.

XVI аср ўрталарида марказий ҳокимият қарши феодалларбош кўтарди. Бундай исёнлардан бири 1561 йилда бўлди. Исён блсилгач исёнчилар турклардан ёрдам сўрашди. Исёни португал миссионерлари епископи ҳам қўллади. Бунга қарши негус католик черкови ташвикоти ва португалларнинг эфиопияликларга уйланишини ман қилди. Португал ва исёнчилар бирлашди. 1562 йил исён бостирилди, ёрдамга келган турклар кириб ташланди.

Кейинроқ португалларнинг Эфиопияга таъсири кучайди. Бази феодаллар негуслар бошчилигида католик динини қабул қилишди. Бу ўз навбатида диний чиқишларга сабаб бўлди. Диний уриш португал миссионерларининг қувилиши билан тугади.

Ташқи хавф йўқолгач феодаллар марказий ҳокимиятдан қутулишга ҳаракат қилишда ва Эфиопия инқирозга учрашини тезлаштирди.

XVII аср бошларида йирик феодалларнинг сепаратик ҳаракати кучайди. Негуслар феодалларнинг ҳуқуқларини чеклашга ҳаракат қилишди, натижада феодаллар қаршилиги кучайди. Галлар феодаллар томонида бўлишди. Натижада Галлар кўплаб ҳудудларга егалик қилишди.

Конго.

XVI асрда /арбий тропик Африканинг кўпгина халқлари ривожланишини турли босқичларида эди, баъзи қабиаларгина ўз давлатларига ега эди.

XIII Аср охири XIV аср бошларида этник асосини **баконго** халқи ташкил қилган **конго** давлати ташкил топган. **Мбазна** бу давлатнинг пойтахти эди. Ҳарбий юришлар натижасида Конго ҳудуди кенгайиб борди. Давлат 6 ҳудудга бўлинган. қўшни давлатлар унга васал бўлиб, ўлпон тўшалар эди.

Конго халқининг асосини мустақил феодаллар ташкил қилган. Ер омманики хиссоблансада, у кишлоқ оқсоқоллари **нкулунту ва Мани-Конго** шохига тегишли бўлган. Дехқонлар нкулунту ерида ҳам ишлаб беришган, хосил ва овдан тушган ўлжалар бир қисмини унга беришган. Ов ва балиқчилик иккинчи даражада бўлган. Турли ҳунарлар ривожланган. Темирчилик айни вақтда сеҳргар ҳам бўлиши мумкин. Валиахдлар темирчиликни билишлари

шарт бўлган. мамлакатда савдо ривожланган бўлиб бозор кунлари бор эди. Карвонлар кирғоқ бўйларидан ичкарига туз олиб кирса ташқарига фил суяги, чарм махсулотлари, тилла буюмлар олиб чиқишган, ташқи савдо давлат назоратида бўлади. қуллар ҳам турлича бўлган. Ҳарбий асрлар ва жиноятчи қуллар аслзодаларга тегишлиб бўлиб хўжайин уларни ўлдириши ҳам мумкин эди. Қул савдоси катта маблағ келтирган. Мажбурий қуллар ёки қул бўлиб туғулганлар «уй қули» ёки «**очаг қули**» деб аталганлар. Уларнинг ахволи анча енгил бўлган қуллар европалик қулдорларни ёмон кўришган.

Давлат бошлиғи - Конго шоҳи феодаллар орасидан сайланиб у мутлоқ ҳокимиятга эга бўлган. Уни олий чиновликлар назорат қилишган улар «**асосий она**» унвонига эга бўлишган. Вилоят ва туманларга қирол яқинлари ҳукумронлик қилишган. Меросхўрлик дастлаб она уруғи томонидан сўнгра ота уруғи томонидан белгиланган.

1482 йил Конгода португал **Диего Каго** эскспедицияси пайдо бўлди. Португаллар ўзлари билан португал тилини ўрганган ва кейинчилик хиристианликни қабул қилган бир неча маҳаллий аҳолини олиб кетган. 1491 йил Конгода хиристиянликни қабул қилиш учун католик миссионерларнинг катта группаси келган. Улар яхши кутиб олинган.

Конго ҳукмдорлари ўз вассалларини ушлаб туриш, чегарадош қабилалардан химояланиш учун ўт очар қуроли бўлган португаллар билан алоқани яхшилашга ҳаракат қилишган. Конго шоҳи **Нзинга-а-Нкуве** хиристианликни қабул қилди ва **Жоао да Сильва** номи билан чўқинтирилди, пойтахт шаҳар эса **Сан-Салвадор** номини олди. Қиролнинг ўғли **Энрике** 11 ёшида Лиссабонда тахсил олиб 1-Африкалик епископ бўлди (1518).

Конго раҳбарлари **Сан-Томедаги** қул савдосида актив иштирок эта бошлади. Улар қул учун қўшни ҳудудларга ҳужум қилишарди. қўшнилари ҳам бунга жавоб қайтаришди. 1566 йили Конго қўшинлари ўз вассали бўлган **Нданго** қўшинидан мағлуб бўлди. Сўнгра Конго шимолидаги **батеклар** билан ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтди. 1569 йил шарқдан жангари **яга, бангала** қабилалари кела бошлади. Улар пойтахтни эгаллаб вайрон қилишди. Конго шоҳи **Альваро I** португалияликлардан ёрдам сўради. Бир неча йилдан сўнг **ягалар** мағлуб этилди, бироқ португаллар Конгода ўзларини хўжайин каби тута бошладилар. Натижада **Мбула Матади (Тош майдаловчи)** бошчилигида норозилик ҳаракатлари бошланди. Шундан сўнг португаллар ҳуқуқи чеклаб қўйилди.

1641 йил португаллар асос солган **Лоандуни** голландлар эгаллаб олишди. Конголиклар иттифоқчилари бўлган Оран шахзодасидан ёрдам сўрашди ва 1665 йил озодлик тўғрисида манифест чиқаришди.

Ангола.

XIV-XV асрларда **Кванза** дарёси хавзасида асосини **амбундо** қабиласи ташкил қилган давлат вужудга келди. У узоқ вақт Конго вассали бўлган. Пойтахти ва сиёсий маркази **Гола-ин Донго** шаҳри бўлган. Давлат раҳбари Конгога қарши уришиш учун 1556 йилда португалларни ёрдамга чақирди. 1575 йилги Конго кўзғолонидан сўнг айнан шу ерга португал қўшинлари етиб келди. Улар билан бирга миссионерлар ва қул савдогарлари етиб келишди. Озодлик ҳаракатлари 1580 йилдан 1625 йилгача давом этди. кўзғалонга шох синглиси **Анна Зинчи Мбанди Ньола** бошчилик қилди ва ғалабадан сўнг 1625-1655 йилларда давлатни бошқарди. Португалларга қарши кураш авж олиб кетди ва улар қувиб чиқарилди.

Ушбу давлатда ҳокимият, унвон ва мерос она уруғи томонидан олинган. Давлат бошқарувида аёллар муҳум ўрин тутган.

Луба.

XVI асрнинг I-ярмида ҳозирги **Катанга** ҳудудида **Луба** давлати вужудга келди. 1959 йилги **Кисале** кўли бўйида бўлган қазишмаларда шу нарса аниқландики, одамлар бу ерда XII-XIII асрлардан бошлаб яшай бошлашган.

Лубе давлати гуллаб яшнаган пайтда унинг чегаралари **Танганика** кўлидан **Бушимай** дарёсигача, шимолда **Манемадан** жанубда **Замбиягача** етиб борган.

Давлат тепасида «**ер ўғли**» бўлган шох ўтирган. У ҳам диний, ҳам сиёсий ҳукмдор бўлган. Подшоҳга қўшин бошлиқлари ва маслаҳатчиларидан иборат феодаллар кенгаши ёрдам берган. Давлат бошқарув аппарати, ўринбосарлар, округ ва провинция раҳбарлари аслзодалардан тайинланган.

Аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланган. Аҳоли қарзларини махсулот тарзида тўлаши ва турли мажбуриятлар ўташи олозим эди. Юқори табақа асосан туз ва асалдан даромад олишган.

Деҳқонлар, овчилар, балиқчилар, металлсозлар ўз махсулотларини **Катанги** бозорида айирбошлашган. Пуллик алоқалар пайдо бўла бошлаган. Пул бўлакчалари хар хил кўринишда бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.История стран Азии и Африки в среднѐе века. М.,1987.
- 2.История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
- 3.История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вѐсшая школа, 1988.

Таянч иборалар

- 1.Миср
- 2.Салоҳиддин Аюбий
- 3.Жанубий Африкадаги қабилалар.
- 4.Европаликларнинг кириб келиши.

Мавзуга доир саволлар

- 1.Аюбийлар давлатини ташкил топиш сабаблари?
- 2.Нима учун Африкада кудратли давлатлар кам эди.?
- 3.Европаликларни кириб келиш сабаблари?

Мавзу: XVI-XVII асрнинг биринчи ярмида Индонезия.

Режа:

1. Мусулмон князликларининг вужудга келиши.
2. Бантом давлати.
3. Голландларнинг кириб келиши.

Мусулмон князликларнинг пайдо бўлиш.

1520 йили исломий вассаллар ва ноиблар томонидан Маджапахит империяси ағдарилди. Ява эса майда мусулмон князликларга бўлиниб кетди. Шарқий худудн маджапахит авлодлари бошқаришган. Маджапахитнинг йиқилиши Билан Ява ахолиси мусулмон динига эътиқод қила бошлади.

Маджапахит давлатининг ағдарилиши Суматра қиғоғида кўпгина собиқ вассал давлатларини мустақил қилиб қўйди. Уларни ривожланиши турлича бўлган.

М: Шар.Суматрада жойлашган Малайя йўқ бўлиб кетди. Шу вақтда Хальмахеяра ороли яқинида Тидор ва Терната мусулмон султонлиги вужудга ткелди. Бу султонликлар шарқ ва ғарб билан зиравор савдо қилувчи шар.Индонезия ороларин босиб олишди. Бу Тидорга АйниқСА Тернатага ташқи Дуне Билан муносабат ўрнатишда мухим роль ўйнади. Кўпгина феодал князликларини пайдо бўлиши хокимият учун курулларни келтириб чмқарди. Фақатгина XVI асрда Матарам князлиги хокими Сутувилджая бунга чек қўйди, деярли Ява оролларини ўзига бўйсундиради. Шарқда хиндуизм султонлиги Баламбагон ва ғарбда Бантома ўз эркинликларини САқлаб қолишди.

Бантомнинг Явада тикланиши аче давлатини Суматрада мустахкамланиши нисбатан португалларнинг 1511 йил Малаккани босиб олиши, савдо йўлларига боғлиқ бўлди.

Бантом давлати.

Малакка бўғизини мухим стратегик нуқталиги португалларга шу ердан ўтадиган кемаларни оғир солиқлар тўлашга мажбур этарди. Хитой ва Хинди савдогарлари бу солиқлардан қочиб бошқа йўллар очишди: Зонд бўғизидан ва Суматра ён бағирлари бўйлаб ўтган йўллар. Шу ходиса Бантомнинг дастлаб мухим савдо портига айланишига, кейинчалик эса давлат марказига айланишига олиб келди. Бантом феодал қатлами ўртакашлик орқали бойиб кетиб Сунданез қабиаларини ўзига бўйсундирди, бу қабиалар эса /арбий Явани ички қисмида яшар эди.

XVI асрнинг 2-ярмида Бантом давлатида кишлоқ хўжалиги ривожланди, ирригациядан кенг фойдаланилди. Каналлар куришга ахоли жалб этилди. Ташқи савдони ривожланиши натижасида янги экин **каламбир** экила бошланди. Қаламбир экиладиган жойларда солиқ махсулот тарзида олинган. Хитой маълумотларига қараганда каламбир хосили бир йилда 3 млн. тоннага етган.

Яванинг бошқа қисмларидан кўра Бантомда жамоа ерлари йўқолиб кетди. Камбағал дехконлар инкирозга учраб кулга айлана бошлади. Ота-оналарнинг ўз болаларини сотишга қонуна рухсат берилган. Қаттиқ эксплуатация натижасида феодаллар бойиб боришган. Португал маълумотларига кўра Бантом порт шаҳар бўлиб, у шарқ савдо шаҳарларидан қолишмасди. Бу ерга шарқдан кўплаб савдогарлар келишган.

Хуросондан қимматбаҳо тошлар (*дур, олмос*) ва доривор ўсимликлар, хатто Бирмадан тирик филлар Билан савдо қилишгани келишар эди. Малайяликлар ва хитойликлар қўлида ўртакашлик ишлари жамланган эди. Қитой савдогарлари бошқа Индонезия туманларидаги каби Бантомда ҳам катта рол ўйнашган.

Голландларнинг кириб келиши.

Карнелус Хутман бошчилигида 1596-йил 23-июнда **Бантомга** 1-голланд савдо кемаси кириб келди. Шундан сўнг уларнинг кириб келиши кўпайди. Голландия ва Англия бирлашиб португал колоннияларига қарши курашарди. Ўзларини дўст сифати тутишса ҳам, аслида португалларга қарши курашардилар. Голландиянинг **Ост-Индия** компанияси **Терната Айбоина ва Банда** ороларида жонланиб борди.

Португалларга қарашли ерлар фақат **Тимор** ороллари бўлиб қолди. Явага жойлашиш Ост-Индия компаниясига жуда қийин бўлди. Мантером ва Бантом хокимлари бу оролларда корхоналар куриш таклифини қатъий рад этди. 1619

йил Молукка ороларидан ўтиб келган флот Бантомликларни мағлубиятга учратди. Жакарталикларини қолдиқлари устида Явадаги 1-голланд колонияси вужудга келди. Қуршов пайтидаёқ унга **Батавия** деб ном берган. Тез орада Хитой савдогарлари, хунармандлари кишлоқлари вужудга келди ва аста секин шаҳар бўла бошлади. Батавия

голландларнинг Явани босиб олишларида таянч нуқчасига айланди. Голландларнинг мустамлака ерлари Африкадан Япониягача етиб борди.

Голландлар мустақил бўлган князлик ва султонликларни савдо тизимида ушлаб туришга ҳаракат қилар эди. Голландлар Ост Индия компаниясини 1641 йилда эгаллаб олишди. Индонезияда португаллар эгалигидан бутунлай маҳрум қилинди. Тиморда сақланиб қолган португал ҳукмронлиги энди голланди монополиясини кенгайтиришга ҳалакит бермасди.

Голландия мустамлакалари эксплуатацияси XVII асрда Молукка оролларида оғир сезивар эди. Португалларни қисиб чиқаргандан сўнг голландлар бу ерда янада қаттиқ назорат ўрнатдилар.

Зираворларни арзон баҳога сотишга мажбурлаш очарчиликка олиб келди. Қўзғолонлар мустамлакачилар томонидан шафқатсизларча бостирилди. 1621 йили Банда ороллари аҳолиси қўзғолон кўтарди, бироқ қурол аслаҳалар билан қуролланган ҳарбийлар томонидан шафқатсизларча бостирилди. Кўпчилиги уларни уриб ўлдирган ва бир қисми қувғин қилинган ва очликдан ўлган, оролда одам қолмаган. Голландлар одамлар плантациясини тўплашга ҳаракат қиларди. Бошқа ороллардан одамларни ушлаб келиб ишлатишга ҳуқуқлари бор эди. Шарқий бозорларда қулар кўпроқ сотилган. Целебасидан одамларни ушлаб келиб Явани ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Бу усул учун махсус ўғрилар таёрланган. Ёшларни ўғирлаб келгач, Цклкбаси қамоқхонасида сақлаб вояга етгач ишга йўналтиришган. Аммо XVII асрнинг ўрталарида мустамлакачилик тугалланмаган эди. Хатто Ява бўйсунмаган эди. Батавия мунтазам Матарам ва Бантом кучлари тазйиқи остида эди. Голланд компанияси матарам саройида турли хийлалар билан иш олиб борар эди. Чунки мустамлакачиларнинг архипелагдаги озик-овқати билан матарама таъминларди. XVII асрда Голландлар Батариядаги босиб олган ерларини Матарама томонидан тан олинишига эришди. Явани тўла босиб олиш учун хали кўп вақт керак эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.История стран Азии и Африки в среднѐе века. М.,1987.
- 2.История народов Восточной и Центральной Азии. М., 1986.
- 3.История стран Азии и Африки в среднѐе века. 1-2 я. М., Вѐсшая школа, 1988.
- 4.История среднѐх веков (под.ред.З.В.Удальцовой и С.П.Карпова. 1-2 ч.). М.. Вѐсшая школа, 1991.
- 5.Средновековѐй восток. М., 1980.

Мундарижа :

Кириш. Осиё ва Африка мамлакатлари феодализмнинг вужудга келиши ва тараққиёти. _____

I. Илк ўрта асрлар.

1. Илк ўрта асрларда Хитой _____ 5
2. Илк ўрта асрларда Хиндистон. _____ 14
3. Японияда феодал муносабатларнинг пайдо бўлиши. _____ 18
4. Илк ўрта асрларда Корея. _____ 21
5. VI-XI асрларда араблар. _____ 24
6. Эронда феодал муносабатларнинг вужудга келиши ва тараққиёти. _____ 28
7. Илк ўрта асрларда Вьетнам. _____ 34
8. Илк ўрта асрларда Индонезия. _____ 36
9. VI-VIII асрларда Кампучия. _____ 38
10. III-XII асрларда Шри Ланка. _____ 40

II. Ривожланган ўрта асрлар.

1. XIII - XVI асрларда Хитой. _____ 42
2. IX-XV асрларда Корея давлати. _____ 44
3. XI-XV асрларда Вьетнам. _____ 48
4. XIII асрда мўғул ва унинг истилолари. _____ 51


III. Сўнгги ўрта асрлар.

1. XVI-XVII асрларда Хитой. _____ 53
2. XVI-XVII асрларда Япония. _____ 55
3. XVI-XVII асрларда Хиндистон. _____ 57
4. XVI-XVII асрларда Эрон. _____ 59
5. XVI-XVII асрларда Туркия. _____ 60
6. XVI-XVII асрларда Африка давлатлари. _____ 62
7. XVI-XVII асрнинг биринчи ярмида Индонезия. _____ 66

Корея, около 550



© Martin Greenwald Associates, Inc.



3. M.